

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.2:6П2.15.7:338(575.1)**

**НАСИМОВ РАВШАНЖОН АЗИМОВИЧ**

**СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.д. У.Х.Нормурзаев**

**Тошкент – 2023 йил**

# МУНДАРИЖА

<b>I БОБ.</b>	<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
	<b>СОЛИҚ ЎКИННИГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
1.1-§.	Солиқ муносабатлари тизимида солиқ юкининг илмий асослари.....	14
1.2-§.	Солиқ юкининг илмий тадқиқотлардаги назарий талқини.....	30
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	44
<b>II БОБ.</b>	<b>СОЛИҚ ЎКИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>47</b>
2.1-§.	Солиқ юкини баҳолаш услубиёти ва уни такомиллаштириш масалалари.....	47
2.2-§.	Солиқ юкига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	64
2.3-§.	Тармоқлар ва корхоналарда солиқ юкини баҳолаш механизмларининг таҳлили.....	84
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	104
<b>III БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ ТИЗИМИДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ЗИММАСИДАГИ СОЛИҚ ЎКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b>	<b>106</b>
3.1-§.	Макроиктисодий кўрсаткичлар асосида солиқ юкини прогнозлаш масалалари.....	106
3.2-§.	Солиқ сиёсати тактикаларини солиқ юкини оптиналлаштириш жиҳатидан ишлаб чиқиш йўналишлари Учинчи боб бўйича хулоса.....	123 146
	<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>149</b>
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>154</b>
	<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатлари молия-солиқ тизимида азалий муаммолардан бири сифатида солиқ юкини оптимал тақсимлаш ва шу орқали иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган узоқ йилларга мўлжалланган молиявий стратегиялар ва тактикаларга кенг эътибор бериб келинмоқда. Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, “бугунги кунда жаҳон мамлакатларида солиқ юкини баҳолаш, таҳлил қилиш ва аниқлашнинг бир қатор тавсиявий характерга эга бўлган усулларни қўллаш асосида мамлакатларнинг солиқ сиёсатининг самарадорлигига баҳо берилмоқда, жаҳон ҳамжамияти учун солиқ юкининг ўртacha даражаси (35 фоиздан ошмаслик)да мавжуд бўлишилиги жаҳон мамлакатларида молиявий барқарорликни таъминлашнинг бир омили сифатида қараб келинмоқда”<sup>1</sup>. Бу эса мамлакатлар солиқ хизматлари томонидан доимий равишда солиқ юкини оптималлаштириш йўлларини излаш заруратини намоён этади.

Кейинги йилларда жаҳон мамлакатларида миллий солиқ сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишда бюджет ҳамда солиқ тўловчилар молиявий имкониятларининг уйғунлигини таъминлаш асосида солиқ юкини оптимал тақсимлаш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Солиқ юки даражасига таъсир этувчи янги омилларни аниқлаш, солиқ юкининг тақсимланиш жараёнларини таҳлил қилишда инновацион ёндашувларни жорий этиш, солиқ юки даражасини прогнозлаш ва солиқ сиёсатини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, солиқ юки ва унинг иқтисодиётга таъсирини ялпи ички маҳсулот, нарх, инфляция, инвестиция, меҳнат ва истеъмол бозори билан ўзаро боғлиқлиқда ўрганиш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> <http://elibrary-data.imf.org>.

Янги Ўзбекистонда солиқ тизимидағи ислоҳотларнинг асосий йўналиши бўлган солиқ сиёсатининг мазмуни солиқ юкини мунтазам камайтириб бориш эвазига макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилмоқда. “Шу билан бирга, ўрганишлар натижалари мазкур соҳада бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни кўрсатди, хусусан: умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги”<sup>2</sup>ни камайтиришга кенг устуворлик берилмоқда. Бу вазифалар ва мақсадларга эришиш эса, солиқ юкини солиқ тўловчиларга солиқقا тортишнинг адолатлилик принципларини қўллаган ҳолда тақсимлаш ва уни оптималлаштириб бориш каби масалаларнинг ечимларига бағишлиланган илмий тадқиқот ишларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуритчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги, 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ-374-сон “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва хукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрганилаётган мавзу доирасидаги тадқиқотларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хорижлик олимлардан A.Agrawal, G.Zodrow., C.Rosell, T.Simcoe, S.Appelt, M.Bajgar, Ch.Criscuolo, Fe.Galindo-Rued, S.Appelt, В.Городникова, Л.М.Гохберг, Г.А.Грачева, И.А.Майбуров, В.Т. Куликова, А.П. Гофман, А.А. Усовецкий, Д.В. Лазутина, Е.И. Комарова, А.Н. Рогожин, Е. Балацкий, А. Дробозина, Б. Рагозин, В. Белостоцкая, Д. Черник<sup>3</sup>ларнинг илмий тадқиқотларида солиқ юки билан боғлиқ илмий муаммолар ўрганилиб тадқиқ қилинган.

---

<sup>3</sup> Agrawal, A, C Rosell and T Simcoe (2020), “Tax Credits and Small Firm R&D Spending”, American Economic Journal: Economic Policy 12(2): 1-21; Silvia Appelt, Matej Bajgar, Chiara Criscuolo, Fernando Galindo-Rueda. “Effectiveness of R&D tax incentives in OECD economies” 14 October 2020; Appelt, S, M Bajgar, C Criscuolo and F Galindo-Rueda (2020), “[The effects of R&D tax incentives and their role in the innovation policy mix: Findings from the OECD microBeRD project, 2016-19](#)”, OECD Science, Technology and Industry Policy Papers, No. 92, OECD Publishing, Paris., Куликова Татьяна Вениаминовна. Инструменты планирования налоговой нагрузки хозяйствующих субъектов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново 2004. С. 20., Гофман Анна Павловна. Методика оценки налоговой нагрузки предприятий малого бизнеса в границах «налогового коридора». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново-2008. С.24., Усовецкий Артем Анатольевич. Методы оптимизации налоговой нагрузки предприятий (на примере налога на добавленную стоимость). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2003. С. 11., Лазутина Дарья Васильевна. Налоговая нагрузка и методы её расчета. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Тюмень – 2005. 25. С., Комарова Елена Ивановна. Налоговая нагрузка на экономику региона в условиях развития налоговой системы Российской Федерации. Автореферат

Солиқ юки ва уни таҳлил қилиш масаласи маҳаллий олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам кенг ўрин олиб келмоқда. Булар жумласига, Т.Маликов, С.Р.Адизов, Қ.Яхёев, О.З.Гайбуллаев, Ш.Тураев, К.Хотамов, Б.Санакурова, Бозоров Қ.Т., Адизов С.Р. Б.Исроилов, С. Султанова, И.Ниязметов, З.Қурбонов, Ф.Исаев, Қ.Тухсанов, У.Нормурзаев, У.Ражабов ва шу каби олимларининг илмий тадқиқотларини келтириш мумкин<sup>4</sup>. Аммо, миллый, худудий ҳамда солиқ тўловчи корхоналар доирасида солиқ юкини оптималлигини таъминлаш, бу борадаги давлатнинг солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига бағишлиланган илмий тадқиқот ишлари жуда кам оширилганки, бугунги Янги Ўзбекистон шароитида ушбу масала билан илмий тадқиқотларга илмий тадқиқотларга эҳтиёж сақланиб қолмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.**  
Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий

---

диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Оренбург-2007. 11с. Рогожин Антон Николаевич. Налоговая нагрузка в системе налоговой политики государства и организаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов – 2012. с 12., Балацкий Е. Лафферовы эффекты и финансовые критерии экономической деятельности//МЭиМО.-М.: 1997.- №11.стр.31-43., Мэнкью Н.Г.Принципы экономики.– СПб.: Питер Ком,1999., - с.356., Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. – М.: Ось-89, 1997., - с.346., Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. Государственное издательство политической литературы., Белостоцкая В.А. Системный подход к измерению налоговой нагрузки//–М.: Финансы.,2003. – №3.-с.36-37., Кирова Е.А. Методология определения налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты//–М.: Финансы. 1998., №9.–с.30-32., Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия//–М.: Финансы. 2006.-№2.-с.42-46., Черник Д.Г., Налоги.4ое издание – М.: Финансы и статистика, 2000., - с. 430.

<sup>4</sup> Маликов Т. “Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари”. Т.: Академия нашри. 2002 й., Адизов Санжар Рашидович. Солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири моделлаштириш.08.00.06- Эконометрика ва статистика ихтисослиги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. Тошкент-2018. 25 б., Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.-Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003 й 19-б., Гайбуллаев Орзумурад Зиядуллаевич. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш. 08.00.07-молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-2004. 24 б., Тураев Ш.Ш. “Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари”. и.ф.д. учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.-2021 й, Хотамов К.Р. “Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” диссертация и.ф.д., Т: 2016 й.136 б., Санакурова Б.Р. “Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишини таъминлаш” д.д. Т:2016 й. 120 б., Санакурова Б.Р., Бозоров Қ.Т., Адизов С.Р. Солиқ юки таҳлили. Ўкув қўлланма. Тошкент. Иқтисодиёт нашриёти. 2017-323.б., Юлдашев О.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 бет., Курбонов З.Н. “Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари” дис. И.ф.д. Тошкент: БМА, 2008. 272 б., Исроилов Б.И. “Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилиниң методологик асослари ”. Диссертация и.ф.д., Самарқанд-2006., Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили: назария ва амалиёт. Монография. Т.: “IQTISODIYOT”. 2022 йил. 150 бет., Нормурзаев У.Х. Солиқ имтиёзларининг самараадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Дисс. автореферати. – Т., 2022. - 22 б. Раджапов У. “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш” и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзилган дисс. Автореферати.-Т:-2006. 9-б.

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг макроиктисодий барқарорлиги ва прогнозлаштиришини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг макроиктисодий барқарорлиги ва прогнозлаштиришини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда солиқ юкини баҳолаш ва уни оптималлаштириш жараёнларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тақлиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

солиқ юкиниң ижтимоий-иктисодий моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

солиқ юки даражасига таъсир этувчи омилларни ёритиб бериш;

солиқ юкига оид илмий тадқиқотларни илмий таҳлил қилиш ва мбу бўйича муаллифлик ёндошувни шакллантириш;

республика солиқ тизимида солиқ юкиниң тақсимланиш жараёнларини таҳлил қилиш;

солиқ сиёсатини баҳолаш услубиётини таҳлил қилиш;

кўп омилли эконометрик таҳлиллар асосида келгуси беш йилга мўлжаллланган солиқ юки даражасининг прогноз қўрсаткичларини ишлаб чиқиши;

солиқ юкини баҳолашнинг амалдаги услубиётнинг такомиллаштирилган вариантини ишлаб чиқиши;

Ўзбекистон солиқ тизими ва сиёсатида солиқ юкини янада оптималлаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ юкини баҳолаш ва оптимал тақсимлашга оид фаолият олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Ўзбекистонда солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини услубий жиҳатдан баҳолаш ва уни янада оптималлаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда диалектик ёндашув, таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, рейтинг баҳолаш, статистик гурухлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

бензин ва дизел ёқилғисини охирги истеъмолчиларга сотадиган шахслар учун акциз солигини бекор қилиб, уни тўлаш мажбуриятини нефть маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар зиммасига юклаш орқали мазкур солиқ турини бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатмасдан унификация қилиш таклифи асосланган;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган миқдорда ёки жисмоний шахслардан декларация асосида олинадиган даромад солигини бекор қилиш ҳамда мазкур солиқ ўрнига якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан айланма солиги ёки ҚҚС ва фойда солиқларини тўлашни танлаш имконини бериш орқали солиқ юкини оптималлаштириш таклифи асосланган;

юридик шахсларнинг асосий инфратузилма ҳамда кўчмас мулк обьектлари учун мол-мулк солиги ставкасини йиллик инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда 0,5% дан 0,8% гача ошириш орқали индексация қилиш асосида асосий ставка даражасига етказиш ва teng солиққа тортиш шартларини яратиш таклифи асосланган;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ижтимоий реестрига киритилган фуқаролар ишга қабул қилиниб, уларга камида бир йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган

ҳажмда иш ҳақи тўлаб, бандлигини таъминлаган ва улар жами ишчилар сонининг камидаги 20 фоизини ташкил этган ҳолатда мол-мулк солиғи ва ер солигидан имтиёз бериш таклифи асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуидагилардан иборат:

солиқ юки тушунчасига оид муаллифлик таърифи шакллантирилган;  
солиқ юкига таъсир этувчи макро ва микро омиллар кўрсатиб берилган ва уларнинг таъсир даражаси илмий жиҳатдан асосланган;

кўп омилли эконометрик таҳлиллар асосида келгуси беш йилга мўлжаллланган солиқ юки даражасининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқилган;

давлат солиқ сиёсатида солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзларини ўзаро уйғунликда кўриш чиқиш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлатнинг солиқ юки билан боғлиқ солиқ-бюджет сиёсатида уни услугбий жиҳатдан адолатли баҳолаш ва тақсимлаш асосида оптималлаштиришга оид маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш, солиқ сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизmlарини тақомиллаштиришнинг самарали усулларини қўллаш орқали самарадорликка эришиш, шунингдек, бу борадаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишида ҳамда ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Солиқ юкини баҳолаш ва уни янада оптималлаштириш билан боғлиқ ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

бензин ва дизел ёқилғисини охирги истеъмолчиларга сотадиган шахслар учун акциз солиғини бекор қилиб, уни тўлаш мажбуриятини нефть маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар зиммасига юклаш орқали мазкур солиқ турини бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатмасдан унификация қилиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2023 йил 3 ноябрдаги 15-109925-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциз солиғи турларини бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатмасдан унификация қилиш, давлат бюджетига қўшимча 63,0 млрд.сўмлик маблағ жалб этилиши ва солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкининг кескин ошишига олиб келмаслигини таъминлаш имконини берган;

юридик шахсларнинг асосий инфратузилма ҳамда кўчмас мулк обьектлари учун мол-мулк солиғи ставкасини йиллик инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда 0,5% дан 0,8% гача ошириш орқали индексация қилиш асосида асосий ставка даражасига етказиш ва teng солиқقا тортиш шартларини яратиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети

тўғрисида”ги қонунларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2023 йил 3 ноябрдаги 15-109925-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида давлат бюджетига қўшимча 149,7 млрд.сўмлик маблағ жалб этилиши ва солиқ тўловчилар зиммасига тушадиган солиқ юки кескин ошишининг олдини олиш имкони яратилган;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган миқдорда ёки жисмоний шахслардан декларация асосида олинадиган даромад солиғини бекор қилиш ҳамда мазкур солиқ ўрнига якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан айланма солиғи ёки ҚҚС ва фойда солиқларини тўлашни танлаш имконини бериш орқали солиқ юкини оптималлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2023 йил 3 ноябрдаги 15-109925-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ставкаларини оптималлаштириш ҳисобига солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини 342 млрд.сўмга камайтириш имконини берган;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ижтимоий реестрига киритилган фуқаролар ишга қабул қилиниб, уларга камида бир йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган ҳажмда иш ҳақи тўлаб, бандлигини таъминлаган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этган ҳолатда мол-мулк солиги ва ер солиғидан имтиёз бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ-93-сон “Камбағалликни қисқартиришда

тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солик қўмитасининг 2023 йил 19 июндаги 18/1-74550-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида тадбиркорлик субъектларига табақалашган миқдорларда имтиёз ва преференциялар белгилаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шундан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

## **I-БОБ. СОЛИҚ ЮКИННИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. § Солиқ муносабатлари тизимида солиқ юкининг илмий асослари**

Таъкидлаш керакки, солиқ тушунчаси, аввало, иқтисодий категория сифатида солиқ юкини ифодалайди. Соликлар деб номланувчи категориянинг пайдо бўлиши мазмунан олиб қаралганда мажбурий тўлов сифатида жамият аъзоларининг молиявий мажбуриятини юзага келишини ҳам билдиради. Молиявий мажбуриятлар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, давлатнинг жамиятга кўрсатаётган турли хил хизматларини амалга ошириш учун молиявий ресурсларга бўлган талабнинг қондирилишини тақозо этади. Бундай молиявий мажбуриятларни эса давлат томонидан жамият аъзоларига (корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли) юкланди. Бундай юкланишда эса солиқ мажбуриятлари юзага келади. Мажбуриятларнинг кўлами, даражаси ва миқдори жамиятнинг парламентаризм кўринишида халқ ҳокимияти томонидан ёки улар ваколат берган шахслар томонидан белгилаб борилади.

Илмий билиш ва тадқиқот назариясига кўра, солиқ юкининг пайдо бўлиши ва унинг иқтисодий муносабатлардаги ролини билиш учун албатта солиқ юкининг юзага келиш жараёнларини тадқиқ қилишни тақозо этади. Юқорида айтганимиздек, солиқ юки биринчидан, жамият аъзолалари зиммасига юклатилган молиявий мажбуриятни англатади, иккинчидан, солиқ категориясининг ўзи моҳиятан ҳам солиқ юкини ифодалайди, учинчидан, муаян давр мобайнида жамиятда яратилган қийматнинг жамият аъзолари ўртасида қайта тақсимланишини тавсифлайди, тўртинчидан, иқтисодий муносабатларда янгидан яратилган қийматнинг ижтимоийлашувини таъминлайди, бешинчидан, солиқ юки аслида жамиятдаги ишлаб чиқариш субъектлари ва мулк ҳамда даромадга эга бўлган жисмоний шахсларнинг жамиятга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ва молиявий хизматларини молиялаштиришдаги улушкини англатади, олтинчидан эса, давлатнинг ижтимоий ва молиявий хизматлари ким қанча фойдаланган бўлса,

ана шу миқдорда (ҳажмда) молиявий мажбурият олмаслиги ёки тескари ҳолатда бўлишини кўрсатиб беради ва шу орқали ижтимоий-иқтисодий қайта тақсимланишлар мавжудлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан олиб, биз солиқ юкини тўлароқ тушуниш ёки тушунтириб бериш учун солиқларнинг юзага келишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.


Солиқларнинг категория сифатидаги мазмуни унинг жамиятда давлат томонидан жамият аъзоларига нисбатан қўллайдиган молиявий дастак – мажбурий тўловларни ўзида ифода этади. Солиқларнинг пайдо бўлиши ва унинг амал қилиши давлатнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши билан боғлик. Жамиятда юз берадиган ҳар қандай жараён ва ҳодисалар, албатта, у ёки бу омилларнинг таъсирида юзага келади ва ривожланади. Солиқ категорияси ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Солиқ категориясининг мазмун моҳиятини тўлиқ англаш учун унинг илдизини топиш зарур бўлади, яъни солиқнинг амал қилишининг асосий омилларини аниқлаш унинг моҳиятини кашф қилишда муҳим қадам бўлади. Солиқ категорияси ва солиқ юки масаласи жамиятдаги тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Солиқлар ҳам худди молия категорияси сингари тақсимот муносабатларининг мураккаблашуви ва уни тартибга солишининг самарали методларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқади.

Агар илмий ўрганишнинг тарихийлик ва мантиқийлик методларига асосланадиган бўлсак, кишилик жамиятининг тараққиётини тавсифловчи формацияли ёндашувга кўра ҳали давлат мавжуд бўлмаган шароитда ҳам, қадимги одамлар ўртасида ҳам тақсимот муносабатлари мавжуд бўлган. Ушбу тақсимот муносабатлари дастлаб стихияли касб этган бўлса, кейинчалик оила, гурух, қабила бошлиqlари томонидан амалга оширилган. Бунда тақсимотда қандай тамойилларга асосланилганлиги тарихий манбаларда мавжуд. Бундай тақсимот муносабатлари кишилик жамиятининг ривожланиб, такомиллашиб ва мураккаблашиб бориши, иқтисодий муносабатлар ва унга монанд равища ижтимоий муносабатлар ҳам мураккаблашиб борганлиги ва тақсимот механизмларининг анъанавий усуллари иш бермай қолиши оқибатида янги

кучга эҳтиёж сезади. Жамиятда муносабатларнинг ривожланиши оқибатида икки хил соҳага, яъни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига ажралиши эса улар ўртасида ўзаро нисбат (пропорция) муносабатларини ўрнатишни талаб этади. Бу эса ўз-ўзидан кўринадики, давлатнинг жамиятда синфий сиёсий куч сифатида юзага келишининг иқтисодий асосларига сабаб бўлган. Демак, давлатнинг юзага келишига сабаб, биринчидан иккига бўлинган соҳалар ўртасида нисбатни таъминлаш бўлса, бошқа томондан тақсимот муносабатларини тартибга солиш орқали жамиятда мувозанатни таъминлашнинг зарурлигидир.

Давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси ўртасидаги нисбат муносабатларни тартибга солища бир томондан унинг самарали усулларини шакллантирса, бошқа томондан ноишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришга ҳаракат қиласи, яъни унинг ўзига хизмат қилувчи звеноларни кучайтиради. Давлатнинг олдида ягона йўллардан бири ишлаб чиқарища яратилган маҳсулот(қиймат)нинг бир қисмини мажбурий тартибда ундириш ва уни ноишлаб чиқариш (ўзининг звенолари) ўртасида қайта тақсимлаш орқали мувозанатни таъминлашдек тадбирдир. Бу тадбир эса қандайдир марказлашган (пул) фонdlарни шакллантиришни тақозо этади. Ишлаб чиқариш соҳасидан қайта тақсимланган бойликларни эса ушбу марказлашган фонdlарга жалб қилишнинг бирдан-бир усулларидан бири сифатида мажбурий тўловлар, яъни солиқларни жорий этишни тақозо этади. Бу муносабатлар аслида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга зиммасига молиявий юкни юклашни билдиради, мажбурий тўловларни жорий этиши орқали эса, солиқ юкини келтириб чиқаради. Чунки, солиқ юкининг ўзи давлат томонидан ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар, хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар ва даромад, мулк ва ерга эгалик қилувчи жисмоний шахсларга нисбатан эълон қилинадиган молиявий мажбуриятларни ҳам ифодалайди. Ҳар қандай иқтисодий-ижтимоий жараённинг келиб чиқиш ҳолати мавжудки, солиқ юкининг иқтисодий ва социал муносабат сифатида юзага келишини тақсимот муносабатларига бориб тақалади.




### 1.1.-расм. Солик юкининг тақсимот муносабатлари билан корреляцияси<sup>5</sup>

Келтирилаётган мазкур 1.1-расмдан кўринадики, солик юки тақсимот муносабатлари билан корреляцияси тўғри-тўғри ва билвосита тарзида мавжуд бўлади. Тўғридан тўғри тарзида эса, ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмининг давлатнинг молиявий маблағларини шакллантириш мақсадида қайта тақсимланиши жараёни солик юкини юзага келтиради ва унинг миқдори давлатнинг солик сиёсатидан келиб чиқиб аниқланади. Билвосита боғлиқлиги эса, солик юкининг ўзи ичida ижтимоий хизматлари истеъмол этувчи соҳага йўналтирилган маблағлардан меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлари ҳам солик юки сифатида қаралади.

Шу жихатдан олганда солик юкининг ижтимоий-иктисодий илдизи ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини жамият манфаатлари ва давлат манфаатлари мақсадида тақсимлаш муносабатларига бориб тақалади. Демак, солик юки бир жихатдан даромаднинг тақсимланиш чегараси бўлса, бошқа томондан топилган даромад ва эгалик қилинган мулкнинг бир қисмининг давлат

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

ихтиёрига ўтказиши воситаси ва шакли ҳамдир. Солиқ юкини аниқлаш маълум бир тамойиллар асосида амал қиласди, бироқ, буни назарий жиҳатдан чуқурроқ талқин қилинганда кўринади.



### 1.2.-расм. Солиқ юкини аниқлаш тамойиллари<sup>6</sup>

Умумий тарзда солиқ юкини аниқлаш деганда, аслида жамият аъзоларининг иқтисодий фаолиятида топган янгидан яратган қиймати (даромади)ни қанчасини давлат ихтиёрига жалб қилинишини ҳал қилиш масаласи тушунилади. Аммо, давлатнинг молиявий маблағларга эҳтиёжи чексиз бу объектив-иктисодий қонуниятдир. Солиқ юкини белгилашнинг дастлабки тамойилларидан бири сифатида диний тамойилларни келтириш мумкин.

Манбаларга асосланган таҳлиллар шуни кўрсатадики, масалан, «Библия»да киши топган фойдасининг ўндан бир қисмини жамият манфаати учун тўлаши лозимлиги ҳақида таъкидланган бўлса, «Куръон»да инсоният учун мол-мулк ва даромадининг ўзининг эҳтиёжларидан ортган (албатта, маълум бир муддатда ишлатилмай турган ҳолатда) бир қисмини бошқалар

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

(ночор, камбағал, фақирлар)га ажратиб берилиши ҳақида оялтар нозил қилингандай. Арабистон ярим ороли, Византия ва Сосонийлар давлатларидағи христианлик ва яхудийлик динларига эътиқод қилувчи аҳоли учун Ислом дини пайдо бўлишидан олдин бундай солик тури маълум бўлган. Қадимда христианлар ўртасидаги табақавий tenglikни сақлаш мақсадида бой ва ўртаҳол христианлик динига эътиқод қилувчи аҳоли ойлик даромадининг ўндан бирини (десятина) солик сифатида черковга олинган. Яхудийларда эса диний мажбурият сифатидаги солик «солиҳлик» (цедака) деб аталган. Яхудийлар чорва-моллари, ҳосил, урушда орттирилган ўлжалар ва молмулкларнинг ўндан бирини ҳар ойда цедака солиги сифатида ибодатхонани таъмиглашга ишлатганлар, руҳонийлар, камбағаллар, бева ва етимлар орасида тарқатганлар.

Араб-мусулмон давлати бюджетининг юксалишидаги асосий манба ролини ушр (عشر – араб тилидан сўзма-сўз: ўндан бир) солиги ўйнади. Ушр солиги йиғилган ҳосилнинг (1/10) қисмiga teng. Аксарият манбаларда бу солик алоҳида, баъзан хирож солиғининг таркибий қисми сифатида талқин этилади. Ушр солиги халифа Умар ибн ал-Хаттоб даврида ўзининг аниқ кўринишига эга бўлди. Бу даврга келиб, марказлашган Ислом давлатининг солик сиёсатида бож ва савдо ушри солиги пайдо бўлди. Бу солик уруш олиб борилаётган давлат (балад ал-ҳарб)дан Мадина давлати тасурруфидаги ҳудудларга тижорат учун қатнайдиган кемалар ва якка савдогарларнинг товарлари ҳисобидан олинган. Шунингдек, бож ушрининг фоиз қиймати ҳам савдогарнинг диний эътиқодига қараб белгиланган: мусулмонлардан ушрининг чораги (1/4), яъни 2,5 % ёки 5 дирҳам ёки ярим мисқол олтин, зиммийлардан ушрининг ярими (1 /2), яъни 5 % ёки 10 дирҳам ёки икки мисқол ушр олинган. Шунингдек, ушр солиғининг нисоби 20 мисқол тилла ёки 200 дирҳам этиб белгиланган. Ушбу манбалар шундан далолат берадики, солик юкини

аниқлашда диний ақидалар ва қоидалар асосан ўндан бир қисм сифатида белгиланишига асосий тамойил сифатида бўлиб келган.

Солик юкини аниқлашнинг кейинги тамойиллари сифатида келтириладиган дунёвий (иқтисодий) қонунларга асосланган тамойил, давлат бошқарув шакллари асосланган тамойил, бозор қоидаларига асосланган тамойиллар асосан кўпроқ илмий характерга эга бўлади. Дунёвий тамойилларда асосан соликлар миқдорини аниқлашда давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжлари, уни қондиришнинг реал ҳажми (солик базаси), иқтисодий қонунларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик муҳитига салбий зарар етказмаслик, молиявий прогнозлаштириш ва режалаштириш каби аниқ механизм ва омилларга асосланиб солик юки даражаси белгиланади.

Давлат бошқарув шакллари асосланган тамойилда асосан солик юкининг ҳажми давлатчиликнинг айрим босқичларида ҳукмдор, подшоҳ, қуириқ қисмларда эса дворян, княз, беклар, диндорлар ва шу кабилар томонидан белгиланган бўлса, тараққиётнинг кейинги босқичларида солик юкини аниқлаш парламентаризмга асосланган тартиб шаклланди ва бу тартиб бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатларида кенг амал қилиб келмоқда. Қадимги Фарғона давлатида солик юкини белгилаш (соликларни жорий қилиш), уларни ундириш, солик имтиёзлари бериш масалалари билан шуғулланишда давлат бошлиғи билан биргаликда Оқсоқоллар кенгашининг ҳам роли катта бўлган. Бу эса ҳозирги цивилазация шароитидаги солик юкини белгилаш (соликларни жорий қилиш)нинг парламент шакли бундан бир неча минг йиллар олдин бизнинг давлатчилик тажрибасида фойдаланганлигини билдиради.

Тарихий манбаларга эътибор қаратадиган бўлсак, давлатчиликнинг дастлабки босқичларида соликларни ундириш борасидаги ёндашувлар турлича бўлган. Бундай ёндашувлар соликларнинг турлари, ҳажми, солик обьекти (нималардан солик олинганлиги), уни тўловчиларнинг турли туманлигига кўринади. Эрамиздан аввалги IV минг йилликда юзага дастлаб


кулдорлик жамияти бўлган Месопотамия ва Мисрда қўшимча маҳсулот олишнинг асосий усули жамоага бирлашган дехқонларни эксплуатация қилиш йўли билан рента ундирилган бўлса, Европа давлатларида қулларни беаёв ишлатиш – улардан олинадиган солиқлар деб ҳисобланган. Эрамиздан аввалги XVI–XII асрларда қадимги Мисрдаги давлатчилик хукмроник қилган вақтларда солиқларни ундириш Нил дарёси бўйида суғориш иншоотларини қуриш мақсадида ундирилган. Чунки, бу даврда дехқончилик ва чорвачилик асосий турмуш манбаи бўлиб, дехқончиликни ривожлантириш учун сунъий суғориш қурилмаларини қуришга киришилган, бу мақсадда ундириладиган солиқлар манбаи эса аҳоли ва зодогонларнинг ихтиёридаги чорва моллари ҳисобланган. Солиқларни тўғри ундириш мақсадида барча чорва моллари рўйхатдан ўтказилган бўлиб, солиқларни ундириш вазифалари эса черков руҳонийларига топширилган.

Агар, назарий жиҳатдан олиб қаралганда солиқ юкининг белгиланишини назарий талқин қиласидиган бўлсак, бозор қоидаларига асосланган тамойиллар ҳам мавжудлигини қўриш мумкин. Бу тамойил асосан бозорнинг объектив қонунларига асосланади. Буни оддий тарзда қўшилган қиймат солиғи мисолида тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Мазкур солиқнинг хусусияти шундан иборатки, агар ишлаб чиқарувчи томонидан реализация ҳажми қанчалик қўп амалга оширилса, унинг товар сотишдан тушган даромадлари кўпайиб боришига параллел равишда ушбу корхонанинг қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ юки ҳам ўз-ўзидан ошиб боради ва бу бозор қоидаларига асосан рўй беради.

Бундан ташқари, мазкур солиқ тури бўйича солиқ тўлашдан озод этилган корхонадан қабул қилинган (кирим қилинган) қўшилган қиймат солиғини корхонанинг ўзида қолдирилиши ёки ушбу корхонанинг солиқдан озод этилиши солиқ суммасини маҳсулот таннархига қўшиши унинг солиқ юки даражасига таъсир қиласиди, бу айирбошлиш муносабатларидан келиб чиқади ва бозорнинг талабларига асосланиб, солиқ юкининг ҳажми юзага келади ҳамда бозор қоидаларига асосланиб солиқ юки ишлаб чиқарувчилар ўртасида

тақсимланади. Солиқ юкининг ички моҳиятини англашда ва унга оид илмий таҳлиллар ва маълум бир қонуний нормаларни шакллантиришда бизнингча юқорида келтирилган тамойилларнинг хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ушбулардан келиб чиқиб англаш мумкинки, солиқ юки тушунчаси умумий тушунча сифатида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятларнинг қийматини ифодалайди, аммо уни тушунтиришда унинг тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар, аҳоли даражасига қараб, қуи даражадаги солиқ юкининг хусусиятларини билишга интилиш орқали умумий солиқ юкининг мазмунини янада чукурроқ англанаш ва шу тартибда қуи даражадаги солиққа оид жараёнлардан унинг умумий холосалар чиқаришга интилиш масаласини янада ойдинлаштиради.



### 1.3-расм. Солиқ юкининг функциялари<sup>7</sup>

Ҳар қандай тизимли иқтисодий категория ва муносабатлар маълум бир функцияларни бажаради ва шу орқали иқтисодий муносабатларга ўзининг таъсирини қўрсатиб боради. Юқорида келтирилган 1.3-расмда келтириб ўтилганидек, солиқ юкининг функциялари солиқ юкининг ички ва ташқи хусусиятларини ҳам ўзида ифода этади. Ҳақиқатдан ҳам солиқ юки моҳияти жиҳатдан миллий даромадни қайта тақсимлаш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

ишлиб чиқариш соҳалар ўртасидаги алоқаларни боғлаш, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш ҳамда ишлиб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш каби функцияларни бажарадики, унинг бу функциялари доимий характерга эга бўлади, улар доимо такрорланиб туради ва улар бир тизим сифатида солик юкининг муҳим хусусиятларини ифодалаб туради.

Юқорида таъкидланимиздек, солик юкининг моҳиятини солиқларнинг моҳиятисиз англаб бўлмайди, яъни, солиқларнинг хусусиятлари солик юкининг хусусиятларини ҳам очиб беришга хизмат қиласди. Жумладан, солиқларнинг эквивалентсизлик хусусияти солик юкининг хусусиятини ҳам ифодалайди. Маълумки, солиқлар эквивалентсизлик характерда бўлади, бу эса унинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Солиқларнинг бу белгиси солиқларнинг ички моҳияти ва унинг ижтимоий ва социал хусусиятларини акс эттириши билан биргаликда, жамият бошқарувининг адолатлилик тамойилини ҳам ифодалаб беради. Қолаверса, солиқларнинг бу белгиси шунчак миқдорга тенг равишда ижтимоий хизматлар олмаслиги, ундан кўп ёки кам олиши, умуман солик тўламасдан солик тўловчиларга нисбатан кўпроқ ижтимоий хизматлар истеъмол қилиши мумкинлигини изоҳлайди.

Жамиятни бир маромда сақлаш эса ана шуни тақозо қиласди. Олайлик янги туғилган чақалоқ, нафақадаги шахслар, тугма ва касбий ногиронлар, вояга етмаган шахслар ва шу кабилар солик тўламаса-да, аммо солик тўловчиларга нисбатан кўпроқ ижтимоий хизматларга эга бўлиши мумкин. Чакалоқларнинг солик тўламаганлиги учун унга тиббий эмлашни ўтказмаслик ёки нафақадаги аҳолига тиббий ёрдам ва бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатмаслик оқибатида жамият бошқарувида социал муносабатларнинг издан чиқиб, жамиятни пароканадага олиб келишини ифодалайди. Солиқларнинг эквивалентсизлик хусусиятга эга бўлиши билан бунинг олди олинади. Демак, солиқлар эквивалентсизлик характерда бўлиб, уни ижтимоий

хизматларнинг табақалашган ҳолда истеъмол этилишини таъминлайди ва у шу орқали жамиятни бошқаришнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Бундан кўринадики, солиқ юки ҳам эквивалентсизликка эгадир, яъни, кимга қанча солиқ юки белгиланса, унинг эвазига шунча миқдорда давлатнинг ижтимоий манфаатлар олмаслиги ёки умуман солиқ юки тушмаган индивидлар давлатнинг аксинча, кўпроқ ижтимоий хизматларни истеъмол қилиши мумкин ва шу орқали солиқ юкининг ижтимоий хизматларга билан тўлиқ таъминланмаслиги рўй бериб туради ва бу жамиятни иқтисодий жиҳатдан бошқаришда муҳим дастак ҳам ҳисобланади.



**1.4-расм. Солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири<sup>8</sup>**

Солиқ юки иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатади, чунки солиқлар давлат даромадларининг асосий манбаи бўлиб, турли иқтисодий оқибатларга

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

олиб келади. Унинг таъсири юқорида келтирилган 1.4-расмда келтирилганиздек, асосан, миллий (ялпи) даромадни оптимал тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилиб молиявий ресурсларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириб борса, инвестицияларнинг ҳаракатланишига таъсир қилиб боради, корхоналар молиявий ресурсларига, маҳсулотлар таннархига, ташқи савдо ҳажмига ва маҳсулот (хизмат)лар истеъмолига таъсир қилиб боради.

Бундан ташқари солиқ юкининг иқтисодиётга таъсир қилишини куйидаги жараёнлар орқали ҳам таъсирга эга бўлади:

1). Давлат харажатларини молиялаштиришга таъсири: Соликлар давлат дастурлари, инфратузилма ва соғлиқни сақлаш, таълим, мудофаа ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби хизматларни молиялаштиришнинг асосий усули ҳисобланади. Солик юкининг даражаси давлат ўз вазифаларини қанчалик самарали бажаришини белгилайди.

2). Даромадларни тақсимлаш: Солик сиёсати жамиятдаги даромадларни тақсимлашга таъсир қилиши мумкин. Камбағалларга қараганда бойларни кўпроқ солиққа тортадиган прогрессив соликлар даромадлар тенгсизлигини камайтириши мумкин. Бошқа томондан, текис ёки паст ставкали соликлар камроқ тенг тақсимлайди.

3). Иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ёки тартибга солик: Солик юкининг ҳажми ва тузилиши фирмалар ва шахсларнинг ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва инвестиция қилиш бўйича қарорларига таъсир қилиши мумкин. Даромад ва жисмоний шахслар даромадига юқори солик инвестициялар ва истеъмол харажатларини камайтиради, солик имтиёзлари ва ставкаларни пасайтириш эса иқтисодий фаолликни рағбатлантириб боради.

4). Чет эл инвестицияларини жалб қилиш: Солик сиёсати хорижий инвесторларнинг мамлакатга сармоя киритиш қарорига таъсир қиласди, корпорациялар ва инвестициялар учун соликларнинг пастлиги мамлакатни хорижий инвесторлар учун янада жозибадор қилиши мумкин.

5). Солиқ йигишиң ва солиқ тұлашдан бўйин товлаш: Юқори солиқлар солиқ тұлашдан бўйин товлашни рағбатлантириши мүмкин, бу эса ҳукумат учун йигиладиган даромадлар миқдорини камайтириши мүмкин. Солиқларни самарали ундириш, солиқ тұлашдан бўйин товлашга қарши кураш барқарор даромад олишда мухим аҳамият қасб этади.


6). Бизнеснинг рақобатбардошлиги: Юқори корпоратив солиқ ставкалари бизнеснинг рақобатбардошлигини, айниқса глобал миқёсда камайтириши мүмкин. Корхоналарга солиқ юкини камайтириш уларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшади.

7). Ресурсларни тақсимлаш самарадорлиги: солиқлар иқтисодиётдаги ресурсларни тақсимлашга ҳам таъсир қиласи, масалан, айрим товарлар ёки хизматларни истеъмол қилиш учун солиқлар тегишли тармоқлардаги талаб ва таклифга таъсир қилиши мүмкин.

8). Инфляция: Солиқ юкининг назоратсиз ўсиши инфляцияга ҳисса қўшиши мүмкин, чунки юқори солиқлар товарлар ва хизматлар нархининг ошишига олиб келиши мүмкин.

Булардан ташқари солиқ юки иқтисодиётта таъсири доирасида юқори солиқлар жисмоний шахслар ва компанияларнинг иқтисодий фаолият билан шуғулланишига тўсқинлик қилиши мүмкин, чунки улар даромад ва фойдани камайтириши, бошқа томондан, паст солиқлар фаолият ва инвестицияларни рағбатлантириши мүмкин.

Солиқ юкининг иқтисодиётта якуний таъсири солиқларнинг ҳажми, уларнинг тузилиши, маъмурий самарадорлиги, истеъмол, даромад ва мулк солиғи ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, давлатнинг умумий иқтисодий ва ижтимоий сиёсати каби кўплаб омилларга боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, солиқ юкининг иқтисодиётта таъсири ҳар хил турдаги солиқлар, уларнинг ставкалари, ундириш усуллари, умумий иқтисодий вазият ва бошқа кўплаб омилларнинг комбинациясига боғлиқ. Таъсирлар вазиятдан вазиятга фарқ қиласи, солиқ сиёсати одатда кенгроқ иқтисодий ва ижтимоий омиллар контекстидаги қўриб чиқилади.



### 1.5-расм. Солик юки ва унинг давлат молиявий сиёсати билан боғлиқлиги<sup>9</sup>

1.5-расмдан шуни назарий хulosа чиқариш мумкинки, солик юки давлатнинг молиявий сиёсатининг натижаси ҳисобланиб, солик юкининг миқдори ва унинг қамрови давлатнинг молиявий сиёсатидан келиб чиқади. Бунда давлат томонидан белгиланадиган мажбурий тўловлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, давлат ўзининг молиявий функцияларидан келиб чиқиб турли хил молиявий пул фондларини ташкил қилиб, уларни молиявий


<sup>9</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

маблағлар билан таъминлаш мақсадида солиқ юкига оид сиёсатини шакллантириб боради.

Иқтисодий адабиётларда, қонун ҳужжатларида солиқлар билан бир қаторда мажбурий тўловлар, йиғимлар, тўловлар, давлат йиғимлари, давлат божи, божхона тўлови, бож тўлови каби тушунчалар учрайдики, таъкидланимиздек, улар умумлашган ҳолда солиқ юкини ҳам ифодалайди. Уларни гуруҳлаштирган ҳолда солиқлар ва солиқсиз тўловларга ажратиш мумкин. Албатта, бу тушунчаларнинг умумлаштирадиган термин (категория) бу – мажбурий тўловлардир. Мажбурий тўловлар ички моҳияти жиҳатдан солиқлар ва солиқсиз тўловларга ажратилади. Йиғимлар, тўловлар, давлат йиғимлари, давлат божи, божхона тўлови, бож тўлови улар солиқсиз тўловлар деб юритилади. Шу билан биргаликда давлат ўзининг бюджет-солиқ сиёсатини аниқлаётганда ва юритаётганда уларнинг баъзиларини солиқларга тенглаштириш ҳолатлари ҳам учрайдики (бу тажриба Республикализ бюджет-солиқ сиёсатида ҳам мавжуд), бунда тегишли солиқсиз тўловнинг молиявий жиҳатдан ва уни ундириш тартибларининг муҳимлигидан келиб чиқилади.

Мажбурий тўловлар давлат томонидан икки хил мақсадда ундирилади. Биринчиси, бу давлатнинг турли даражадаги фондларининг молиявий ресурсларини шакллантириш асосида аниқ мақсадли ижтимоий тадбирларни амалга ошириш мақсадида бўлса, иккинчиси, давлатнинг ваколатли органлари томонидан юридик ҳамда жисмоний шахсларга турли хил ҳуқуқий ва бошқа тартибдаги хизматларни кўрсатганлик, уларнинг фаолиятига рухсат берганлик ҳамда давлат рўйхатига олганлик учун ундирилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, гарчи қонунларда давлат божи алоҳида кўрсатилган бўлса-да, моҳияти жиҳатдан йиғимлар таркибиға киради. Йиғимлар, ўз навбатида, ундирилиши жиҳатдан умумдавлат миқёсида ва маҳаллий миқёсдаги йиғимларга бўлиниб, уларнинг жорий қилиниш даражаси жиҳатдан фарқланиши ҳам умумдавлат ва маҳаллий миқёсда амалга оширилади. Уларнинг бундай белгиланиши эса йиғимларнинг ҳудудлар бўйича ҳам фарқланишига олиб келади. Чунки аксарият давлатларда, жумладан,

Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимликларнинг молиявий ҳуқуқлари сифатида ўзларининг худудида маҳаллий йиғимларни жорий этиш ҳуқуқи белгиланган. Бир худудда жорий қилинган йиғим бошқа худудда ундирилмаслиги мумкин.



**1.6-расм. Солик юки-солик мажбурияти-солиқларнинг адолатлилик тамоили ўртасидаги триада боғлиқлиги<sup>10</sup>**

Солик юкининг иқтисодий моҳиятини тадқиқ қилишда фикримизча, албатта унинг солик мажбурияти ва солиқларнинг адолатли ўрнатилиши билан боғлик ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 85-моддаси мазмунига кўра, солик мажбурияти сифатида солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш бўйича юридик ва жисмоний шахсларга юклатилган молиявий мажбуриятлар тушунилади. Назарий жиҳатдан олиб қаралган солик юки солик мажбуриягини келтириб чиқаради, солик тўловчилар томонидан ўзларига юклатилган солик мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ адо этилиши, солик юкининг адолатли ўрнатилганлигини ҳам ифодалайди. Ваҳоланки, солик юки давлат томонидан дунё миқёсида ўртacha деб топилган миқдор (30-35%) даражасида белгиланган ҳолатда ҳам солик тўловчиларнинг

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

солиқ тұлашдан бүйин товлаши эса, солиқ юкининг адолатсиз белгиланғанлигини ҳар доим ҳам ифодаламайды. Бу масала иқтисодий ва социал жиҳатдан анчайин мураккаб жараён ҳисобланади.

Тадқиқот ишимиznинг мазкур банди бүйича назарий таҳлилларимизга асосланиб умумий хулоса сифатида шуни таъкидлаш мүмкінки, солиқ юки бир қараңда оддий түшунча бўлиб ҳисоблансада, бироқ, уни аниқлаш, унинг міқдорини тартиблаш ҳамда унинг бошқа иқтисодий муносабатларга таъсири жиҳатдан анчайин мураккаб иқтисодий-ижтимоий жараёнларни қамраб олади. Солиқ юкининг назарий асосларини чуқурроқ ва кенгроқ таҳлил қилиш ва тадқиқ учун албатта, бу борадаги илмий тадқиқот ишларини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

### **1.2§ Солиқ юкининг илмий тадқиқотлардаги назарий талқини**

Илмий тадқиқот услубиётида ўрганилаётган муаммо ёки обьектнинг ички ва ташқи хусусиятларини ўрганишда ушбу масаланинг қанчалик тадқиқ этилғанлиги, яъни унинг илмий тадқиқотлар обьектига тортилғанлигини таҳлил қилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Агар, илмий тадқиқот обьекти сифатида қанчалик кўп ўрганилган бўлса, тадқиқот обьектининг ўзига хос мураккаблиги ҳамда унинг долзарблигининг қанчалик юқори эканлигини ҳам англатади.

Солиқ юки масаласи ҳам шундай илмий-назарий ва амалий категория бўлиши билан бир қаторда у кенг қамровли иқтисодий муносабатлар тизимидан ҳам иборатдир. Чунки, солиқ юки шундай мураккаб масалаки, давлат учун ҳам солиқ тўловчи учун ҳам жуда асосий масала ҳисобланади. Давлат солиқ юкини қулай міқдорда белгилаш орқали ҳам ўзининг молиявий ресурсларга бўлган эхтижини қондириб борса, бошқа томондан, солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятига салбий таъсир қилмаслигини ҳам таъминлаш давлатнинг муҳим муаммоси бўлиб қолаверади. Солиқ тўловчилар эса, ўзларининг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, солиқларнинг міқдори кам бўлишини ва ўзларининг иқтисодий фаолиятидаги муваффақиятсизликларни эса кўпинча (гарчи ўзларининг иқтисодиёт

қонунларига амал қилмасада) солиқ юкининг оғирлигидан деб баҳолаш ҳолатлари етарлича учрайди. Бундан қўринадики, солиқ юки билан боғлиқ илмий тадқиқотларнинг моҳиятини таҳлил қилиш асосида бу борадаги илмий мушохадаларни умумлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, солиқ юки масала билан илмий тадқиқотлар олиб борган хорижлик ва маҳаллий олимларимизнинг аксариятида унинг солиқ тўловчилар ва иқтисодиётга таъсирига баҳо берилган бўлса, айримларида унинг ички моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Иқтисодчи олимлардан Т.Куликованинг илмий тадқиқотларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда муаллиф солиқ юки масаласини солиқ бошқаруви тизими ҳақидаги ғоялари билан бойитганлиги, хўжалик юритувчи субъектларда солиқни режалаштириш масаласини улар томонидан солиқ юкини эътиборга олган ҳолда амалга оширишнинг илмий асослари, солиқ юкини баҳолашга оид илмий ёндашувларини таҳлили, солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини баҳолашнинг айрим услубий асосларини ишлаб чиқкан, тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини режалаштиришнинг детерминистик симуляция моделларини ишлаб чиқкан<sup>11</sup>.

Т.Куликова солиқ юкининг моҳиятини тадқиқ этишда аввало солиқларни давлатнинг тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни таъминлаш учун тўлови деб баҳоласа, “солиқ юки давлат хизматлари харажатлари ва давлат ичида олинган даромадларни солиширувчи ҳамда микродаражадаги солиқ юки миқдорий баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичдир”<sup>12</sup> деб таърифлайди. Шунингдек, ушбу иқтисодчи солиқ юкини таҳлил қилишда солиқ майдони деган тушунчани киритади ва унинг солиқ юкига таъсирини илмий асослашга ҳаракат қиласи. Яъни, унинг фикрича, “хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини оптималлаштириш - бу қонун доирасида хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига

<sup>11</sup> Куликова Татьяна Вениаминовна. Инструменты планирования налоговой нагрузки хозяйствующих субъектов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново 2004. С. 20.

<sup>12</sup> Ўша манба. С 8.

аралашмасдан, энг кам солиқ юкига олиб келадиган солиқ фаолиятини амалга оширишнинг кўп қиррали вариантини излашдир. Оптималлаштириш муаммоси ҳал қилишда солиқ майдонини эътиборга олиш керак. Ўз навбатида солиқ майдони - бу солиқнинг асосий параметрларини қўрсатувчи юридик шахслардан ундириладиган солиқларнинг рўйхати ва тавсифидир”<sup>13</sup>.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Готфан солиқ юки муаммосини “солиқларни оптималлаштириш” масаласи билан бирга тадқиқ қилган. Муаллифнинг фикрича, “солиқ юкининг паст даражаси мувозанатини таъминлаш ва солиқ таваккалчиликларини мақбул чегараларда сақлашни ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, тўланган солиқларни рационализация қилиш ва жорий қонунчилик доирасида солиқ рискларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар давлатнинг муҳим масаласи сифатида қўйилиши керак”<sup>14</sup>. Бундан ташқари ушбу олим ўз тадқиқотлари доирасида корхона, бу математик жиҳатдан тавсифланган оптималлаштириш мезонлари асосида корхонанинг солиқ юки қўрсаткичи қийматини унинг фаолиятининг ишлаб чиқариш ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш имконини беради деган ғояни илмий асослаган, “корхона фаолиятини комплекс солиқ таҳлили доирасида “солиқ юки” қўрсаткичини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқкан, “солиқ йўлаги” тушунчасига муаллифнинг таърифини ишлаб чиқкан ва уни кичик бизнес субъектларига солиқ юки қўрсаткичининг оптимал қийматларини баҳолаш воситаси сифатида берган, солиқ юкини баҳолашнинг оригинал усулини таклиф қилган.<sup>15</sup>

Ушбу тадқиқотчи корхоналардан солиқ юкини ҳисоблаш услубиётини тадқиқ қилиб таъкидлайдики, “корхонага солиқ юки қўрсаткичини ҳисоблаш солиқ таҳлилининг комплекс методологияси доирасида амалга оширилиши

<sup>13</sup> Ўша манба. С9-12.

<sup>14</sup> Гофман Анна Павловна. Методика оценки налоговой нагрузки предприятий малого бизнеса в границах «налогового коридора». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново-2008. С.24.

<sup>15</sup> Қаранг: Ўша манба. С7-12.

керак. Бундан ташқари, кўрсаткични ҳисоблаш методологиясининг ўзи корхонага мутлақ ва нисбий солиқ юкининг тўлиқ тасвирини бериши керак. Шунинг учун солиқ юки кўрсаткичини ҳисоблаш фақат битта формула асосида амалга оширилмаслиги керак”<sup>16</sup>.

Айрим иқтисодчи олимлар солиқ юки масаласини алоҳида олинган солиқ турлари бўйича солиқ тўловчининг фаолиятига таъсири жихатдан тадқиқ этиб, унинг илмий хуносалари асосида айнан ўша солиқ турини ундириш ва амал қилиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқкан. Шундай илмий тадқиқотлар сирасига А.Усовецкий томонидан амалга оширилган тадқиқотларни келтириш мумкин. Корхоналарнинг солиқ юкини оптималлаштириш зарурати сабаблари аниқланади. Мазкур тадқиқотчининг илмий ишларида асосан қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ юкини аниқлаш услубиёти билан бир қаторда солиқ юкининг назарий асослари ҳам тадқиқ қилинган. Бундан ташқари ҚҚС бўйича корхоналарга солиқ юкини оптималлаштириш услубиётини такомиллаштирилган вариантини таклиф қилган.

А.Усовецкий шунингдек, тадқиқотида корхоналарда солиқ юки масаласига ҳа алоҳида ургу бериб, “корхонанинг солиқ юки деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ мажбуриятлари мутлақ қийматининг ягона ҳисоб-китоб даври учун қўшилган қийматга нисбати тушунилади ва бундай ёндашув макро ва микро даражада солиқ юкини аниқлаш имконини беришлигини, солиқ юки ишлаб чиқаришнинг моддий интенсивлиги, маҳсулот баҳосидаги солиқлар миқдори, ходимлар сони каби омиллар билан бузилмайди”<sup>17</sup> деган муаллифлик ёндошувини билдиради. Шунингдек, муаллиф корхонанинг солиқ юкини оптималлаштириш масаласига илмий ёндошган ҳолда уни “солиқ тўловчиларнинг мақсадли қонуний ҳаракатлари, шу жумладан қонун хужжатларида назарда тутилган барча имтиёзлардан

<sup>16</sup> Ўша манба. С. 13.

<sup>17</sup> Усовецкий Артем Анатольевич. Методы оптимизации налоговой нагрузки предприятий (на примере налога на добавленную стоимость). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2003. С. 11.

тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, солик имтиёзлари ва бошқа хуқуқий ҳужжатлар орқали солик мажбуриятлари миқдорини камайтириш тушунишдир”<sup>18</sup> деб изоҳлайди.

Яна бир шу каби олимлардан бири Д.Лазутина эса, ўзининг “Солик юки ва уни ҳисоблаш усуллари” деб номланган диссертацион тадқиқотларида солик юки масалаларини ўрганиш доирасида муаллиф “солик юки” ва “солик оғирлиги” тушунчаларининг таърифларини фарқлашни таклиф қилади, тадбиркор учун мақбул солиққа тортиш тизимини танлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг солик юкини ҳисоблаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқкан, миллий иқтисодиётда реал солик юкини аниқлаш учун жисмоний шахсларнинг солик юкини ҳисоблашнинг муаллифлик методологиясини таклиф қилади, жисмоний шахснинг солик юки ҳажмига таъсир этувчи омилларни баҳолаш усулларини келтириб ўтади.<sup>19</sup>

Мазкур тадқиқотчининг фикрича, “солик юки деганда, бир томондан, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасида мажбурий солик тўловларини тўлаш бўйича вужудга келадиган муносабатлар тушунилса, бошқа томондан, солик механизмлари орқали давлатнинг иқтисодиётга потенциал таъсирини акс эттирувчи қиймат, солик юки эса ҳақиқий таъсир даражасини тавсифловчи кўрсаткичdir”<sup>20</sup>. Бундан ташқари Д. Лазутинанинг ёндошувига кўра, солик юки мутлоқ ва нисбий шаклда мавжуд бўлади. солик юкини маълум бир турларига қараб, масалан, тарқалиш даражасига қараб, макро ва микро даражадаги солик юкини аниқлаб бориш лозим деб ҳисоблайди.

Е.Комарова солик юкига оид кенг илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлардан бири сифатида солик юки ва солик оғирлигининг ўзаро

---

<sup>18</sup> Ўша манба. С. 13.

<sup>19</sup> Лазутина Дарья Васильевна. Налоговая нагрузка и методы её расчета. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Тюмень – 2005. 25. С.

<sup>20</sup> Лазутина Дарья Васильевна. Налоговая нагрузка и методы её расчета. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Тюмень – 2005. С.11.

ўхшаш жиҳатлари билан биргаликда солиқ юкига хос бўлган белгиларни ҳам кўрсатиб берган. Яъни, ушбу олимнинг фикрича, “биринчидан, ҳудуд иқтисодиётига солиқ юки унинг ҳудудида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи аниқ солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилиятига боғлиқ, лекин уларнинг ҳар бирининг солиқ мажбуриятини бажариш қобилиятидан қатъий назар ҳисоблаб чиқилади, иккинчидан, минтақа иқтисодиётининг фаолият турлари бўйича тузилиши солиқ солиш обьектларининг таркиби ва солиқ солинадиган базанинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда унинг солиқ юкини сезиларли даражада белгилайди, учинчидан, давлат ҳокимияти органларининг солиқка тортиш соҳасидаги ваколатларини индивидуал солиқларнинг элементларини белгилаш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш, инвестиция солиқ имтиёзлари бериш орқали амалга ошириш солиқ базасига таъсир кўрсатадиган таъсир сифати (салбий ёки ижобий) қисқа ва узоқ муддатда фарқланади, тўртинчидан, солиқ маъмурияти солиқ тизимининг элементи сифатида солиқ органларининг аниқ назорат тадбирларида амалга оширилади, уларнинг самарадорлиги минтақада маълум даражада минтақа иқтисодиётига солиқ юкига таъсир қиласди”<sup>21</sup>.

Е.Комарованинг илмий тадқиқотларида солиқ юки ва солиқ оғирлиги тушунчаларининг ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатлари очиб берилиши билан бир қаторда ҳудудларда минтақавий ҳамда солиқ тўловчи доирасида солиқ юкини аниқлаш ва уни баҳолаш орқали маҳаллий давлат ҳокимликларининг бу борадаги молиявий сиёсатининг устувор йўналишларини илмий асослашга ҳаракат қилинган, ҳудудларда - корреляцион-регрессия таҳлили асосида солиқ юкининг катталиги ва нефть нархининг жаҳон конъюнктураси, минтақанинг иқтисодий сиёсати билан белгиланадиган омиллар ўртасидаги боғлиқликни илмий асослаган, ҳудуддаги устувор инвестиция лойиҳалари ва дастурларини солиқ билан тартибга солишининг самарали воситаси сифатида инвестиция

---

<sup>21</sup> Комарова Елена Ивановна. Налоговая нагрузка на экономику региона в условиях развития налоговой системы Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Оренбург-2007. 11с.

солиги кредитини (ИСК) бериш механизми такомиллаштирилган, солик тўловчиларнинг солик паспортига қўшилиши керак бўлган маълумотлар асосида минтаقا иқтисодиётига солик юкини мониторинг қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Илмий таҳлилларга асосланиб, макро ва микроиқтисодий ёндашувларни қўллаш, биринчидан, солик юки солик муносабатларини уларнинг иштирокчилари манфаатларини юқори даражада жамлаган ҳолда тавсифлашини, солик юки муносабатларида улардан бири ҳар доим давлат, иккинчиси солик тўловчилар бўлишилиги, солик юки мамлакат, минтаقا, муниципалитет доирасида давлат ва муайян солик тўловчи ўртасидаги муносабатларни акс эттиришлиги, солик юки ва солик юкиниң миқдорий қийматлари мос келмай қолишининг сабаблари кўрсатиб берилиши бир қаторда муаллиф (Е.Комарова) “солик юки нисбий шаклда тавсифланиб, яратилган қийматнинг солиққа тортиш механизми орқали бюджетга тақсимланадиган қисми сифатида, у солик тўловчининг солик шаклида давлатга тўланган даромадларининг харажатларни ҳисобга олган ҳолда улушига мос келадиган кўрсаткич сифатида кўриб чиқилиши керак”<sup>22</sup> лигини таъкидлайди.

Солик юки борасида илмий тадқиқотлар олиб борган Рогожин Антон Николаевич эса, солик менежменти нуқтаи назаридан фискал юк ва солик юкини фарқлаш лозимлигини таъкидлайди ва солик юкини фискал юкнинг таркибий қисми сифатида тушуниш лозим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, “фискал юк мамлакат бюджет тизими бюджетларига (шу жумладан бюджет давлат ижтимоий бюджетдан ташқари жамғармаларига) ҳисобланган мажбурий тўловларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини кўрсатади ва у қуйидаги элементларни ўз ичига олади: солик тушумлари, суғурта мукофотлари, божхона тўловлари ва йиғимлари, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар, лицензия тўловлари”<sup>23</sup>. Шунингдек, мазкур

---

<sup>22</sup> Ўша манба.

<sup>23</sup> Рогожин Антон Николаевич. Налоговая нагрузка в системе налоговой политики государства и организаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов – 2012. с 12.

муаллиф солиқ юки мамлакатдаги ҳудудий ва тармоқларнинг табақаланишини белгилаб беради, унинг даражасига таъсир этувчи қуйидаги: “давлат ва ташкилотларнинг солиқ сиёсати, солиқ интизоми, ташкилотлар томонидан молиявий ва инвестиция қарорларини қабул қилиш”<sup>24</sup> қаби омилларнинг моҳияти ва таъсирини кўрсатиб ўтади.

Таъкидлаш керакки, солиқ юки ва уни таҳлил қилиш масаласи маҳаллий олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам кенг ўрин олиб келмоқда. Булар жумласига, Т.Маликов, Қ.Яхёев, М.И.Алимардонов, Ш.Тураев, К.Хотамов, Б.Санақулова, Б.Исройлов, С. Султанова, И.Ниязметов, З.Қурбонов, Ф.Исаев, Қ.Тухсанов, У.Нормурзаев, У.Ражабов ва шу каби олимларимининг илмий тадқиқотларини келтириш мумкин<sup>25</sup>.

Маҳаллий олимлардан иқтисодиёт фанлари доктори Қ. Тўхсанов корхоналар фаолиятини рағбатлантиришда солиқларнинг таъсирини тадқиқ этиб, убу жараёнда солиқ юки масаласига ҳам тўхталиб ўтади. Олим таъкидлайдики, “солиқ юкини минималлаштириш учун солиқ тўлашдан бўйин товлаш юқори хавфлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу усулдан фойдаланганлик учун жазо чоралари солиқлардан қочиш схемаларини қўллашдан молиявий имтиёзлардан сезиларли даражада ошади, шунингдек, тадбиркорлик субъекти томонидан тўланадиган солиқлар миқдори ва солиқ юкининг ҳажмига энг кўп таъсир кўрсатадиган асосий параметрлар сифатида мулкчилик шаклини

<sup>24</sup> Ўша манба. С.13.

<sup>25</sup> Маликов Т. “Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари”. Т.: Академия нашри. 2002 й., Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.-Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003 й 19-б., Тураев Ш.Ш. “Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари”. и.ф.д. учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент:-2021 й., Хотамов К.Р. “Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” диссертация и.ф.д., Т: 2016 й.136 б., Санакулова Б.Р. “Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишини таъминлаш” д.д. Т:2016 й. 120 б., Юлдашев О.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 бет., Қурбонов З.Н. “Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари” дис. И.ф.д. Тошкент: БМА, 2008. 272 б., Исройлов Б.И. “Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилиниң методологик асослари ”. Диссертация и.ф.д., Самарқанд-2006., Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили: назария ва амалиёт. Монография. Т.: “IQTISODIYOT”. 2022 йил. 150 бет., Раджапов У. “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш” и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзилган дисс. Афтогреферати.-Т:-2006. 9-б.

танлаш; солиқ тизимини танлаш; корхонанинг фаолият тури ва уни рўйхатдан ўтказиш жойи; даромад ва харажатлар нисбати”<sup>26</sup> кабиларни келтириб ўтади.

Республикамиз солиқ тизимида солиқ юкига оид илмий тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчилардан С.Султонова ўз тадқиқотларида солиқ юкини аниқлаш услубиётига тўхталиб, республикамиз темир йўл тармоғидаги корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилишда солиқларнинг хизмат кўрсатиш таннархига таъсири орқали уларнинг зиммасидаги солиқ юкининг миқдорини илмий жиҳатдан таҳлил қилган. Оима С.Султонова “иқтисодчи олимларнинг солиқ юки кўрсаткичларини микродаражада ҳисоблаш методикаларини ўрганган ҳолда корхоналарнинг солиқ юкини таҳлил қилган республикамиз иқтисодиётининг барқарор фаолиятининг долзарб йўналишларидан бири-тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини бошқаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш лозимлигидан келиб чиқиб, ушбу механизмда давлатнинг солиқ сиёсатидаги сўнгги йилларда рўй беравтган таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиши зарурлигини, солиқларнинг иқтисодий жараёнларга таъсирини тавсифловчи мавжуд таърифларни танқидий баҳолаган, солиқ юкининг иқтисодиётга ва тадбиркорлик субъектларига таъсирини ўлчайдиган кўрсаткичларни тизимлаштириш лозимлиги илгари сурган, макро ва микро даражадаги солиқ декларацияларини аниқлашни шу асосда асослаш ва уларни аниқлашга услубий ёндашувларни келтирган”<sup>27</sup>.

Маҳаллий олимларимиздан Х.ДЖамалов оптimal солиқ юкини аниқлаш масаласини солиққа тортиш назариясининг муҳим муаммоларидан бири сифатида таъкидлаб, илмий тадқиқотлари доирасида корхоналарда солиқ мажбуриятини шаклланиш моделининг хусусиятлари сифатида оптimal солиқ юкини шакллантириш муаммосига эътибор қаратади. Муаллифнинг фикрича эса “корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали

<sup>26</sup> Тўхсанов Қудратилло Нозимович. Корхоналар фаолиятини ривожлантиришни солиқ механизми орқали рағбатлантириш масалалари. "IQTISODIYOT VA TURIZM" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnalı №6(8) 2022.

<sup>27</sup> Султанова Соня Махмудовна. GOSPODARKA I INNOWACJE. Volume: 22 | 2022. Корхона молиявий барқарорликка солиқ юкининг таъсири. ISSN: 2545-0573.

максимал фойда олишдан манфаатдор бўлган иқтисодий агентлар солиқ мажбуриятларида имкон даражада солиқ юкини камайтиришга ҳаракат қила бошлайдики, бунда асосан иккита йўл бўлиб: иқтисодий фаолиятда таркибий самарадорлик ҳисобидан солиқ мажбуриятларини камайтириш ва солиқ юкини бошқа иқтисодий агентларга ўтказиш йўли билан солиқ юкини камайтириш ҳисобланади”<sup>28</sup> дейди.

Шундай олимлардан С.Чепель эса, солиқ юки масаласига оид илмий тадқиқотларида солиқ юкини солиқ ундиrmаларининг асосий турлари бўйича бир даражага пасайишини оқибатлари ва уларнинг ўсиш ва экспорт индикаторларига тўғридан – тўғри таъсирини эконометрик тадқиқот усули асосида ёндошади ва таъкидлайдики, “солиқ тизимини барча вариантларида солиқ юкини тенглаштириш, солиқ маъмуриятини такомиллаштириш ва солиқлар йифими даражасини ошириш бўйича чораларга бир вақтда устуворлик берилмоғи лозим. Шундай ҳолатда иккита вазифани бир вақтда ечиш мумкин, яъни, уларнинг бири иқтисодий барқарор ўсишнинг зарурий шарти ҳисобланган солиқ юкини пасайтириш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси эса, кейинги йилларда эришилган макроиқтисодий барқарорликка путур етказмайдиган бюджетни реал харажатлари ўсиши билан боғлиқдир”<sup>29</sup>.

Профессор И.Ниязметов эса, ўзининг докторлик диссертациясида “солиқ юкини солиқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб икки босқичли, яъни барча тадбиркорлик субъектлари учун умумий бўлган солиқлар кесими-да солиқ юкини қиёслаш ва тадбиркорлик субъекти мажбуриятида бўлган барча солиқлар юкини баҳолаш услуби ишлаб чиқсан”<sup>30</sup>.

#### 1-жадвал.

#### Илмий-ўқув манбаларда солиқ юкининг моҳиятига оид илмий ёндошувлар<sup>31</sup>

<sup>28</sup> Джамалов Хасан Нуманжанович. Корхоналар солиқ мажбуриятларининг шаклланиш модели хусусида.

“PEDAGOGS” international research journal. Volume-32, Issue-1, April - 2023 ISSN: 2181-4027\_SJIF: 4.995.

<sup>29</sup> С.Чепель. Бюджет соҳасини тартибга солишнинг макроиқтисодий тенденциялари ва иқтисодиёт учун унинг оқибатлари: эконометрик ёндашув. Ўзбекистон иқтисодиёти журнали, 2006 й, №3.

<sup>30</sup> Ниязметов Исламбек Машарипович. Солиқка тортиш механизmlарини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент-2018, 70 б.

<sup>31</sup> Илмий-ўқув адабиётларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

<b>Муаллиф(лар)</b>	<b>Солиқ юкига нисбат (муаллифлик ёндошув)</b>	<b>Адабиёт манбаси</b>
Т.Маликов	<i>Солиқ оғирлиги (юки)</i> – давлат ва жамият ҳаётида соликларнинг ролини характерлаб берадиган энг умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий хажми ва даромадларда солик ажратмаларининг салмогини кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчам.	Маликов Т. “Соликлар ва соликка тортишнинг долзарб масалалари”. Т.: Академия нашри. 2002 й
Қ.Яхёев	<i>Солиқ юки</i> бу тўловчининг ҳамма соликлар ва йигимлар йигиндисидан бюджетга тўлашидир.	Яхёев Қ.А. Соликка тортиш назарияси ва амалиёти.-Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003 й 19-б.
М.И.Алимардонов	<i>Абсолют солиқ юки</i> – корхоналардаги солик ва ижтимоий суғурта бадаллари юкини ифодалаб, улар бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарга ўtkазилади, хўжалик субъектлари солик мажбуриятларининг абсолют миқдоридир.	Алимардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солик тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. И.ф.д. автореферати 23-бет, Т-2004.
Ш.Тураев	<i>Хўжалик субъектларига нисбатан солиқ юки</i> -хўжалик юритувчи субъект томонидан давлат бюджетига тўланган барча соликлар, тўловлар ва ажратмаларнинг хўжалик субъектининг кўшилган қийматига нисбатидир.	Тураев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солик юкини оптималлаштириш масалалари. диссертация и.ф.н. Тошкент.-:2007 й.
К.Хотамов	Хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобланган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг кўшилган қийматга нисбати солик юкини ҳосил қиласди.	Хотамов К.Р. “Билвосита соликлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” диссертация и.ф.д., Т.: 2016 й.136 б.
С. Султанова	<i>Соф солиқ юки</i> – бу солик харажатларини маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир. Ялпи солик юки – бу солик ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар суммасини маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир.	Султанова Соня Махмудовна. GOSPODARKA I INNOWACJE. Volume: 22   2022. Корхона молиявий баркарорликкасолик юкининг таъсири. ISSN: 2545-0573.
Б.Санақулова	<i>Солиқ юки</i> – амалдаги солик қонунчилигидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъект томонидан солик юки аниқланаётган ҳисобот даврида ҳисобланган барча соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, йигимлар, бюджетдан ташқари фонdlарга ажратмалар ҳамда хўжалик субъекти томонидан солик маъмурчилиги харажатларининг умумий йигиндисидир.	Санақулова Б.Р. “Кичик тадбиркорлик субъектларини соликка тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишини таъминлаш” д.д. Т.:2016 й. 120 б
Б.Исройлов	<i>Солиқ юки</i> деганда, хўжалик юритувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга ҳамда турли жамғармаларга катъий белгиланган ставкада ва тартибда тўлайдиган барча соликлар ва тўловлар йигиндисининг тўловчилар иш ҳажмига, даражага ёки бошқа солик объектига нисбати тушунилади.	Исройлов Б.И. “Соликларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари ”. Диссертация и.ф.д., Самарқанд-2006.

С.Султонованинг фикрига кўра, “солик юкини ҳисоблашда маҳсулотни сотишдан соф тушум кўрсаткичига нисбатан аниқлаш мақсадга мувофиқ, бунинг асоси сифатида эса муаллиф бу кўрсаткичга нисбатан солик юки

даражасини аниқлаш, хўжалик юритувчи субъект соф тушумининг қанча фоизи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар сифатида харажатларга олиб бориши тавсифлайди. Корхоналарда —солиқ юки қўрсаткичини қуидаги икки қўрсаткич билан ифодалаш мақсадга мувофиқ: соф солиқ юки ва ялпи солиқ юки. Соф солиқ юки – бу солиқ харажатларини маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир. Ялпи солиқ юки – бу солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга ажратмалар суммасини маҳсулот(ишлар, хизматларни)ларни сотишдан соф тушумга нисбатидир”<sup>32</sup>.

Солиқ юки билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ҳолатини таҳлил қиласиган бўлсак, бу борада солиқ юки ва унинг солиқ тизимининг бошқа кўплаб жиҳатлари ҳамда иқтисодиётнинг турли қирралари билан ўзаро боғлиқлигига оид илмий хulosалар қилинганлигини кўриш мумкин, масалан, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси (ХВФ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) каби ташкилот ва муассасалар, шунингдек, кўплаб университетлар ва тадқиқот марказлари турли мамлакатларда солиқ юки бўйича мамлакатлар ва минтақалар доирасида тадқиқотларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, кўплаб иқтисодчилар, масалан, Жеймс Потерба, Эммануэл Саэз, Томас Пикетти ва бошқалар иқтисодий тенгсизлик бўйича тадқиқотларга, шу жумладан солиқ юкини таҳлил қилишга ҳисса қўшдилар. Халқаро валюта жамғармаси томонидан эълон қилинган "Жаҳон солиқка тортиш ҳисоботи"да турли мамлакатлардаги солиқка тортишнинг турли жиҳатлари, ҳамда солиқ тизимининг тузилиши, ставкалари, имтиёзлари ва бошқа параметрлари таҳлил қилинган. Жаҳон банки томонидан “Бизнес юритиш” бўйича тайёрланган ҳисбботда турли мамлакатлардаги бизнес муҳити, жумладан, солиқ сиёсати жиҳатлари ва унинг тадбиркорликка таъсири таҳлил қилинган, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) томонидан эса, турли мамлакатларда иш ҳақига солиш ва унинг

---

<sup>32</sup> Ўша манба.

жисмоний шахсларга таъсири таҳлил қилинган, Алберто Алешина ва Ёханнес Рудолф томонидан олиб борилган тадқиқотда солиқларнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлил қилинади ва ривожланиши рағбатлантириш учун энг яхши солиқ сиёсатини аниқлади.

Бундай тадқиқотлар сирасига Жорж Мансфилд ва бошқалар томонидан олиб борилган "Солиқ ва иқтисодий ўсиш" номли тадқиқотда солиқ ставкаларининг инвестициялар ва иқтисодий ўсишга қандай таъсир қилиши, Жейсон Фурман ва бошқаларнинг "Солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсири" номли тадқиқотда солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсиш ва сармояга таъсири, Филипп Байфоот ва Хелен Доус томонидан солиқларнинг тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодий ўсишга қандай таъсир қилишини кўриб чиқишига бағишлиланган "Солиқларнинг тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодий ўсишга таъсири" номли тадқиқот, Алесина, Алберто ва Силвия Ардагналарнинг (2004) солиқ юки даражаси ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликк бағишлиланган тадқиқот, Манків, Н. Грегорий ва Метю С. Веинзиерларнинг (2010) "Даромаднинг оптимал солиққа тортилиши: даромадларни фойдали қайта тақсимлаш мисоли" номли тадқиқотда оптимал солиққа тортишнинг ноодатий ёндашувини, ижтимоий адолатга эришиш учун солиқлардан қандай фойдаланиш мумкинлигини ўрганадилар, Кинг, Мервин А. ва Дон Фуллертоннинг (1984) "Солиқлар ва капитал сифати" номли тадқиқотда солиқларнинг капитал сифатига, шу жумладан инсон капитали ва технологик инновацияларга инвестицияларга таъсирини ўрганади, "Солиқ солиш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар молиявий тузилиши" деб номланган Десаи, Михир А., С. Фритз Фолей ва Жеймс Р. Жр.Хинесларнинг (2004) тадқиқотларида солиқларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибига қандай таъсир қилишини таҳлил қилинган.

Бундан ташқари Кристина Ромер ва Девид Ромер томонидан "Солиқ ва иқтисодий ўсиш" (2014) номли, Ричард Блунделл ва Томас Макюрди томонидан "Солиқ ва меҳнат таъминоти" (2010) номли, Питер Диамонд ва

Эммануэл Саэз томонидан “Капитал даромадининг оптимал солиқса тортилиши” (1997) номли, Кеннет Мак Кензи ва Эргете Фереде томонидан “Солиқларни қисқартиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири: Канада провинцияларидан олинган далиллар” (2012) номли, Гилберт Меткалф томонидан “Углерод солигининг тақсимлаш таъсири ва унинг уй хўжаликлари фаровонлигига таъсири” (2019) номли, Аннет Алстадсæтер, Ниелс Ёханнесен ва Габриел Зукман томонидан “Соликдан бўйин товлаш ва тенгсизлик” (2016) номли, Жеймс Потерба ва Эндрю Абелсон (2016) томонидан “Солик солиш ва уй хўжаликларини тежаш” номли ва шу каби илмий тадқиқотларда дунёning турли мамлакатлари мисолида солик юкининг турли хил жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Агар, кейинги йилларда жаҳон илмий марказлар ва тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган солик юкига оид тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсақ, уларнинг айримларининг йўналишлари сифатида қуидагиларни: солик юки ва солик тизимининг турли жиҳатларини, уларнинг иқтисодиёт ва жамиятга таъсирини, шунингдек, солиқса тортишнинг самарадорлиги ва адолатлилигини, солик юкининг турли мамлакатларда солик юкининг тармоқлар бўйича тақсимланишини, солик юкини инвестицияларни рағбатлантириш ёки айрим тармоқларни қўллаб-қувватлаш каби мақсадларга эришишда турли хил солик имтиёзлари ва чегирмаларининг қанчалик самарали эканлигини баҳолаш, солик ставкаларидағи ўзгаришларнинг иқтисодий фаолият, инвестициялар, бандлик ва истеъмолга ва шу орқали солик юкига қандай таъсир қилишини таҳлил қилиш, солик юкининг турли ижтимоий қатламлар ўртасида қандай тақсимланганлиги ва аҳолининг қайси гурухлари кўпроқ ёки камроқ солик юкини кўтаришини таҳлил қилиш, солиқларнинг тадбиркорлик фаолияти ва инновацияларга таъсири: солик сиёсатининг янги бизнес ва инновацион фаолиятни бошлаш қарорига қандай таъсир қилишини баҳолаш, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларни ҳисобга олган ҳолда солик тизимининг оптимал тузилишини аниқлашга қаратилган тадқиқот, : солиқларнинг мамлакатлар ўртасидаги капитал ҳаракатига қандай

таъсир қилишини ва қайси омиллар сармояни жалб қилишга энг кўп таъсир қилишини таҳлил қилиш, белгиланган ставкалар бўйича солиқлар қанчалик самарали ундирилиши ва қандай омиллар ундириш ставкаларини ошириши ёки камайтириши мумкинлигини таҳлил қилиш, солиқ юкининг tenglik ва қашшоқликка таъсирини таҳлил қилиш, яъни, солиқлар жамиятдаги даромадлар тенглиги ва қашшоқликка қандай таъсир қилиши мумкинлигини баҳоловчи тадқиқотлар сифатида келтириш мумкин.

Солиқ юкига бағишлиланган илмий тадқиқотларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлили асосида бир қатор илмий хулосалар қилиш мумкин: биринчидан, солиқ юки доимо давлатнинг солиқ сиёсати билан узвий ҳолда тадқиқ қилиб келинмоқда, иккинчидан, солиқ юкининг ўзини солиқ тизими сифатида ўрганилган, учинчидан, солиқ юкининг иқтисодиётнинг турли жиҳатлари яъни, давлат бюджети даромадлари ва ҳаражатлари даражасига, нархга, истъемол индекси ва унинг даражасига, иш ҳақига, рақобат муҳитига, инвестицияга, капитал ҳаракатига ва шу қабиларга боғлиқ ҳолда ўрганилган, тўртинчидан, солиқ юкини аниқлаш усуллари ва унинг тақсимланишини тармоқлар бўйича хусусиятларига бағищланиб келинмоқда.

Илмий тадқиқот услубиётига асосланган ҳолда бизга қадар солиқ юки муаммосига бағишлиланган амалга оширилган тадқиқотлар қатори биз ҳам солиқ юкининг моҳиятига оид муаллифлик ёндошувимизни келтиришни лозим топдик. Шундан келиб чиқкан ҳолда, *солиқ юки бу-* иқтисодий субъектларга тегишли бўлган даромад, фойда, мол-мулк, ер ва бошқа солиқса тортиладиган объектлар доирасида жамият манфаатлари учун уларнинг зиммасига юклатиладиган молиявий мажбуриятлар тушунилади. Чунки, моҳиятига кўра, солиқ юки аслида молиявий мажбуриятдир.

## **1-боб бўйича хулоса**

Солиқ тушунчаси, аввало, иқтисодий категория сифатида солиқ юкини ифодалайди. Солиқлар деб номланувчи категориянинг пайдо бўлиши мазмунан олиб қаралганда мажбурий тўлов сифатида жамият аъзоларининг молиявий мажбуриятини юзага келишини ҳам билдиради. Молиявий

мажбуриятлар жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ҳолатдан келиб чиқиб, давлатнинг жамиятга кўрсатаётган турли хил хизматларини амалга ошириш учун молиявий ресурсларга бўлган талабнинг қондирилишини тақозо этади.

Солиқ юки биринчидан, жамият аъзолалари зиммасига юклатилган молиявий мажбуриятни англатади, иккинчидан, солиқ категориясининг ўзи моҳияттан ҳам солиқ юкини ифодалайди, учинчидан, муаян давр мобайнида жамиятда яратилган қийматнинг жамият аъзолари ўртасида қайта тақсимланишини тавсифлайди, тўртинчидан, иктисодий муносабатларда янгидан яратилган қийматнинг ижтимоийлашувини таъминлайди, бешинчидан, солиқ юки аслида жамиятдаги ишлаб чиқариш субъектлари ва мулк ҳамда даромадга эга бўлган жисмоний шахсларнинг жамиятга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ва молиявий хизматларини молиялаштиришдаги улушини англатади, олтинчидан эса, давлатнинг ижтимоий ва молиявий хизматлари ким қанча фойдаланган бўлса, ана шу микдорда (ҳажмда) молиявий мажбурият олмаслиги ёки тескари ҳолатда бўлишини кўрсатиб беради ва шу орқали ижтимоий-иктисодий қайта тақсимланишлар мавжудлигини кўрсатади.

Умумий тарзда солиқ юкини аниқлаш деганда, аслида жамият аъзоларининг иктисодий фаолиятида топган янгидан яратган қиймати (даромади)ни қанчасини давлат ихтиёрига жалб қилинишини ҳал қилиш масаласи тушунилади. Аммо, давлатнинг молиявий маблағларга эҳтиёжи чексиз бу объектив-иктисодий қонуниятдир.

Солиқ юки тушунчаси умумий тушунча сифатида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятларнинг қийматини ифодалайди, аммо уни тушунтиришда унинг тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар, аҳоли даражасига қараб, қуий даражадаги солиқ юкининг хусусиятларини билишга интилиш орқали умумий солиқ юкининг мазмунини янада чуқурроқ англаш ва шу тартибда қуий даражадаги солиқка оид жараёнлардан унинг умумий хulosалар чиқаришга интилиш масаласини янада ойдинлаштиради.


Солиқ юкига бағищланган илмий тадқиқотларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлили асосида бир қатор илмий хулюсалар қилиш мүмкін: бириңчидан, солиқ юки доимо давлатнинг солиқ сиёсати билан узвий ҳолда тадқиқ қилиб келинмоқда, иккинчидан, солиқ юкининг ўзини солиқ тизими сифатида ўрганилган, учинчидан, солиқ юкининг иқтисодиётнинг турли жиҳатлари яъни, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари даражасига, нархга, истъемол индекси ва унинг даражасига, иш ҳақига, рақобат муҳитига, инвестицияга, капитал ҳаракатига ва шу қабиларга боғлиқ ҳолда ўрганилган, тўртинчидан, солиқ юкини аниқлаш усуллари ва унинг тақсимланишини тармоқлар бўйича хусусиятларига бағищланиб келинмоқда.

Илмий тадқиқот услубиётига асосланган ҳолда бизга қадар солиқ юки муаммосига бағищланган амалга оширилган тадқиқотлар қатори биз ҳам солиқ юкининг моҳиятига оид муаллифлик ёндошувимизни келтиришни лозим топдик. Шундан келиб чиқкан ҳолда, *солиқ юки бу-* иқтисодий субъектларга тегишли бўлган даромад, фойда, мол-мулк, ер ва бошқа солиқса тортиладиган обьектлар доирасида жамият манфаатлари учун уларнинг зиммасига юклатиладиган молиявий мажбуриятлар тушунилади. Чунки, моҳиятига кўра, солиқ юки аслида молиявий мажбуриятдир.

## **П-БОБ. СОЛИҚ ЮКИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1.§ Солиқ юкини баҳолаш услубиёти ва уни такомиллаштириш масалалари**

Солиқ юки масаласини илмий тадқиқ қилишда уни аниқлаш (баҳолаш)га оид ёндошув муҳим ҳисобланади. Чунки, солиқ юкининг моҳияти аввалги бандларда таъкидланганидек, услубиёт билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам солиқ юкини баҳолаш ёки уни ҳисоблаш усуллари ҳақида жуда кўплаб илмий ёндошувлар мавжуд бўлиб, бир томондан уни аниқлаш оддий бўлса, яъни, турли даражадаги бюджетларга жалб этилган солиқ микдорини унинг асосий манбаси бўлган ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромадга нисбати асосида аниқланса, бошқа томондан, солиқ юки шундай иқтисодий категорияки, унинг микдорини аниқлаш турли ҳолатлар бўйича мураккаб таҳлилларни амалга оширишни тақозо этади, шу жиҳатдан олган солиқ юки моҳияти жиҳатдан оддий, бошқа иқтисодий муносабатларга таъсири жиҳатдан ўта мураккаб иқтисодий тушунча ҳамдир.



### **2.1- Солиқ юкини аниқлашга илмий ёндошувларнинг туркумланиши<sup>33</sup>**

Шу жиҳатдан олганда солиқ юкини аниқлаш масаласи ҳақида илмий мушоҳада қилганда унга оид илмий ёндошувларнинг таҳлил қиласиган бўлсак, бир турдаги илмий ёндошувларда унинг ички моҳиятини очиб

<sup>33</sup> Муаллиф томонидан тузилган.


беришга қаратилған бўлса (бу ҳақда биринчи бобда батафсилроқ келтирганмиз), бошқа бир ёндошувларда эса, уни баҳолашга йўналтирилган илмий қарашларни англаш мумкин.

Халқаро даражадаги тадқиқотларга эътибор берадиоган бўлсак, солиқ юкини аниқлашнинг услубиётини акс эттирувчи ёндошувларни умумлаштириладиган бўлсак, солиқ юкини ўрганиш мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, аҳоли ва бизнеснинг молиявий барқарорлигини баҳолаш, шунингдек, солиқ сиёсатининг самарадорлигини аниқлаш учун муҳимдир. Юқори солиқ юки иқтисодий ўсиш ва инвестицияларга босим ўтказиши мумкин, паст солиқ юки эса бюджет даромадлари ва ҳукуматнинг давлат хизматларини кўрсатиш қобилиятига таъсир қилиши мумкин. Солиқ юки - бу муайян давлат ёки минтақада жисмоний ёки юридик шахслардан олинадиган солиқларнинг умумий миқдори. Ушбу концепция солиқларнинг аҳоли ва бизнесга тушадиган молиявий юкини ўлчаш имконини беради. Солиқ юки солиқка тортиладиган товарлар ва хизматларнинг даромадлари ёки қийматининг фоизи сифатида ифодаланиши мумкин.

Солиқ юки молиявий юкни баҳолашга ёрдам беради. Шунингдек, у солиқ тизимиининг самарадорлигини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ижтимоий ва иқтисодий таъсирини баҳолаш ва турли солиқ тўловчилар гурухлари ёки мамлакатларидаги солиқ юкларини солиштириш учун фойдали бўлиши мумкин. Солиқ юкини ҳисоблаш, одатда, барча тўланган солиқлар ва ундирилган йиғимларни қўшиш ва солиқ тўловчининг умумий даромади ёки активлари қийматига нисбатан бу миқдорни ҳисоблашни ўз ичига олади. Солиқ юки - бу шахс, корхона ёки бошқа юридик шахснинг давлат бюджетига муайян вақт давомида тўлаши лозим бўлган солиқларнинг умумий суммаси. Бу тушунча даромад ёки мулк қийматининг қайси қисми солиқлар эканлиги билан боғлик. Бу ёндошувлар шуни кўрсатадики, солиқ юкини аниқлаш ягона усулни қўллаш унинг моҳиятини тўлароқ очиб бера олмайди, шу жихатдан олганда солиқ юкини аниқлашнинг услубиётига оид илмий қарашларни алоҳида банд доирасида кўриб чиқиши лозим деб ҳисобладик.

Солиқ юкини аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳақида гап кетганды албатта, классик даражасидаги назариялар, жумладан, лаффер эгри чизиги, солиқ мультипликатори, солиқларнинг эгилувчанлиги, солиқ тамоийиллари ва бошқа шу каби илмий назарияларга мурожаат қилиш талаб этилади. Шу боисдан лаффер эгри чигиги назарияси орқали солиқ юкини баҳолаш ва унинг самарадорлигини таҳлил қиласиз. Маълумки, «Таклиф назарияси»сининг вакилларидан бири Америкалик иқтисодчи Артур Лаффернинг солиқлар, жумладан солиқ юки борасидаги илмий қарашлари ва таклифлари жаҳон солиққа тортиш назариясини ривожлантиришда катта ҳиссаси бор. А.Лаффер давлатнинг солиқ сиёсатида солиқ тўловчилар зиммасига юклатиладиган солиқ мажбуриятларининг қанча чегарада бўлиши, аникроқ қилиб айтганда, солиқ юки ҳажми қанча бўлиш самаралироқ бўлиши ҳақидаги илмий назарияни асослаб беради.

У АҚШ иқтисодиётни таҳлил этиб, унда солиқ сиёсатида давлатнинг асосий мезони (солиқ юкини белгилаш) нима бўлиш лозимлигини кўрсатиб берди. А.Лаффер АҚШ иқтисодиёти асосида солиқ ставкаси, солиқ базаси ва бюджет даромадлари ўртасидаги боғлиқлик жараёнларини эмпирик тадқиқотларга асосланган ҳолда аниқлаб берди ва бу борада давлатнинг солиқ сиёсатининг ўрнини ҳам кўрсатиб берди. У Шундай хulosага келадики, солиқ юки (солиқлар) ўзининг иқтисодиёт кўтара олиши мумкин бўлган даражага етганда солиқларнинг иқтисодиётга ва давлат бюджетига таъсири тескари пропорционналика ривожланади. А.Лаффер 1973-1983 йиллар оралиғида АҚШ федерал бюджетида бюджет тақчиллиги 200 млрд.доллардан камайганлигини таҳлил қилиш асосида, бунинг сабабларини ўзининг куйидаги эгри чизик графиги орқали тушунтириб беради.



## 2.2-расм. Лаффер эгри чизиги<sup>34</sup>.

А.Лаффернинг эгри чизиги шуни ифодалайдики, давлатнинг солиқ тўловчилардан даромадларининг 40-50 фоизигача бюджетга олиб қўйиши уларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва инвестиция жараёнини амалга оширишга имконият қолдирмайди. А.Лаффернинг ҳисоб-китобига қўра, оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнини минимал таъминлаш (ўша вақтдаги АҚШ иқтисодиёти ҳолатига қўра) даромаднинг 50-60 фоизини талаб қиласди. Бундай шароитда ишлаб чиқарувчи давлатнинг солиқ сиёсатини руҳан қўллаган тақдирда ҳам ишлаб чиқаришида тушқунлик пайдо бўлади ва бу тушқунлик уни солиқни камроқ тўлашга ундовчи вазиятга мажбурлайди. Оқибатда эса ҳам иқтисодиётда, ҳам солиқ тўловчиларнинг руҳиятида, қолаверса, давлат харажатларини амалга оширишда ҳам тушқунлик пайдо бўлади.

Демак, давлатнинг максимал чегарадан ўтадиган прогрессив солиқ сиёсати жуда зарур ҳолларда (масалан, инқироз даврида) оралиқ жараёнда қўлланиш керак деган ғояни илгари суради. Таҳлилларга асосланиб А.Лаффер таъкидлайдики, ишлаб чиқарувчидан унда шаклланган қўшилган қийматнинг

<sup>34</sup> Иқтисодий адабиётлардан олинган.

35-40 фоизини турли хил кўринишларда давлат ихтиёрига олиб қўйиш унинг инвестицион сиёсатини буғади ва у доиравий айланиш кўринишида бутун иқтисодиётга салбий таъсир қиласди. Шунга асосланган ҳолда бугунги кунда ўртача солик юкининг максимал чегарасининг мезони сифатида 30-35 фоиз даража қилиб белгиланиши ҳаётда ўз исботини топган ушбу Лаффер таълимотига асосланади. Таъкидлаш мумкинки, АҚШда ўтган асрнинг 80-йилларида ўtkазилган солик сиёсати ислоҳотлари ҳам айнан А.Лаффернинг ғояларига асосланган бўлиб, унинг ғояларининг мазмуни ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Таъкидлаш керакки, солик юкини аниқлаш ва уни баҳолаш билан боғлик тадқиқотлар дастлаб классик иқтисодчи олимлар, С. Вобан Ш. Монтескье, А. Тьер, Э. Де Жираден, Р. Стурм, А. Смит, Д. Рикардо, Ж. Сисмонд де Сисмонди, Д. Миля, Н. Канар, Л. Штейн, Ф. Нитти, Э. Сакс, М. Фридман, Э. Селигмана П. Самуэльсон М. Алле кабиларнинг ўзига хос илмий қарашлар турли хил талқинларда келтирилади, яъни, уларнинг назарияларида солик юкини белгилаш, унинг чегарасини баҳолашга оид ёндошувлар келтирилади, яъни, уларнинг умумий ёндошувига кўра, миллий иқтисодиёт доирасида ишлаб чиқилган даромаднинг қанча қисми давлат бюджетига жалб этилиши билан аниқланади. Бироқ, кейинги тадқиқотларда солик юкини аниқлашнинг турли хил услублари ҳақидаги илмий қарашлар кенгайиб борди.

Агар, солик юкини баҳолаш (аниқлаш)га оид умумий ёндошувларни кисқача изоҳлайдиган бўлсак, уларни қўйидагича келтириш мумкин:

I-ёндошув: Классик ёндошув.

*(Давлатга лозим даражада зарур бўлган жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажми) / (жамият аъзолари томонидан ишилаб чиқилган маҳсулот (хизмат, иш) ҳажми) \* 100.*

Бу ёндошувдан давлатнинг молиявий-солик сиёсатининг миқдорий чегараси кўрсатиб берилади, юқорида келтириб ўтилганидек, Лаффернинг иқтисодий назарияси бунинг ўзаги сифатида аксарият давлатлар ўзларининг молия-солик сиёсатини белгилашда кенг қўллаб келмоқда, жумладан Ўзбекистон солик

тизимида ҳам. Солиқ юкини аниқлашга оид илмий назарияларда давлат жамият манфаатлари нуқтаи назаридан солиқ тўловчиларнинг қанча даромадини ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун олишини англатади. Бу ёндошувнинг кейинги босқичларида эса, солиқ юкини аниқлашнинг анчайин деталлашувига кенг этибор берила бошланди, бу умумий тартибда солиқ юкини аниқлашнинг иккинчи ёндошуви сифатида баҳолаш мумкин.

II-ёндошув: Классик-замонавий ёндошув.

*(Давлатга лозим даражада зарур бўлган жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажми) – (жалб қилинган маблагларнинг давлат бошқарувига сарфланган маблаглар) / (жамият аъзолари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот (хизмат, иши) ҳажми) \* 100.*

Солиқ юкини аниқлашнинг II-ёндошувида классик ёндошувга танқидий ёндошилган ҳолда моҳияти жиҳатдан ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли тоифасидаги солиқ тўловчилардан олинган солиқ тушумларининг уларнинг ўзларига сарфланиши нуқтаи назаридан баҳолаш бош масала ҳисобланади. Бу ёндошувга кўра, ишлаб чиқариш соҳасидаги янгидан яратилган маҳсулот ва солиқ тўловчилар томонидан эгалик қилинадиган ресурслар (мол-мулк, ер ва бошқа табиий бойликлар) учун олинган тўловларнинг қайси қисми давлатнинг ўзининг бошқарувига сарфланиши алоҳида эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш лозим деган ғоя ётади. Агар, бу иккинчи ёндошувни илмий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил қиласидиган бўлсак, ижтимоий хизматларнинг солиқ тўловчилар томонидан ўзлари истеъмол этилиши натижасида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки ижтимоий жиҳатдан нолга tengлашади, чунки, солиқ тўловчилар қанчалик солиқ тўлаган бўлса, уларнинг барчасини ўзлари ижтимоий хизматлар сифатида истеъмол қилиб олган бўлади.

III-ёндошув: Социал ижтимоий ёндошув.

*(Давлатга лозим даражада зарур бўлган жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажми) –/ (Жамият аъзолари томонидан истеъмол этилган ижтимоий хизматларнинг истеъмол қилиши ҳажми ) \* 100.*

Солиқ юкини аниқлашга оид ёндошувларнинг учинчи гурухининг моҳияти шундаки, солиқ тўловчилар зиммасига тушган молиявий мажбуриятлар билан улар томонидан кўрилган нафнинг ҳар доим ҳам мутаносиб бўлмаслигидадир. Бу ерда яна шу нарсани ҳам таъкидлаш лозимки, солиқ юкини баҳолашда солиқларнинг белгилари билан боғлиқ ҳолда ҳам қараш лозим бўлади. Солиқлар эквивалентсизлик характерда бўлади, бу эса унинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Солиқларнинг бу белгиси солиқларнинг ички моҳияти ва унинг ижтимоий ва социал хусусиятларини акс эттириши билан биргаликда, жамият бошқарувининг адолатлилик тамойилини ҳам ифодалаб беради. Қолаверса, солиқларнинг бу белгиси шу нарсани ифодалайдики, ким қанча солиқ тўлаган бўлса, давлатдан шунча миқдорга teng равишда ижтимоий хизматлар олмаслиги, ундан кўп ёки кам олиши, умуман солиқ тўламасдан солиқ тўловчиларга нисбатан кўпроқ ижтимоий хизматлар истеъмол қилиши мумкинлигини изоҳлайди. Демак, солиқ юкини аниқлашда солиқларнинг эквивалентсизлик белгисини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади, яъни, солиқ юкини индивидуал аниқлашда ким қанча солиқ тўлаган бўлса, шунча ижтимоий хизматлар қабул қилиб олмаслиги мумкин.

IV-ёндошув: Тармоқ-худудий-индивидуал ёндошув.

*(Давлатга лозим даражада зарур бўлган жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажми) –/ (худудий ялпи маҳсулот, алоҳида олиган тармоқ ва солиқ тўловчиларнинг ялпи даромадлари ) \* 100.*

Солиқ юкини аниқлашга оид услубиётнинг энг кўп ёндошувлардан бири сифатида тармоқ-худудий-индивидуал ёндошувни келтириш мумкин. Бу ёндошувда солиқ юкини миллий иқтисодиёт даражасида аниқлаш унинг моҳиятини тўла очиб бера олмаслигидан келиб чиқади. Чунки, давлат ўзининг молиявий-солиқ сиёсатини белгилашда алоҳида олинган худудлар, тармоқ ва солиқ тўловчилар (масалан, йирик солиқ тўловчилар) кесимидағи солиқ юкини баҳолаб боришни ҳам тақозо этади. Таъкидлаш керакки, солиқ юкини бундай шаклларда аниқлаб баҳолаб бориш далватнинг худудларни ва алоҳида

олинган тармоқ ва солиқ тўловчиларга нисбатна солиқ сиёсатини ҳам белгилашда муҳим саналади.

V-ёндошув: Соликларнинг рағбатлантирувчилик тамойили бўйича ёндошув.

*(Давлатга лозим дараҷада зарур бўлган жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажми) –(солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёzlари ва пререфенциялар сўммаси) / (жамият аъзолари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот (хизмат, иш) ҳажми) \* 100.*

Солиқ тўловчининг бешинчи ёндошуви сифатида илмий қарашларнинг мазмуни моҳиятида солиққа тортишнинг адолалатлик тамойилининг амалий ифодаси ётади. Яъни, бу ёндошувга асосан солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини аниқлашда ва унга баҳо беришда соликларнинг адолатлилик тамойилига асосланиш лозим бўлади. Бу ёндошувга кўра солиқ юкини баҳолашда давлатнинг солиқ сиёсати орқали солиқ тўловчилар томонидан берилган солиқ имтиёzlари суммаси ва преференцияларнинг қийматини белгиловчи суммани умумий солиқ мажбуриятлари қийматидан чегириб ташлаган ҳолда аниқлаш асосида солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилига асослаш зарур деган ғоя ётади. Дарҳақиқат солиқ имтиёzlари жуда ҳам солиқ тизимида қўллаш давлат манфаатлари ва солиқ тўловчилар манфаатлари учун муҳим ҳисобланиб, ундан кутилган мақсадга икки томонлама эришилганда ўз моҳиятиг эга бўлади ҳамда солиқ юкини тўғри аниқлашга имкон беради.

VI-ёндошув: Манфаатларнинг уйғунлашуви ёндошуви.

*(Давлатга лозим дараҷада зарур бўлган жалб қилинган молиявий ресурслар ҳажми) –(солиқ тўловчилар томонидан содир этилган хуфёна иқтисодиёт ва солиқ тўламаслик бўйича солиқ қарздорлигининг умуми сўммаси) / (жамият аъзолари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот (хизмат, иш) ҳажми) \* 100.*

Бизга маълумки давлат қанчалик ўзининг иқтисодий манфаатларига эга бўлса, солиқ тўловчида ҳам ўзига хос эгоизм мавжуд бўлади ва у икки томонлама хусусиятга: бир томондан солиқ тўловчиларда бу ҳолат кўпроқ

бўлганлиги сабабли ҳам солиқдан қочиш ҳолатлари юзага кела бошлади ва доимий характерга эга бўлади, бошқа томондан эса, солиқдан бўйин товлашда солиқ тўловчиларнинг бир томонлама манфаатлар борасидаги ҳатти-ҳаракати солиқдан бўйин товлашнинг турли хил кўринишлари ва шаклларини келиб чиқишига олиб келади. Бунинг натижасида эса солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўламаслик мақсадида хуфёна иқтисодиёт билан шуғулланиши ва хисобланган солиқ суммаларини бюджетга тўламаслиги эса, солиқ юкини аниқлашда албатта эътиборга олишни тақозо этади, соддароқ қилиб айтганда солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкини аниқлашда улар томондан қасддан тўланмаган солиқ суммасини ҳам эътиборга олиш (чегириш хисоблаш) лозим деган ғоя илгари сурилади.

Тадиқотимизнинг қуида юқорида биз томонимиздан умумий тартибда умумлаштирилган ёндошувларнинг аниқ илмий талқинлари сифатида айрим индивидуал ёндошувларни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Жумладан, рус олими Е.Камарова ўз илмий тадқиқотларида солиқ юкини аниқлашда ҳудудий ёндошув бўйича қуийдаги усулни таклиф қилган. Яъни,

$$\text{СЮ хақиқий} = (\Sigma \text{УСТ} - \text{КДСТ} - \text{ҚҲСТ} - \text{СҚТ}) / \text{БК} \times 100\%,$$

Бу ерда:

ΣУСТ – умумий солиқ тушумлари

КДСТ – келгуси давр учун тўланадиган ва жорий йилда тўланган солиқ тушумлари

ҚҲСТ – солиқ текширувлари даврида аниқланган ва тушган солиқ тушумлари

СҚТ – солиқ қарздорлиги бўйича тушумларнинг келиб тушиши

БК – базиз кўрсаткичи (ялпи ҳудудий маҳсулот, ялпи қўшилган қиймат ва бошқалар )<sup>35</sup>

Е.Камарованинг услубиётига кўра, ҳудудий даражада солиқ юкини аниқлашда солиқ текширувлари вақтида аниқланиб, уларни бюджетга жалб

<sup>35</sup> Комарова Елена Ивановна. Налоговая нагрузка на экономику региона в условиях развития налоговой системы Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Оренбург-2007. С.15

қилиниши ҳақиқатда солиқ тушумларига таъсир қилади ва уни солиқ юки даражасини белгилашда ҳисобга олиш лозим ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳудудий солиқ юкини аниқлашда ҳудуднинг базавий кўрсаткичи (муҳим иқтисодий индикатори) бўлган ялпи ҳудудий маҳсулот ёки ялпи қўшилган қийматни асос қилиб олиш керак, сабаби бу кўрсаткичлар солиқ базасининг асосий манбаидир деб ҳисоблайди ушбу муаллиф. Ушбу услубиётни ўзига хос илмий-амалий жиҳатга эга бўлсада, аммо, келгуси давр учун тўланадиган ва жорий йилда тўланган солиқ тушумларини солиқ юки кўрсаткичларидан бири сифатида олиш бахсли деб ҳисоблаймиз, сабаби, олдиндан тўланган солиқ тўловлари корхонанинг молиявий фаолиятига тўла салбий таъсир кўрсатмайди, чунки, бу суммани жорий йилда ҳисобга олиш ҳудуд корхоналарининг кейинги йиллардаги молиявий фаолияти эътиборга олинмай қолишини туғдиради, ушбу суммани жорий йилда ҳисобга олиш эса, йиллар кесимида солиқ юкининг даражасининг турлича кўрсаткичларга эга бўлишига ва солиқ юки даражаси динамикасининг турлича бўлишига олиб келади, натижада эса солиқ юкига оид давлат сиёсатига ҳам таъсири турлича бўлиб қолиш эҳтимолини келтириб чиқаради.

Тадқиқотимизнинг биринчи бобида ҳам келтириб ўтганимиздек, Россиялик олим А.Рогожин солиқ юкини аниқлашга оид ўзининг илмий тавсияларини келтириб ўтган ҳолда солиқ юкини фискал ва солиқ юки доирасида аниқлаш лозим деган ғояни илгари суради ва фискал солиқ юкини аниқлашнинг қуйидаги усулини таклиф этади.

$$\text{Фискал}_{\text{сю}} = (\text{МСТ} + \text{СТ} + \text{ББТ} + \text{ТБФУТ} + \text{ЛТ}) / \text{ЯИМ} * 100.$$

Бу ерда:

МСТ-солиқ тушумлари

СТ- суғурта тўловлари

ББТ-божхона божлари ва бож тўловлари

ТБФУТ-табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов

ЛТ- фаолиятни юритиш учун лицензия тўловлари

**ЯИМ-ялпи ички маҳсулот<sup>36</sup>.**

А.Рогожин бошқа тадқиқотчилардан фарқли равишда солиқ юки даражасини аниқлашда суғурта тўловларини ҳам солиқ юкини ҳисоблашда кўшиш керак деган ғояни илгари суради, бундан ташқари божхона божлари ва бож тўловлари, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов миқдорини ҳам солиқ юки сифатида қарашибозим деб ҳисоблайди. Бироқ, бизнинг фикримизда ушбу олимнинг илмий услугубий ёндошувларни инкор этмаган ҳолда, суғурта тўловларини солиқ юки миқдорини аниқлашда ҳисобга олиш деган фикрига қўшилмаймиз, сабаби, суғурта тўловларининг барчаси ҳам мажбурий тўлов ҳисобланмайди, уларнинг аксарияти ихтиёрий тўлов ҳисобланади, шу боисдан суғурта тўловларини солиқ юки миқдорига қўшиш услугубий жиҳатдан ўринли эмас деб ҳисоблаймиз.

Айрим иқтисодчи олимлар, жумладан, Т.Кетова эса, солиқ юкини аниқласа, нисбий ёндошиш лозим деб ҳисоблайди. Олим ўзининг услубиётини солиқ турлари асосида, яъни, қўшилган қиймат солиги (ҚҚС)ни эътиборга олган ҳолда солиқ тўловчининг юкига тушадиган солиқ мажбурият суммасининг уларнинг олган ялпи фойдасида қанчалик акс этишини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласи. Унга кўра:

$$H_{cjo} = (A_{cjo}) / (YD \cdot X).$$

Бу ерда:

$H_{cjo}$  – нисбий солиқ юки

$A_{cjo}$  - мутлоқ солиқ юки

$YD$  – ялпи даромад

$X$  – харажатлар (ҚҚСни эътиборга олинмаган ҳолда)<sup>37</sup>.

Т.Кетованинг фикрига кўра, солиқ юкини аниқлашда “солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хўжалик юритувчи субъектлар ва

<sup>36</sup> Рогожин Антон Николаевич. Налоговая нагрузка в системе налоговой политики государства и организаций. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов – 2012. с 12.

<sup>37</sup> Кетова Татьяна Викторовна. Внутрихозяйственный анализ налоговой нагрузки в системе налогового анализа и контроля бизнес. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2022. С.14.

уларнинг бирлашмаларининг хўжалик фаолиятига таъсирининг комплекс (миқдорий, сифат жиҳатидан) иқтисодий тавсифи, солик тизимларининг хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмаларига таъсири натижаларини акс эттириши<sup>38</sup>ни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уни аниқлаш нисбий ва мутлоқ шаклда аниқлаб бориш ўз моҳиятига эга деб ҳисоблайди. Таъкидлаш лозимки, солик юкини аниқлашга оид Т.Кетованинг ёндошуви солик тўловчиларнинг асосий молиявий кўрсаткичлари бўлган ялпи даромад ва харажатларга асосланган бўлиб, бу услубиёт солик тўловчининг сифат кўрсаткичларига боғлиқ бўлади, аммо, миқдорий кўрсаткичларни эътиборга олмаслик эса, солик юкини тўлароқ аниқлаш имкониятини бера олмаслиги мумкин.

Бошқа илмий тадқиқотчилардан фарқли равища В.Юрченко эса, солик юкини аниқлашда макроиқтисодий, мезоиқтисодий, микроиқтисодий даражада ҳисоблаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва солик юкини фақатга макроиқтисодий даражада ҳисоблаш солик юкини тўғри аниқлаш имконини бермайди, базис кўрсактичлари сифатда ялпи ички маҳсулот билан бирга бошқа макро-микро иқтисодий кўрсактичларга ҳам асосланиш лозим деб ҳисоблайди ҳамда корхоналар доираси солик юкини ҳисоблашнинг ушбу усулинни тавсия этади:

$$\text{СЮ} = (\text{СТ} / \text{СТМ}) + 100^{39}.$$

Бу ерда:

СЮ –корхонага нисбатан солик юки

СЮ –корхона тўлаган барча солик ва солиқсиз тўловлар

СТМ –солик тўловларининг манбай (даромад, фойда ва бошқа кўрсактичлар).

---

<sup>38</sup> Кетова Татьяна Викторовна. Внутрихозяйственный анализ налоговой нагрузки в системе налогового анализа и контроля бизнес. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2022. С.12.

<sup>39</sup> Юрченко Вера Романовна. Регулирование налоговой нагрузки как фактора развития производства. Специальность 08 00 10 - финансы, денежное обращение и кредит Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2007. С. 15.

Муаллиф В.Юрченконинг тавсиясига кўра, солиқ тўловларининг манбай бўлган СТМни ўзини аниқлаш эса қуйидаги тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, яъни, СТМ = МСЯТ - МТХ -А - ИҲФ + БД - БХ + ҚҚС + Ак. ЎЗ навбатида МСЯТ-маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушум, МТХ-материал ва унга тенглаштирилган бошқа харажатлар, А-амартизация харажатлари, ИҲФ-иш ҳақи фонди харажатлари, БД-бошқа даромадлар, БХ-бошқа харажатлар, ҚҚС-қўшилган қиймат солиғи, Ак-акциз солиғи.

В.Юрченко томонидан тавсия этилаётган услубиёт маълум маънода ўз аҳамиятига эга бўлсада, бироқ, бизнинг фикримизча солиқ тўловлари манбаига ҚҚС ва акциз солиғини қўшиш ҳар доим ҳам ўз моҳиятига эга эмасдир, сабаби булар солиқ турлари бўлиб маҳсулот таннархида акс этиши туфайли икки марта солиққа тортилди деб, солиқ юкини аниқлашда эътибор олиш услубий жиҳатдан тўғри деб бўлмайди.

Таъкидлаш лозимки, солиқ юкини аниқлашда маҳаллий олимларимиз томонидан ҳам чуқур илмий тадқиқотлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Булар жумласига профессор И.Ниязметов, Ш.Тураев, Ф.Исаев, Т.Маликов, М.Алимарданов, С.Худойқулов, У.Нормурзаев, Б.Исройлов ва бошқа шу каби олимларнинг услубий ёндошувларни келтириб ўтиш мумкин. Қуйида эса уларнинг айримларининг моҳиятини илмий-услубий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Бу борада маҳаллий олимларимиздан солиқ юки бўйича услубиёт билан тадқиқотлар олиб борган профессор М.Алимарданов томонидан услубиётга тўхталиб ўтсак. Муаллиф солиқ юкини аниқлашда мутлоқ ва нисбий турларга ажратиб ҳисоблашни таклиф этган ҳолда, мутлоқ солиқ юки – корхоналардаги солиқ ва ижтимоий суғурта бадаллари юкини ифодалаб, улар бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказилади, компания солиқ мажбуриятларининг мутлоқ миқдори бўлса, нисбий солиқ юки мутлоқ миқдорнинг янгидан яратилган қийматига нисбатидир, яъни:

$$H_{сю} = (CT + IC) / KK * 100\%^{40}$$

Бу ерда:

Н<sub>сю</sub> - компаниянинг нисбий солиқ юки

СТ - солиқ тўловлари

ИС - ижтимоий солиқ

КҚ- қўшилган қиймат (янгидан яратилган қиймат).

Албатта профессор М.Алимардановнинг илмий ёндошуви мамлакатимиз олимларидан дастлабки ёндошувларни ифода этган бўлсада, ушбу услубиёт асосан корхоналар доирасида солиқ юкини аниқлашга кенг хизмат қилсада, макроиқтисодий доирадаги солиқ юкини аниқлашда кенг қўллаш имконини бермаслигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Иқтисод фанлари доктори И.Ниязметов томонидан келтирилган услубиётга эътибор қаратадиган бўлсак, олим солиқ юкини соф солиқ юки даражаси сифатида аниқлаб боришни таклиф этган.

$$\text{ССЮ} = (\text{УС}/\text{КҚ}) * 100^{41}.$$

Бу ерда:

ССЮ-соф солиқ юки

УС-умумий солиқлар

КҚ-қўшилган қиймат.

И.Ниязметов солиқ юкини баҳолаш бўйича тадқиқотларини чуқурлаштирган ҳолда жами солиқ юкини аниқлаш услубиётини ҳам таклиф қилган. Унга кўра:

$$\text{ЖСЮ} = (\text{УС} + \text{МС}) / \text{КҚ} * 100^{42}.$$

Бу ерда:

ЖСЮ- жами солиқ юки

МС-табиий ресурслардан фойдаланиш, алоҳида хусусиятли ва монопол фаолият турлари билан шуғулланадиган ҳамда маълум бир операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун тўланадиган маҳсус солиқлар ва тўловлар.

<sup>41</sup> И.Ниязметов. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. Тошкент-2016 й. 41-42 бетлар.

<sup>42</sup> Алимарданов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. И.ф.д. автореферати 23-бет, Т-2004.

И.Ниязметовнинг мазкур услубиётига фикримизча анчайин ўзмохиятига эга бўлсада, маҳсус солиқларни солиқ юки даражасига қўшиш таклифи бирз бахслидир. Чунки, бу солиқлар барча солиқ тўловчилар томонидан амалга оширилмайди, ваҳоланки, солиқ юкини аниқлашда уларни қўшиш айрим олинган солиқ тўловчилар кесимида гина ҳисоблаш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз.

Республикамизда солиқ юки методологияси билан кўп йиллардан бери илмий тадқиқотлар олиб бораётган профессор Ш.Тўраев солиқ юкини аниқлашнинг қуйидаги услубиётини таклиф этган:

$$C_{\text{ю}} = (\Delta B_{\text{пк}} * C_{\text{ид}}) / \text{ЯИМ}^{43}$$

Бу ерда:

**Сю**-макродаражадаги солиқ юки.

Дб<sub>пк</sub>-давлат бюджети прогноз қўрсаткичлари;

Сид-солиқларнинг йигилувчанлик даражаси;

ЯИМ-ялпи ичики маҳсулот.

Ш.Тураев томонидан таклиф этилаётган услубиётга кўра, солиқ юкини аниқлашда давлат бюджети даромадлари бўйича прогноз қўрсаткичлари бу мазмунан солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари бўлиб, уни албатта эътиборга олиш зарур деган ғоя ётади. Бундан ташқари ушбу олимнинг ёндошувига кўра, солиқларнинг йигилувчанлик даражаси қанча ошса, солиқ тушумлари бюджетга шунчалик жалб қилинади ва келиб тушган солиқлар миқдорига таъсир қиласи, шу жихатдан мазкур қўрсаткични ҳам солиқ юкини олиш лозим деган ғояни илгари суради иқтисодчи олмм Ш. Тураев.

<sup>43</sup> Тураев Ш.Ш. “Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йўналишлари”. и.ф.д. учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.: -2021 й

Маҳаллий олимлардан солиқ юки методологияси билан боғлиқ илмий тадқиқотларни олиб бораётганлар бири бу иқтисод фанлари доктори Ф.Исаевнинг илмий тадқиқотларида ҳам услубиёт масаласига алоҳида ўрин олган. Ушбу олимнинг фикрига кўра, “солиқ юки кўрсаткичини иқтисодий фаолият турлари бўйича аниқлаш методикасини қўллаш лозим.

$$\mathbf{Сю} = (\mathbf{Cc} \times 100\%) / \mathbf{Tд}$$

Бунда:

**Сю** — солиқ юки;

**Сс** — солиқ даври давомида тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаси;

**Тд** — солиқ даврида товарларни (хизматларни) сотишдан тушган даромад.

Солиқ юкини ҳисоблаш бўйича мамлакатимизда шу вақтгача турли хил методикаларга таяниб келинади ва илмий тадқиқотлар эришган натижалардаги маълумотлар билан тафовут мавжуд. Биз томонимиздан таклиф қилинган методика солиқ юки кўрсаткичини иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳисоблашни осонлаштиради ва уни объектив баҳолаш имконини беради”<sup>44</sup>. Юқоридаги ёндошувга кўра, кўриниб турибдики, Ф.Исаев солиқ юкини ҳисоблашда солиқ даври давомида тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасининг процент белгисига (100 га) қўпайтмасини солиқ даврида товарларни (хизматларни) сотишдан тушган даромадга ҳисоблаш лозимлигини илгари суради. Дарҳақиқат Ф.Исаев томонидан илгари сурилган ўзининг илмий-услубий аҳамиятига эга эканлигини таъкидлаш билан бир қаторда ушбу услубиёт асосан микро даражадаги солиқ юкини аниқлашга хизмат қилишини ва худудий ва тармоқлар кесимида мураккаб иқтисодий муносабатлар доирасидаги солиқ юкини аниқлаш имкониятини бермайди деб ҳисоблаймиз. Ватанимиз олимларидан тармоқлар кесимида солиқ юкини

---

<sup>44</sup> Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили: назария ва амалиёт. Монография. Т.: “IQTISODIYOT”. 2022 йил. 137 бет.

аниқлаш билан шуғулланувчиларнинг тадқиқотларини таҳлил қилишда иқтисодчи олима С.Султонованинг солиқ юкини аниқлаш бўйича ёндошувини ҳам келтириш мумкин. Ушбу тадқиқотчи темир йўл тармоғида солиқ юкини таҳлил қила бориб, бу борада тармоқ кесимида соф солиқ юкини ҳисоблашнинг қўйидаги усулини таклиф этади:

$$YSyuki = ( SH + MT) * 100 / ST^{45}$$

Бу ерда:

YSyuki - ялпи солиқ юки;

SH - солиқ харажатлари (ҳисобланган солиқ суммаси);

MT - мажбурий тўловлар суммаси

ST- маҳсулот (ишлар, хизматларни)ларни сотищдан соф тушум.

*Солиқ юкини аниқлаш ва уни баҳолаш билан боғлиқ бизгача бўлган амалга оширилган илмий тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб бир қатор илмий хуносалар қилишига имкон тужилди:*

*биринчидан*, солиқ юкини аниқлашдаги дастлабки ёндошувлар асосан классик иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган бўлиб, бунда солиқ юкини аниқлаш давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзагини, яъни солиқларни жорий қилиш ва уларнинг миқдорини белгилаш билан бир қаторда ифодаланган;

*иккинчидан*, илмий тадқиқотларда солиқ юкини макро, мезо, микро даражада аниқлаш билан боғлиқ услубиётларга кенг эътибор берила бошланди, бунда ўзига хос услубиётлар ишлаб чиқила бошланди;

*учинчидан*, солиқ юкини солиқ турлари кесимида аниқлаш орқали унинг макро ва микро даражадаги ҳолати билан боғлиқ аниқлаш билан боғлиқ услубиётлар ҳам анчайин ривожланди;

*тўртинчидан*, солиқ юкининг ўзини ички моҳиятига кўра мутлоқ ва нисбий шаклда аниқлаш билан боғлиқ илмий услубиётлар пайдо бўлди ва кейинги тадқиқотларда бу борада кенгроқ эътибор берила бошланди;

---


<sup>45</sup> Султанова Соня Махмудовна. GOSPODARKA I INNOWACJE. Volume: 22 | 2022. Корхона молиявий барқарорликкасолик юкининг таъсири. ISSN: 2545-0573.

*бешинчидан*, маҳаллий олимларимиз томонидан ҳам солиқ юкини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар кейинги вақтда анчайин қўпайиши билан бир қаторда асосий урғу солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкинини баҳолашга оид илмий тадқиқотлар устуворлик касб этмоқда.

## **2.2. Солиқ юкига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Таъкидлаш лозимки, солиқ юки бир қарашда оддий категория бўлиб англансада, бироқ, юқорида уни аниқлаш ва баҳолаш бўйича амалга оширган илмий таҳлилларимиз кўрсатганидек, ўзига хос мураккаб иқтисодий жараён ҳисобланади. Моҳиятан олиб қаралганда солиқ юкини давлат белгилайди, бироқ, бу фикр ҳам бир томонлама хусусиятга эга. Цивилизацияли жамиятда аслида солиқ юкининг миқдори ва унинг даражасига таъсир этувчи ҳолат бу жамиятда солиқларни жорий этиш муҳим саналадики, бу аксарият давлатлардаги каби ҳалқ ҳокимияти бўлган парламентаризм йўли билан амалга оширилади. Демак, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари томонидан солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилларига асосланган ҳолда солиқлар ва уларнинг миқдори, ставкаси ва бошқа шу каби элемментлари белгилаб берилсагина, солиқ юкининг даражаси мутадилликка яқинлашади, бундан ташқари солиқларни ундириш билан шуғулланувчи ёки давлат маблағларини тақсимловчи ваколатли органларининг солиқлар ҳажмини оширишга қаратилган молиявий талаблари (таклифлари)нинг қондирилиши эса, солиқ юкининг миқдорига тўғридан-тўғри таъсир қиласди. . Бундан кўринадики, жамиятда солиқ юкининг миқдорини белгилаш ва унинг даражасига таъсир этища устқурма-давлат ҳокимиятининг шакллари доирасидаги молиявий-солиқ сиёсатининг асоси муҳим саналади. Қайд этилганлар умумий тартибда солиқ юкининг белгиланишининг муҳим молиявий-иқтисодий асоси ҳисобланади. Қуйидаги 2.3-расмда келтириб ўтилаётганидек, гарчи солиқ юки даражаси ваколатли органлар томонидан солиқларнинг адолатлилик тамойили асосида белгилансада, миллий иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси ҳам унинг миқдорига таъсир қилувчи муҳим омил сифатида доимо мавжуд бўлади. Бунда ҳам давлатнинг

молиявий-солиқ инструментларидан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.



### 2.3-Солиқ юки даражасига таъсир этувчи омиллар<sup>46</sup>

<sup>46</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Жамият ҳаётида иқтисодий таназзул вақтида қайси турдаги солиқ сиёсатини қўллаш, яъни, прогрессив, рағбатлантирувчи, гибрид турларини қўллашни танлашга ҳам боғлиқ бўлади. Буни 1930 йилларда АҚШдаги буюк иқтисодий таназзул вақтида Ж.Кейнс назариясига асосланган прогрессив солиқка тортиш назариясими ёки Осиё давлатларида кейинги йилларда кўп қўлланилаётган оффшор зоналарни рағбатлантириш орқали миллий ўсишни таъминлашга қаратилган назарияларни қўллаш ёки иқтисодиётдаги макроиқтисодий ҳолатнинг умумий йўналишига қараб тартибловчи-рағбатлантирувчи-мувофиқлаштирувчи триадасига асосланган солиқка тортиш амалиётини қўллаш асосида макро ва микро даражадаги солиқ юки даражасига таъсир этиб бориш мақбул вариантларни аниқлаб бориш давлатнинг молиявий сиёсатида ўта муҳим масала ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан олганда солиқ юки даражасига омилларни гурухлагандан улар жуда кўп бўлиши мумкин, аммо молиявий-солиқ инструментларининг бевосита таъсири нуқтаи назаридан уларнинг энг муҳим сифатида қуидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин (2.4-расм).



#### **2.4-расм. Солиқ юкига таъсир этувчи молиявий-солиқ инструментлари<sup>47</sup>**

Юқорида келтирилган 2.4-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, солиқ юкига бевосита таъсир этувчи молиявий-солиқ инструментлари сифатида солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ преференциялари, солиқ

<sup>47</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

объекти ва солиқ базаси кабилар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу омилларнинг таъсирини белгилаш эса икки хил тартибда амалга оширилади. Яъни, биринчи учала омиллар: солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ преференциялари давлатнинг молиявий-солиқ сиёсати орқали давлат томонидан белгиланади.

Шунингдек, солиқ объекти, солиқ базаси ва нарх омили бу асосан бозор қоидаларига ҳамда солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятига боғлиқ ҳолда солиқ юкига таъсир қиласи. Буларнинг орасида ҳам энг кўп ва таъсир доираси кенгроқ бўлган солиқ ставкалари солиқ юкига тез таъсир кўрсатади, бу ҳолатни назарий жиҳатдан тадқиқот ишимизнинг биринчи бобида Лаффер эгри чизиги орқали ҳам қисман тушунтириб берган эдик. Солиқ объектининг солиққа тортиладиган қисми-солиқ базасини аниқлаш бу солиқ тўловчининг (солиқ турлари бўйича) юзага келган солиқ мажбуриятлари ҳажмини ифодалайди ва бюджетга жалб қилинадиган солиқ суммасининг базасини кўрсатади. Аммо шакллантирилган солиқ базасининг қанча қисмини давлат манфаатларига (бюджетга) олиш масаласини эса солиқ ставкаларисиз ҳал этиб бўлмайди. Демак, солиқ ставкалари солиқ базасини солиқ тўловчи ва давлат манфаатлари ўртасида тақсимловчи восита-кўрсаткич ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка ўрнатилган солиқ ставкаси ўртача даражадан фарқ қилиши мумкин. Солиқ базаси қанча кичик бўлса, ўртача солиқ ставкаси шунча катта бўлади, аксинча солиқ базаси қанчалик катта бўлса, ўртача солиқ ставкаси паст бўлади. Одатда солиқ ставкасининг солиқ базаси ва солиқ тушумларига ва шу орқали солиқ тўловчиларга таъсирини аниқлашда максимал солиқ ставкалари ҳам аниқланади

Солиқ ставкасининг оптималь миқдорини белгилаш эса солиқ сиёсатидаги энг мураккаб жараён ҳисобланади, чунки, солиқ юкига таъсири нуқтаи назаридан солиқ ставкаси прогрессив солиққа тортишни ифодалайди. Ваҳоланки, давлат солиқ ставкалари ошириш орқали бир томондан молиявий ресурсларни давлат бюджети ва бошқа фонdlарга кўпроқ жалб қилишини назарда тутса, бошқа томондан айрим турдаги солиқ турлари бўйича солиқ

ставкаларини ошириш орқали иқтисодиётни солиқлар воситасида қулай тартиблашни амалга оширади, шунингдек, солиқ ставкаларини ошириш орқали айрим турдаги, масалан, ер ости бойликларидан самарали фойдаланишга мажбурловчи инструмент сифатида фойдаланади. Ўз навбатида давлат солиқ ставкалари орқали солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптималлаштириш, яъни пасайтириш орқали уларни рағбатлантириши мумкин.

Солиқ юки ва солиқ ставкасининг ўртасидаги боғлиқликни давлатнинг солиқ сиёсатидаги ёндошувни илмий таҳлил қилиш мақсадида ҳамда фикримизнинг тасдиғи сифатида 2022-2023 йилларда солиқ сиёсатидаги солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши натижасида солиқ юкининг ўртacha миқдорини сақланиш ҳолати ва таъсирини кўриб чиқамиз. 2022-2023 йилдаги солиқ-бюджет сиёсатида солиқ ставкаларининг ўзгаришига эътибор берадиган бўлсак қуидаги ҳолатни кўриш мумкин:

биринчидан, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойдага, экспортдан олинган даромаднинг жами даромаддаги улусидан қатъий назар, 0 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича солиқ солиниши орқали экспортни рағбатлантириш аносисида экспортчи корхоналар зиммасидаги солиқ юки пасайтирилди;

иккинчидан, башарти: 2022 йил 1 сентябрдан сўнг илк маротаба солиқни тўлашга ўтган айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар – кейинги йилдан бошлаб бир солиқ даври мобайнида, башарти пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ даврида жами даромад ўн миллиард сўмдан ошмаса; 2022 йил 1 сентябрдан кейин жами даромади солиқ даври мобайнида илк марта ўн миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар – жорий солиқ даври ва кейинги солиқ даври мобайнида, башарти пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланиладиган солиқ давларида жами даромад юз миллиард сўмдан ошмаса белгиланган солиқ ставкасини 50 фоизга пасайтиришга ҳақли деган норманинг киритилиши айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг пасайишига таъсир қилган;

учинчидан, қўшилган қиймат солиги бўйича 15 фоизлик қўшилган қиймат солиги ставкаси 12 фоизга туширилиши эса, солик тўловчиларнинг солик юки кескин камайишига олиб келган;

тўртинчидан, 2023 йилнинг 1 февралидан бошлаб нефть маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиги ставкалари 10 фоизга индексация қилиниши, 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, эфиральдегидли фракциядан техник ректификацияланган этил спирти ва асосий фракциядан этил спиртига акциз солиги ставкаси 5 бараварга оширилади ва 1 литр учун 7 450 сўм этиб белгиланиши, 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб алкоголь ва тамаки маҳсулотларини импорт қилишда акциз солиги ставкалари 5 фоизга пасайтирилиши, 2023 йил 1 январдан фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретекни импорт қилишда акциз солиги ставкалари 5 % га пасайтирилиши ишлаб чиқарилган ва импорт қилинадиган алкоголли маҳсулотлар учун акциз солиги ставкаларини босқичма-босқич тенглаштирилишига олиб келинди, маҳсулот таркибидаги спирт микдоридан келиб чиқиб соликқа тортишга ўтиш ичимлик таркибидаги спирт ҳажмига мутаносиб равишда солик солиш, шу билан бирга, янги тартибнинг жорий этилиши солик суммасини унинг инсон саломатлигига заарли таъсиридан келиб чиқиб қайта тақсимлаш имконини берди.


Ўзбекистонда 1 литр спиртдаги акциз улуши 6,2 % ни ташкил қиласди (1 литр спиртнинг қиймати 23 905 сўм, акциз – 1490 сўм). Россия Федерациясида ушбу кўрсаткич 54,8%ни ташкил қиласди, Қозоғистонда – 51,7 %, Қирғизистонда 26,3%ни ташкил қиласди. Акциз солиги ставкасини 5 бараварга оширганда 1 литр спиртдаги акциз улуши 25 % дан ошмайди, бу Россия ва Қозоғистондагига нисбатан 2 баравар паст хисобланади, ваҳоланки 2021 йилда 6,5 млн.дал спирт ишлаб чиқарилган, у бўйича 79,8 млрд.сўм акциз солиги тўланган. Ушбу тартиб кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Россия ва Қозоғистонда амал қиласди, ставкаларни индексация қилиш соликнинг ЯИМдаги улушкини сақлаб қолишига имкон яратади;

бешинчидан, республикамида солиқ юкини умумий тақсимланишини оптималлаштириш ҳамда унинг адолатли ўрнатилиши ҳамда солиқдан қочишнинг олдини олиш мақсадида 2023 йилнинг 1 апрелидан бошлаб жисмоний шахсларнинг ҳаётини узоқ муддатга суғурталаш ҳақини тўлашга йўналтириладиган жисмоний шахсларнинг даромадлари қисмида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзлар бекор қилинди. Чунки, назарда тутилган имтиёз ижтимоий хусусиятга эга эмас, аксинча, ҳаёт суғуртаси шартномаларини тузиш орқали жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини оптималлаштириш учун ишлатилади. Масалан, банклардан бирининг 5,3 минг нафар ходимидан 3,3 минг нафари ёки жами ходимларнинг 62,1 % ўтган йили 30,2 млрд.сўм даромадларини ҳаётни суғурталашга йўналтириб, солиқ мажбуриятларини 3,6 млрд.сўмга оптималлаштиришди. Жисмоний шахслар томонидан шартномалар тузиш ва даромадларни ҳаётни суғурталашга йўналтириш орқали солиқ мажбуриятларини оптималлаштириш натижасида 2021 йилда солиқ йўқотишларининг умумий миқдори 48,1 млрд.сўмни ташкил этди.

Олтинчидан, 2023 йилда инфляция 10-12 % даражада бўлишини, мол-мулк солигининг умумий бюджет даромадларидаги улушини сақлаб қолиш имконини таъминлаш мақсадида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг амалдаги ставкалари инфляция даражасида (ўртacha 10 фоиз) индексация қилиниши кўзда тутилган. Солиқ ставкаларини индексация қилиш солиқ солинадиган база мутлақ миқдорда белгиланган кўчмас мулкнинг кадастр қиймати бўлганлиги ва 2018 йилдан бери индексация қилинмаганлиги сабабли амалга оширилди.

Умумий тартибда олсак, давлат бюджети ва бошқа мақсадли фондларга солиқ тушумлари (солиқ юки миқдори) ҳамма вақт ҳам солиқ тўловчи зиммасига давлатнинг фискал сиёсати орқали юкландиган молиявий мажбуриятларни ифодаламайди, ваҳоланки, бошқа муҳим омиллар ҳисобига ҳам солиқ тушумлари бюджетга жалб қилинадики, уларни солиқ тўловчиларга юк деб қаралади, бироқ, солиқ маъмурчилигини яхшилаш орқали ҳам солиқ

тушумларининг ошишига таъсир қилади. Буни қуйидаги жадвалда изоҳлашга ҳаракат қиласиз (2.5-расм).



## 2.6-расм. Солик юки (солик тушумлари)га даражасига фискал таъсир жиҳатидан омилларнинг гурухланиши<sup>48</sup>

2.6-расмда келтириб ўтилаётган солик юки (солик тушумлари)га даражасига фискал таъсир жиҳатидан омилларнинг гурухланиши мазмунан икки гурухга ажратилдики, солик сиёсатидаги ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш ва солик маъмурчилиги билан боғлиқ бўлмаган омилларнинг таъсирида бир

<sup>48</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

томондан давлатнинг солиқ сиёсати билан боғлиқ ҳолда ўзгариш хусусиятига ва солиқ юкига таъсирига эга бўлса, иккинчи гурухга бевосита солиқ маъмурчилигини янада яхшилаш ҳисобига солиқ тушумларининг миқдорига таъсир этувчи омилларни киритиш мумкин. Агар, буни аниқ расмий маълумотлар асосида таҳлил қиласиган бўлсак, қўйидаги жавдал маълумотларига таянамиз (2.1-жадвал).

**2.1-жадвал**

**2022 йилда аввалги (2021 йилга) нисбатан Ўзбекистонда давлат пул фондларига нисбатан солиқ юкининг таъсир этувчи омилларга тўғри келувчи тақсимланиши таҳлили (млрд.сўм)**

№	Солиқ тушуми (солиқ юки) миқдорига таъсир этувчи омиллар	Суммаси (кўпайиш + камайиш -)
I	<b>Солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш ва солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ бўлмаган омиллар</b>	<b>8 847,6</b>
	Иқтисодий ўсиш ҳисобига	8 903,3
	Солиқ қонунчилиги ўзгариши ва иш ҳақини ошиши	5 280,2
	Солиқ ставкаларини (+индексация) ўзгариши	-13 154,1
	Имтиёзлар бекор бўлиши	2 735,0
	Янги имтиёзлар берилиши	-2 074,5
	Янги рўйхатдан ўтган субъектлар	735,1
	Солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ бўлмаган тушумлар (бир марталик тўловлар)	6 422,5
II	<b>Солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ омиллар</b>	<b>11 570,3</b>
	ЭХФ тўғри расмийлаш-тириш, қайта ишлаш ва ҳисботларга тузатишлар киритиш	3 320,2
	Кўшимча солиқ обьектлари ва ер майдонларни аниқлаш	688,7
	Корхоналарнинг йил бошидаги солиқ қарзларни ундириш	2 687,7
	Солиқ текшируви натижаси	1 664,8
	Яширилган иш ўринлари ва ФОТни легаллаштириш	1 076,6
	Онлайн НКМ, Cashback, жорий этиш ва тўлов интизомига риоя этилиши	2 132,3
III	<b>Жами</b>	<b>20 417,8</b>

Ушбу келтирилган жавдал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021 йилга нисбатан 2022 йилдаги солиқ тушумларининг солиқ юкининг таъсир

этувчи омилларга тўғри келувчи тақсимланиши таҳлили шуни кўрсатмоқдаги ушбу икки гурухга киравчи омиллар умумий тарзда 2022 йилда 2021 йилга таққослаганда бюджетга 20 417,8 млрд.сўмга тенг равишда солиқ тушумлари ошган, бу тушумларни амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари доирасида қараладиган бўлсак, аслида солиқ юки бу суммага тенг бўлмайди, сабаби омилларнинг иккинчи гуруҳи-солиқ маъмурчилигининг яхшиланиши ҳисобига қўшимча тушган (11 570,3 млрд.сўм) солиқ тушуми туб моҳияти бўйича соф солиқ юкини ифодаламайди, чунки, уларнинг ичидаги аввалги йилларда солиқ тўловчилар зиммасидаги қонуний солиқ юкининг бир қисми сифатида солиқ қарздорлиги бўйича тушумлар ундирилиши аслида 2022 йилги солиқ юкига қўшиш назарий ва мантиқий жиҳатдан тўғри бўлмайди (бу бўйича кейинги бобда муаллифлик илмий ёндошувларимизни келтириб ўтамиз). Бундан ташқари, солиқ тушумлари (солиқ юкининг) камайишига солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини (+индексация) ўзгариши энг катта таъсир қилган, яъни, солиқ юкининг камайишига олиб келганлиги кўриш мумкин бўлиб, унинг умумий миқдори -13 154,1млрд.сўмни ташкил қилган, шунингдек, 2022 йилнинг ўзида солиқ тўловчиларга умумий солиқ имтиёзларининг берилиши ҳисобига солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг -2 074,5 млрд.сўмга камайтирган, шу билан биргаликда аввалги йилларда берилган солиқ имтиёзларининг муддати келганлиги ёки бошқа тартибда тўхтатилганлиги ҳисобига эса 2 735,0 млрд.сўмга солиқ юки ошган, бу аслида бизнинг фикримизча, иқтисодий жиҳатдан умумий солиқ юкининг ошишини билдирамайди, чунки, бу имтиёзлар ҳисобига тегишли солиқ тўловчилар ўзларининг молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб олган бўлади ёки имтиёзларда агар самарали фойдаланилган бўлса, маҳсулот (хизмат кўрсатиш) ҳажмининг ошириш имкониятига эга бўлганлиги ва ушбу имтиёзларнинг тўхтатилиши бошқа томондан уларни бокимандалик кайфиятидан асрашга хам хизмат қилиши мумкин.

**2.2-жадвал**

**2020-2023 йилларда давлат бюджетига ундирилган (келиб тушган) тушумлар доирасида солиқ юкининг  
солиқларни ундирувчи ваколатли органлар кесимида тақсимланиши таҳлили (млрд.сўм)**

№	Тушум тури	2020 йил			2021 йил			2022 йил			2023 йил (прогноз)		
		Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %	Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %	Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %	Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %
I	<b>Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)</b>	<b>602 193</b>	x		<b>734 588</b>	x		<b>902 479</b>	x		<b>1033586</b>	x	
II	<b>Давлат бюджети даромадлари</b>	<b>152777,4</b>	<b>25,4%</b>	<b>100%</b>	<b>190442,3</b>	<b>25,9%</b>	<b>100%</b>	<b>245176,2</b>	<b>27,2%</b>	<b>100%</b>	<b>267024,9</b>	<b>25,8%</b>	<b>100%</b>
	<i>шу жумладан:</i>												
1	Давлат солиқ қўмитаси	123401,0	20,5%	81%	153613,4	20,9%	81%	184476,5	20,4%	75%	196 85,6	19,0%	73%
	<i>шундан, Пенсия жамгармасига ижтимоий солиқ</i>	<i>19 839,4</i>	<i>3,3%</i>		<i>25 642,9</i>	<i>3,5%</i>		<i>31 498,4</i>	<i>3,5%</i>		<i>36 500,0</i>	<i>3,5%</i>	<i>36500,0</i>
2	Давлат божхона қўмитаси	24 708,4	4,1%	16%	33 226,8	4,5%	17%	46 155,2	5,1%	19%	52 187,6	5,0%	20%
3	Молия вазирлиги	4 668,0	0,8%	3%	3 602,1	0,5%	2%	14 544,5	1,6%	6%	18 751,7	1,8%	7%

Солиқ юкини таҳлил қилишда бизнинг фикримизча, давлат бюджетига келиб тушган солиқли тушумлар билан аниқлаш услугубий жиҳатдан тўғри бўлсада, аммо, солиқ юкиниң ҳақиқий ички моҳияти ва унинг тақсимланиши нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиш ўз моҳиятига эгадир. Шу жиҳатдан олганда давлат бюджетига келиб тушадиган тушумларни солиқ оғирлиги жиҳатдан икки гуруҳга бўлиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчиси бу қонунчилик бўйича солиқ тўловчиларнинг зиммасига юклатилган ва солиқ даври бўйича доимо солиқ тўлаш мажбурияти бўйича солиқ юки бўлиб, бу солиқ оғирлиги солиқ тўловчига доимий равишда (агар солиқ режи ўзгармаса ёки солиқ имтиёzlари берилса) солиқ оғирлиги сифатида уларнинг солиқ юкига айланиб боради. Иккинчиси бу қонунчилик бўйича уларга солиқ мажбурияти сифатида юкланмаган яъни, солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ҳатти-ҳаракатлари (масалан маҳсулотларни импорт ёки экспорт қилиши) доирасида ўрнатилган тартибга мувофиқ ундириладиган тўловлар ҳамда солиқ ва бошқа қонунчиликка амал қилмаслиги оқибатида молиявий жарималар сифатидаги тушумлар бу давлат томонидан юклangan солиқ юки деб қараш керак эмас, балким, солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан қўшимча солиқ юки сифатида баҳолаш мумкин бўлган солиқ юкидир.

Юқорида келтирилган 2.2-жадвал маълумотларидан хulosса қилиш мумкинки, солиқ тўловчилар зиммасида ва мажбурий солиқ юки сифатидаги молиявий мажбуриятлар 70-80 фоизни ташкил этаяпти, яъни Далат солиқ қўмитаси томонидан солиқ мажбурияти сифатидаги тушумлар жами бюджет даромадларининг ўртача ана шу фоизни ташкил этмоқда, Далат божхонаси томонидан жами солиқларнинг 16-20 фоизи тўғри келаяптики юқорида айтиб ўтилганидек бу молиявий оғирлик аслида давлатнинг молиявий мажбурияти эмас балки солиқ тўловчининг ҳохишига кўра юзага келадиган (чунки, солиқ тўловчи ўзи ҳоҳлаб божхона операцияларни амалга оширади) молиявий мажбуриятлар бўлиб, буни солиқ юкиниң тақсимланишида эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ўз навбатида Молия вазирлиги томонидан ундирилган

тўловларнинг таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тўловларнинг барчасини ҳам солиқ юки сифатида баҳоланмайди, масалан, давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар, жарималар, конфискациялар тартибидаги тушумларни солиқ тўловчининг зиммасидаги солиқ юки сифатида баҳолаш ўринлидир деб ҳисоблаймиз. Бироқ, давлат мулки иштирокидаги корхоналарнинг соф фойдасидан бюджетга ҳисобланиши лозим бўлган дивидендлар (ажратмалар)ни солиқ юки сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади, шу жиҳатдан солиқ юкининг солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятларини тақсимланишида юқорида қайд этилганларни эътиборга олиш лозим бўлади.

Солиқ юкини давлат бюджети даромадларига нисбатан ҳамда солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан йиллар кесимидағи ўзгаришларни таҳлил қиласиган бўлсак, солиқсиз тўловларсиз 2020 йилда солиқ юки даражаси 25,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда эса унинг даражаси 0,4 пунктга ошиб 25,9 фоиз бўлган, 2022 йилда эса, солиқ юки даражаси бирмунча ошган ҳолда (аввалги йилга нисбатан 1,3 пунктга) 27,2 фоизни ташкил этди. 2023 йилги бюджет кутилмаларига асосан солиқлар бўйича солиқ юки даражаси деярли 2021 йилдаги даражада бўлиши режалаштирилган, яъни, 25,9 фоиз бўлиши кутилмоқда. Солиқ юкининг ЯИМга нисбатан таққослаб аниқланганда албатта ЯИМнинг ўзининг аввалги йилларга нисбатан ўсиш даражаси билан биргаликда таҳлил қилиш зарур бўлади.

Республикамида ЯИМнинг номинал қийматда ҳам таққослама нархларда ҳам ўсиб бориш кузатилмоқда. Албатта таққослама нархларда ҳам ўсиши республикамиздаги инфляциянинг ўртача даражаси (10-11 фоиз)ни эътиборга олган ҳолда ЯИМнинг қўшимча солиқ базасини яратиши ҳам динамик ўсишда эканлигини ҳам эътироф этиш керак. Агар, ЯИМнинг 2020 йилдаги номинал қиймат 602193 млрд.сўм бўлган бўлса, 2021 йилда 734588 млрд.сўм, 2022 йилда эса унинг миқдори 902479 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда 2023 йилда эса, унинг миқдоори 1033586 млрд.сўм бўлиши кутилмоқда.

Агар, Янги Ўзбекистон шароитидаги солиқ юкини камайтиришга қаратилган давлатнинг молиявий сиёсатига эътибор бериладиган бўлса, 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислоҳотларининг реал натижалари доирасида муҳим қадамлар ташланганлигини кўриш мумкин. Республикада адолатли, шаффоф, узоққа мўлжалланган ва халқаро андозаларга жавоб бера оладиган солиқ тизимини яратишга қаратилган солиқ ислоҳотлари иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳамда солиқ тўловчилар учун қулай ва манфаатли эканлигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар фаолиятини солиқ соҳасида кафолатлашнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, янги Солиқ концепцияси, Солиқ кодекси ва 150 дан ортиқ қонун, Фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида 80 дан ортиқ турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди. Солиқ юкини кескин пасайтириш мақсадида Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди.

Товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда олинадиган ажратмалар ҳамда Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (8 фоиз) тўланиши бекор қилинди, мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилди, ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25 фоиздан 12 фоизга туширилиши ҳамда Даромад солиғини ҳисоблашнинг ошиб борувчи шкаласидан (энг юқори ставкаси - 22,5 фоиз) воз кечилиб, қатъий 12 фоизга туширилиши натижасида иш ҳақига солиқ юки қарийб 2 баравар пасайди. Буни бошқа хорижий давлатлар билан солиширилганда масалан, бу кўрсаткичлар Европа давлатлари Швецияда даромад солиғи ставкаси 56,9%, Англияда 20-45%, Данияда 55,6%, Испанияда 45%, ҚҚС ставкаси Дания, Норвегия, Швецияда — 25 %, Финляндияда — 24%, Венгрияда — 27 %, Россия, Беларусь ва Украина — 20 %га тенгdir.

**2.3-жадвал**

**2020-2023 йилларда давлат бюджетига ундирилган (келиб тушган) тушумлар доирасида солик юкининг  
соликларни гурухлари кесимида тақсимланиши таҳлили (млрд.сўм)**

№	Тушум тури	2020 йил			2021 йил			2022 йил			2023 йил (прогноз)		
		Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %	Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %	Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %	Тушум	ЯИМда улуши %	улуш, %
I	<b>Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)</b>	602 193	x		734 588	x		902 479	x		1033586	x	
II	<b>Давлат бюджети даромадлари</b>	152777,4	25,4%	100%	190442,3	25,9%	100%	245176,2	27,2%	100%	267024,9	25,8%	100%
	<i>шу жумладан:</i>												
1	<b>Даромадлардан солик</b>	45 207	7,5%	29,5%	58 930	8,0%	30,9%	66 516	7,4%	27,2%	71 620	6,9%	26,8%
2	<b>Истеъмолдан солик</b>	42 874	7,1%	28,0%	51 526	7,1 %	27%	70 592	7,8%	28,7%	80 218	7,8%	30%
3	<b>Ресурс соликлари</b>	21 276	3,5%	14,0%	23 036	3,1%	12%	24 556	2,7%	10%	26 519	2,6%	10%
4	<b>Бошқа соликлар</b>	43420,4	7,3%	28,5%	56950,3	7,7%	30,1%	83512,2	9,3%	34,1%	88667,9	8,5	33,2

Ўртача даражада ЯИМнинг аввалги йилларга нисбатан сифат кўрсаткич бўйича 5 фоиз атрофида ўсиши кузатилаётган бўлса, миқдорий кўрсаткич бўйича 110-120 млрд.сўмга ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Демак, ЯИМнинг ўсиш суръатлари қўшимча солиқ базасини шакллантириш ҳисобига умумий солиқ юкига ҳам таъсир қилиб бормоқда.

Солиқ юкини таҳлил қилишда яна бир муҳим жараён бу солиқ юкининг солиқлар грухси яъни, даромадлар турлари бўйича тақсимланишини ҳам таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади, шу боисдан юқоридаги 2.3-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиласиган бўлсак, даромадлардан олинадиган солиқлар солиқ грухлари бўйича солиқ юкида энг катта улушни эгалламоқда. Яъни бу солиқлар таркибиға киравчи солиқлар ҳиссасига жами бюджет даромадлари бўйича солиқ юки ўртача 25-30 фоизни ташкил қиласа, ЯИМга нисбатан солиқ юкида эса ўртача 7-8 фоиз атрофида улушга эга бўлмоқда.

Истеъмолдан олинадиган солиқлар грухидаги солиқларнинг солиқ юкидаги улуси ҳам худди даромаддан олинадиган солиқлар сингари жами бюджет даромадлари бўйича солиқ юки ўртача 25-27 фоизни ташкил қиласа, ЯИМга нисбатан солиқ юкида эса ўртача 7-7,5 фоиз атрофида улушга эга бўлган ҳолда, уларнинг ичида энг катта улуш ҚҚС ҳиссасига тўғри келмоқда. Ресурс солиқлар эса юқоридаги солиқ грухларига нисбатан солиқ юкини тақсимланишида камроқ улушга эга. Бу турдаги солиқлар ЯИМга нисбатан ўртача 3 фоиз атрофида солиқ юкини олса, жами бюджет даромадларидағи улуси эса ўртача 12-13 фоизга tengdir.

Бошқа солиқлар деб грухланган солиқ ва солиқсиз манбаларнинг ЯИМ ва жами бюджет даромадлари бўйича солиқ юкини тақсимланишида улуси худди даромадлар грухидаги солиқларнинг улушкига яқинроқдир, бироқ, бу грухдаги солиқлар бўйича солиқ юкини таҳлил қилишда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унинг таркибиға киравчи барча манбалар ҳам мажбурий солиқ аҳамиятига эга бўлмайди, масалан жарималар, давлат мулкидан олинган даромадлар ва конфискациялар шаклидаги даромадларни солиқ юки сифатида

баҳолаш назарий жиҳатдан тўғри эмас, шу жиҳатдан олганда ушбу гуруҳдаги даромад манбалари йиллар кесимида тўз ўзгарувчан бўлади.

2.4-жадвал.

**Ўзбекистон иқтисодиётида иқтисодий индикаторларнинг солик тушумлари (юки)га таъсир таҳлили<sup>49</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2021 йил	2022 йил	Ўсиш		Солик юкига таъсири
					%да	суммада	
	Йирик солик тўловчилар бўйича жами тушум	трлн.сўм	82,2	88,3	107%	6,1	+ 6,1 трлн.сўм
I	<b>Жахон бозорида кимматли метал нархининг ўзариши хисобига</b>	трлн.сўм	38,2	28,8	75%	-9,4	- 9,4 трлн.сўм
	Олтин	долл./тр.унц.	1 785 \$	1 650 \$	92%	-135 \$	- 7,9 трлн.сўм
	Кумуш	долл./тр.унц.	26,1 \$	19,5 \$	75%	-6,6 \$	- 0,3 трлн.сўм
	Мис	долл./тн	8735,3 \$	7806,5 \$	89%	-929,8 \$	- 1,2 трлн.сўм
II	<b>Табиий газ экспорти нархи ва хажмини пасайиши хисобига</b>	трлн.сўм	4,5	10,9	243%	6,4	+ 6,4 трлн.сўм
2.1.	Табиий газ экспорти	долл./МИНГ м <sup>3</sup>	126 \$	126 \$	100%	0 \$	+ 6,4 трлн.сўм
III	<b>Жорий йилда худудлардан ўтган корхоналар хисобига</b>	трлн.сўм	0,0	2,3	100%	2,3	+ 2,3 трлн.сўм
IV	<b>Бошқа корхоналар хисобидан</b>	трлн.сўм	39,5	46,2	117%	6,6	+ 6,6 трлн.сўм

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, солик юки даражасига таъсир этувчи омиллар орасида макроиктисодий омил сифатида нарх омили муҳим саналади.

<sup>49</sup> Давлат солик статистикаси кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Нарх омили бир томондан ички маҳсулотлар орқали таннарх орқали қўшимча солик юки сифатида солик тўловчилар зиммасига ўтиrsa, бошқа томондан материал ва хом ашёларни импорт қилишда уларнинг нархининг ошиши оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига таъсир этиши орқали ҳам солик тўловчининг солик юкининг ошишига таъсир қиласди. Келтирилаётган 2.4-жадвал маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, жахон бозорида қимматли метал нархининг ўзгариши ҳисобига - 9,4 трлн.сўмлик солик юки камайишига олиб келган бўлса (бунда олтин 7,9 трлн.сўм, қумуш 0,3 трлн.сўм, мис 1,2 трлн.сўм) бу давлат бюджетига келию тушиши мумкин бўлган ташқи бозорлар орқали молиявий маблагнинг йўқотилиши оқибатида унинг ўрни ички солик тўловчилар зиммасига солик юкининг қайсиdir соликлар бўйича ошишини англаатади.

Шу жиҳатдан олганда ташқи бозорда миллий бойликларнинг нархининг ошмаслиги ички бозорга хизмат қилаётган солик тўловчиларнинг солик юки ошишига олиб келиши мумкин, албатта бу бир томондан давлатнинг солик сиёсатига боғлиқ бўлса, бошқа томондан бозор қоидалариниг амал қилиши солик тўловчилар ўртасида солик юкининг юкланиши қоидасини келтириб чиқаради. Бу айниқа таъкидланганидек, экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг ташқи бозордаги нархи ички бозордаги даражадан паст бўлган бир шароитда, ички бозорга маҳсулот олиб чиқувчи ва маҳсулот реализацияси ҳисобига кўшилган қиймат солиғи ва фойдасининг ошиши ҳисобига фойда солигининг ошиши оқибатида солик юки уларнинг юкланиш тенденцияси юз беради, албатта бу бозор қоидасидир.

2021 ва 2022 йилларда табиий газ экспорти нархи ва ҳажмини пасайиши ҳисобига республикамиз давлат бюджетига + 6,4 трлн.сўмлик, жорий йилда ҳудудлардан ўтган корхоналар ҳисобига + 2,3 трлн.сўмлик ҳамда бошқа корхоналар ҳисобидан + 6,6 трлн.сўмлик қўшимча солик тушумлари келиб тушган бўлсада, моҳиятан олиб қаралганда солик тўловчилар ўртасидаги солик юкининг биридан бошқасига юкланиши доирасида амал қиласди, ҳуддики, соликларнинг юкланиши тартибида амалга ошади.

**2.5-жадвал**

**2023 йилнинг 1 октябрь-декабрь ойларида табиий газ ҳамда электр энергияси тарифлари бўйича таклифларнинг истеъмолчиларнинг зиммасидаги солиқ юки даражасига таъсири таҳлили<sup>50</sup>**

№	Кўрсаткичлар номи	Амалда (01.10.2023й.-31.12.2023й.)							Янги таъриф (01.10.2023й.дан ошганда)							Фарқи			
		Истеъмол хажми (млрд куб м /млрд кВт·с)	Нарх (сўм)	Ялпи тушум (КҚС ва акциз билан)	Соф тушум	Жами солик	Шундан	Истеъмол хажми (млрд куб м /млрд кВт·с)	Нарх (сўм)	Ялпи тушум (КҚС ва акциз билан)	Соф тушум	Жами солик	Шундан	Жами солик юки	%	КҚС	Акциз	КҚС	Акциз
	<b>Жами:</b>		x	<b>11294</b>	<b>9119</b>	<b>1528</b>	<b>563</b>	<b>965</b>		x	<b>18964</b>	<b>15394</b>	<b>2451</b>	<b>913</b>	<b>1538</b>	<b>923</b>	<b>160</b>	<b>350</b>	<b>573</b>
<b>I</b>	<b>Жами табиий газ</b>	<b>9,527</b>		<b>6 485</b>	<b>4825</b>	<b>1347</b>	<b>382</b>	<b>965</b>			<b>10338</b>	<b>7 692</b>	<b>2148</b>	<b>609</b>	<b>1538</b>	<b>801</b>		<b>227</b>	<b>573</b>
	Ахолига		380							380	1 148	854	238	68	171		100		
	Ишлаб чиқаришга	5,8	1300	4 903	3648	1019	289	730		1 800	8 204	6 104	1704	483	1221	686	167	195	573
<b>II</b>	<b>Жами электр энергия</b>	<b>11,8</b>		<b>4 809</b>	<b>4294</b>	<b>181</b>	<b>181</b>				<b>8 626</b>	<b>7 702</b>	<b>304</b>	<b>304</b>		<b>123</b>	<b>168</b>	<b>123</b>	
	Ахолига	3,4	295	993	886	58	58			295	993	886	58	58			100		
	Ишлаб чиқаришга	8,5	450	3 817	3408	123	123			900	7 633	6 816	245	245		123	200	123	

<sup>50</sup> Давлат статистика агентлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Солиқ юкига таъсир этувчи омиллар орасида нарх омилиниң қанчалик мұхимлигини юқорида таъкидлаш билан биргаликда унинг илмий-амалий аҳамиятини янада чуқурроқ таҳлил қилиш маңносида юқорида көлтирилаётган 2.5-жадвалдаги маълумотлар ҳам табиий газ ҳамда электр энергияси тарифлари бўйича таклифларнинг истеъмолчиларнинг зиммасидаги солиқ юки даражасига таъсирини кўрсатиб турибди. Таҳлиллар кўрсатишида 2023 йилнинг 1 октябрь-декабрь ойларида табиий газ ҳамда электр энергияси тарифларидаги қутилаётган ўзгаришлар солиқ тўловчилар, қолаверса, истеъмолчилар зиммасидаги солиқ юкининг ошишига олиб келиши мумкин. Табиий газ ҳамда электр энергияси бўйича аҳолига етказиб бериладиган қисми бўйича ўзгаришлар бўлмасада, аммо ишлаб чиқарувчиларга етказиб бериладиган табиий газ ҳамда электр энергиясининг нархларидағи ўзгаришлар, яъни амалдаги мос ҳолда 1300 сўмдан 1800 сўмга ва 450 сўмдан 900 сўмга ўзгариши табиий газ бўйича ишлаб чиқарувчилар зиммасидаги солиқ юкини 8,5 млрд куб м истеъмол этилган маҳсулот бўйича 123 млрд.сўмга, электр энергияси бўйича эса, 801 млрд.сўмга (шундан, 227 млрд.сўмлик ҚҚС ва 573 млрд сўмлик акциз солиғи) солиқ юкининг ошишига олиб келиши мумкин.

## 2.6-жадвал

### 2018-2022 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича

**ЯИМни ишлаб чиқариш ҳажми<sup>51</sup>, млрд. сўм**

	2018	2019	2020	2021	2022
<b>ЯИМ</b>	426641,0	532712,5	605514,9	738425,2	888341,7
<i>Шу жумладан:</i>					
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	381065,2	487449,8	561153,43	686432,4	828054,2
Хизматлар	151512,6	192929,1	223049,8	272109,1	343374,3
Маҳсулотларга соғ солиқлар	45575,8	45262,7	44361,5	51992,8	60287,5

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки миллий иқтисодиёт доирасида солиқ юкининг даражасига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми ҳам таъсир

<sup>51</sup> Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


қиласи. Чунки, ЯИМ таркиби тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати ва соғ солиқлардан иборат бўлиб, унинг ҳажми қанчалик ошиб борса, қўшимча солиқ базасининг ҳажмининг ошишига олиб келади, бу эса давлатнинг солиқ сиёсатидаги ҳолатлардан келиб чиқиб давлат бюджетига қўшимча солиқларни пайдо бўлишига олиб келади, ЯИМнинг ички сифат қўрсаткичлари асосида қўпайиши давлатнинг прогрессив солиқ сиёсати амал қилмаган ҳолда солиқ юкининг ошиши бу иқтисодий жиҳатдан нормал ҳолат деб баҳолаш мумкин. Ваҳоланки, нархлар ошиши ҳисобига истеъмол индекси даражасига таъсир этганлиги сингари, ЯИМда ялпи қўшилган қийматнинг ошиши қўшимча солиқ базасини шакллантириб туради. Бу билан боғлиқ жараёнларни кейинги бандларда алоҳида эконометрик таҳлиллар асосида кенгроқ таҳлил қиласиз.

Тадқиқот ишимиznинг мазкур банди бўйича умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, солиқ юкининг даражаси (oshiши ёки камайиши)га қўплаб омиллар таъсир қилиб боради, уларнинг таъсирини тўғри баҳолаш ва унга асосланган ҳолда давлатнинг солиқ сиёсатини белгилаб бориш илмий жиҳатдан ўз моҳиятига эга.

### **2.3. Тармоқлар ва корхоналарда солиқ юкини баҳолаш механизmlарининг таҳлили**

Солиқларни солиқ тўловчилар тўлайдилар, уларнинг зиммасига қонун йўли билан тегишли солиқларни тегишли муддатларда аниқ солиқ объектидан келиб чиқиб давлат бюджетига тўлаб борадилар, бундай тўловларни амалга ошириш уларнинг солиқ юкининг миқдорини ташкил қиласи. Солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкини белгиловчи биринчи омил бу улар тўлаши лозим бўлган солиқ турлари сони бўлса, иккинчи омил белгиланган солиқ турлари бўйича солиқ объектларининг ҳажмидир. Учинчи омил эса, қонунчилик билан солиқ объектининг солиқка тортилиш даражаси, яъни, солиқ объектининг қанчалик қисми ёки қайси солиқ объектларининг солиқка тортилишидир, аслида бу солиқ базасини ташкил қиласи, тўртичнчи омил сифатида солиқ тўловчининг маҳсулот (хизмат қўрсатиш) ишлаб чиқариш жараёнидаги қиласиган харажатлари ва уларнинг унумлилигини келтириш

мумкин, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотилиши жараёни ва унинг ҳажмини бешинчи омил сифатида келтириш мумкин.



## 2.7-расм. Солик тўловчининг солик юкини белгиловчи бирламчи омиллар<sup>52</sup>

Бундан ташқари аввалги бандда таъкидлаб ўтганимиздек, инфляция даражаси ҳам маҳсулот таннархига таъсир этиш орқали солик юки даражасига ҳам таъсир қиласи. Бу қайд этилганлар корхоналарда солик юкининг даражасига бевосита ижобий (камайишига) ёки салбий (ошишига) таъсир қиласи. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, яна шундай омиллар мавжудки, улар солик тўловчининг иқтисодий фаолиятининг натижасида юзага келадиган ва солик юкининг даражасига таъсир қиласи ҳолатлар (кўрсаткичлар) ҳам мавжудки, улар жумласига, масалан, солик қарздорлиги, соликларни яширилганлиги ва бошқа фаолият учун қўлланилган молиявий жарималар, ишлаб чиқариш жараёнида материал ва хом-ашё материалларидан

<sup>52</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

хўжасизларча фойдаланиш, ортиқча энергия сарф харажатлари ҳамда форс-мажор ҳолатларни келтириш мумкинки, улар солиқ тўловчининг солиқ юки даражасини ошишига таъсир қилади.



## 2.8-расм. Солиқ тўловчининг солиқ юкига таъсир қилувчи билвосита (иккиламчи) омиллар<sup>53</sup>

Шу билан бирга шу нарсани ҳам таъкидлаш лозимки, бошқа корхоналар томонидан дебиторлик қарзларини ўз вақтида тўлаб бермаслиги оқибатида солиқ тўловчининг пул маблағларининг етишмаслиги оқибатида солиқ тўловларини кечиктирганлик учун қўшимча тўланган пенялар ҳам солиқ тўловчининг солиқ юкининг ошишига олиб келади, бундан ташқари, давлатнинг солиқ сиёсатида айрим турдаги солиқ ставкаларининг асоссиз солиқ ставкаларининг оширилиши ҳам солиқ юкининг даражасига салбий таъсир қилиши мумкин.

<sup>53</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

## 2.7-жадвал

### Ўзбекистондаги йирик донор солиқ тўловчи тармоқларида солиқ юки даражаси ва унга молиявий омилларнинг таъсири<sup>54</sup> (млрд.сўм)

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2019 йил</b>	<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>	<b>2022 йил</b>
<b>“Ўзбекнефтгаз” тармоғи</b>					
<b>1</b>	Жами даромади	10 095	15 985	14 696	13 321
<b>2</b>	Жами харажати	9 614	11 466	10 865	11 287
<b>3</b>	Соф фойдаси (-зарари)	461	3 293	3 349	1 605
<b>4</b>	Иш ҳаки фонди	729	902	983	1 081
<b>5</b>	Ишчилар сони (нафар)	23 522	18 518	16 912	16 912
<b>6</b>	Харажатга нисбатан рентабеллик (%)	5	29	31	14
<b>7</b>	Бюджетга тўланган солиқлар	3 741	2 289	3 265	4 321
<b>8</b>	<b>Солиқ юки: (%)</b>				
	Даромадга нисбатан	37,0	14,3	22,2	32,4
	Харажатга нисбатан (%)	38,9	19,9	30,0	38,2
<b>“Ўзтрансгаз” тармоғи</b>					
<b>1</b>	Жами даромади	22 293,6	26 841,0	22 877,8	25 075,6
<b>2</b>	Жами харажати	25 416,1	24 528,9	23 638,7	22 974,8
<b>3</b>	Соф фойдаси (-зарари)	-2 048,6	-3 683,9	-2 515,8	-2 100,0
<b>4</b>	Иш ҳаки фонди	22,7	84,0	417,7	459,5
<b>5</b>	Ишчилар сони (нафар)	428,0	6 430,0	6 309,0	98,1
<b>6</b>	Харажатга нисбатан рентабеллик (%)	-8,1	-15,0	-10,6	-9,1
<b>7</b>	Бюджетга тўланган солиқлар	2 791,8	1 369,0	3 241,3	2 818,7
<b>8</b>	<b>Солиқ юки: (%)</b>				
	Даромадга нисбатан	<b>12,5</b>	<b>5,1</b>	<b>14,1</b>	<b>11,5</b>
	Харажатга нисбатан (%)	<b>10,9</b>	<b>5,6</b>	<b>13,7</b>	<b>12,3</b>

Аввалги бандларимизда солиқ юки даражасига таъсир этувчи омилларнинг таъсирчанлик ҳолати бўйича назарий қарашларимизнинг илмий исботи сифатида келтирилаётган-иккита энг йирик солиқ тўловчилар сирасига кирувчи саноат тармоғи мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, бу иккала

<sup>54</sup> Тахлил қилинаётган корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари асосида тузилган.

тармоқда солиқ юки даражаси таҳлил қилинаётган йиллар: 2019-2022 йиллар кесимида турлича бўлган. Жумладан “Ўзбекнефтгаз” тармоғида солиқ юки даражаси 2019 йилда ўртacha 37, фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса кескин камайганлигини яъни, 14,3 фоизни ташкил этганлигини, кейинги йилларда 2021 ва 2022 йилларда мос ҳолда 22,2 ва 32,4 фоизга ошганлиги кўриш мумкин. Бунга асосий сабаб 2020 йилдаги солиқ юкининг аввалги нисбатан камайиши пандемия шароитидаги иқтисодий омиллар бўлса, кейинги йилларда солиқ тўловлари ошган шароитда жами олинган даромадларнинг камайиши содир бўлган. Бу тармоқдаги солиқ юкини агар харажатларга нисбатан таҳлил қилинганда ҳам бунда ҳам худди даромадга нисбатан солиқ юкидаги иқтисодий ҳолат ва унга таъсир этувчи омиллар сабабларида ўхшашликни кўриш мумкин, унинг даражаси даромадга нисбатан даражаси йиллар кесими анчайин юқорилиги кўриш мумкин, чунки, харажатларнинг ўсиш даражаси ҳам йиллар кесимида тез суръатларда ошиб борган.

Энди солиқ юкини иқтисодиёт тармоқларидағи ҳолатни яна бир йирик тармоқлардан бири “Ўзтрансгаз” тармоғи мисолида таққосий таҳлил қиласиган бўлсак, ушбу тармоқ корхоналарида ҳам худди “Ўзбекнефтгаз” тармоғидаги каби даромадга нисбатан солиқ юкига нисбатан йиллар кесимида солиқ юки даражаси ўзгариб борган. Даромадга нисбатан солиқ юки 2019 йилда 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда кескин камайган ҳолда 5,1 фоизни, 2022 яқунлари бўйича эса 11,5 фоизни ташкил қилган. Харажатларга нисбатан ҳам солиқ юкида шундай нотекисликни кўриш мумкин. Бироқ, бу иккала тармоқдаги солиқ юкини ўзаро солиштирилганда “Ўзбекнефтгаз” тармоғидаги солиқ юки “Ўзбекнефтгаз” тармоғидагига нисбатан анчайин пастлиги (ўртacha, 2-2,5 баробарга)ни кўриш мумкин. Бунга асосий сабаб гарчи иккала тармоқда бюджетга тўланган солиқлар миқдори кўп фарқланмасада, “Ўзтрансгаз” тармоғидаги жам даромад миқдори “Ўзбекнефтгаз” тармоғидагига қараганда қарийиб икки мартаға юқорилиги билан изоҳланади.

## 2.8-жадвал

### "Олмалиқ КМК" АЖда айланма омилининг ҚҚС ва бошқа солиқлар бўйича солиқ юки ҳажмига аъсири таҳлили<sup>55</sup> (млрд.сўм)

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2020 йил</b>	<b>2021 йил</b>	<b>2022 йил</b>
<b>1</b>	Жами даромади	25 924,8	19 097,7	22 540,5
<b>2</b>	Жами харажати	16 780,1	12 505,6	15 686,5
<b>3</b>	Соф фойдаси (- зарари)	5 359,9	4 172,3	6 717,4
<b>4</b>	<b>ҚҚС айланмаси:</b>	<b>31 086,3</b>	<b>22 943,9</b>	<b>28 378,3</b>
	солиқка тортиладиган айланма	7 202,4	5 112,5	7 473,7
	имтиёзли айланма	9,2	6,5	798,6
	нол даражали айланма	23 874,7	17 824,8	20 105,9
	Ишчилар сони (нафар)	38 072,0	38 059	35 422
	Бюджетга тўланган солиқлар	13 012,5	9 597,2	12 009,7
	Шу жумладан ҚҚС	108,7	67,0	143,3
	реализациядан хисобланган ҚҚС	1 080,4	766,9	1 141,7
	хисобга олинган ҚҚС	971,6	699,9	963,4
	хисоб рақамга қайтарилиган ҚҚС	84,4	44,4	33,5
	<b>Солиқ юки: (%)</b>			
	Даромадга нисбатан	50,2	50,2	53,2
	Соф фойдага нисбатан (%)	242,7	232,0	178,8
	ҚҚС бўйича	61,7	41,8	17,7
	реализациядан хисобланган ҚҚС бўйича	15,1	1,3	1,9

Назарий жиҳатдан олганда солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг умумий даражасига жами айланмаси ва уларнинг ҚҚСга тортилиш

<sup>55</sup> Таҳлил килинаётган "Олмалиқ КМК" АЖ нинг молиявий кўрсаткичлари ва Далват солиқ қўмитаси маълумотлари асосида хисоблаб чиқилган.

даражаси катта таъсир кучига эга. Бу жараённи республикамизда энг йирик солиқ тўловчи ҳамда умумий солиқ юкининг қарийиб 9 фоизини ўз зиммасига олган "Олмалиқ КМК" АЖ мисолида таҳлил қилишни лозим деб топдик. Мазкур корхонанинг 2020-2023 йиллардаги умумий солиқ юки даражасига қарайдиган бўлсак, ўртacha 51 фоиз атрофида мавжуд бўлмоқда, бу умумий белгиланган солиқ юки (30-35) даражасида ўртacha 70-80 фоизга кўп деганидир. Корхонада солиқ юки соф фойдага нисбатан 170-200 фоизни, ҚҚСга нисбатан ўртacha 40 фоизни, реализацияга тортилган айланма (маҳсулот) бўйича қараладиган бўлса, ҚҚС кесимида ўртacha 9-11 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича солиқ юкининг пастлиги агар, жадвалга қарайдиган бўлсак, корхонада нол даражали айланма ҳажми жами айланманинг 1/3 қисмини ташкил этмоқда, бундан ташқари солиқقا тортилмайдиган айланма ҳажмини ҳам эътиборга олиш талаб этилади.

Шу ерда республикамизда солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкини камайтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг охирги етти йилликдаги ҳолатга бир эътибор берадиган бўлсак, республикамизда сўнги йилларда солиқ ислоҳотларига алоҳида эътибор қаратилиб, солиқ органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тенденцияси мунтазам амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, мазкур йўналишда 20 дан ортиқ меъёрий хужжатлар янгидан жорий этилди, 30 дан ортиғига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентизнинг 2017 йил 29 декабрдаги қарорлари билан 2018 йил 1 январдан солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш юзасидан бир қатор янгиликлар жорий этилди. Жумладан, фойда ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари бирлаштирилиб, солиқ ставкасини амалдаги 15,5 фоиз ўрнига 14 фоиз қилиб белгиланди ҳамда чегириладиган харажатлар таркиби кенгайтирилди, доимий муассаса орқали фаолият юритадиган норезидентлар учун соф фойдадан 10 фоиз миқдорида

солиқ бекор қилинди. Бунда, тадбиркорлик субъектларининг 70 млрд.сўм маблағлари тежалди.

Давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар бирлаштирилиши ва умумий ставканинг 3,2 фоиз қилиб белгилашниши муносабати билан тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 411 млрд.сўм маблағ, жисмоний шахсларнинг даромад солиги бўйича учинчи ва тўртинчи шкаладаги ставкалари 0,5 фоизга пасайтирилиши хисобига жисмоний шахслар ихтиёрида 92 млрд.сўм маблағ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртacha 30 фоизга пасайтирилиши ва тадбиркорлик субъектларини фаолият кўрсатаётган жойига қараб табақалаштириш кенгайтирилиши натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 86 млрд.сўм маблағ, юридик шахслар учун мол-мулк солиги объектидан кўчар мулклар чиқарилиб, унинг хисобига тадбиркорлик субъектларининг 236 млрд.сўм маблағи тежалди.

Солиқ юкини баҳолашда хориждаги ўз ижобий томонини кўрсатган “Ишончлилик индекси”га мувофиқликга асосланган солиқ сиёсатини амалга оширишда муҳим қадам бўлади. Солиқ ислоҳотлар бошидан асосий эътибор солиқ юкини пасайтириш ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай бўлган teng рақобат шароитини яратишга қаратилиб, бунга ўз навбатида бизнес субъектлари ҳам фаоллик билан жавоб бермоқда.

*Тадбиркорлик субъектларига енгилликлар яратилиши ва уларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:*

- тадбиркорлик субъектларига заарларни жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда 10 йил мобайнида келгусига ўтказиш бўйича чекловлар бекор қилинди;
- қўшилган қиймат солигининг салбий суммасини ўрнини қоплаш (қайтариш) учун солиқ органларига ариза билан алоҳида мурожаат қилиш ҳақидаги мажбурий талаб бекор қилинди;
- охирги бир йил давомида валюта тушумларини ўз вақтида таъминлаб келаётган ва экспорт шартномалари бўйича муддати ўтган дебитор

қарздорлиги бўлмаган интизомли солиқ тўловчиларга экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) ҚҚС суммасини солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварафига чет эл валютаси тушуми келиб тушишидан қатъи назар ҳисобга олиш тартиби белгиланди;

- геология-қидирав ва (ёки) қидирав ишлари учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи солиқ солиш объектидан чиқариб ташланди;
- автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йифим бекор қилинди;
- умумий овқатланиш корхоналарига солиқ органларини хабардор қилган ҳолда айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 15 август ҳолатига мавжуд қарздорликни, шунингдек, барча солиқлар бўйича жарима ва пеняларни 2022 йил 1 январдан 1 июлга қадар фоизларни ундирамасдан тенг миқдорларда кечикириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилди;
- тадбиркорлик субъектларига (*бундан давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналар, ер қаъридан фойдаланувчилар ва акциз ости маҳсулотлари ишилаб чиқарувчилар мустасно*) умумий майдони 1 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган ер участкаларига ва (ёки) бино ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишда қўлга киритганда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган солиқларни тўлашни олти ой муддатга кечикириш ҳуқуқи берилди;
- хорижий валютадаги тушумни кечикириш ҳолати учун қўлланиладиган молиявий жарима миқдори 2 бараварга камайтирилди;
- касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун маъмурий жарима қўллаш бекор қилинди;
- дебитор ва кредитор қарздорликлар муддатини ўтказиб юборганлик учун маъмурий жарима қўллаш бекор қилинди;

- бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган майдонлари ва улар жойлашган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинди;
- ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат касса техника чекларида олинган товарлар номенклатурасида мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттирганлик учун молиявий жарима қўлланилмайдиган бўлди;
- норуда фойдали қазилмалар бўйича солиқ ставкаси ўртача икки бараварга камайтирилди;
- цемент ишлаб чиқарувчилар учун ер қаъридан фойдаланганлик солиқ ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди;
- Уяли алоқа компанияларига акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизгача, полиэтилен гранулалари акциз солиғи 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилди ва транзит табиий газ учун 20 фоизли акциз солиқ ставкаси бекор қилинди;
- хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар кўриш мақсадида, 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача кўплаб туман (шаҳар)даги чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона, автотранспорт, компьютер бошқа хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субектлар учун ижтимоий солиқ ставкаси ва айланмадан олинадиган солиқ 1 фоиз этиб белгиланди.

Бу каби сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлашнинг янги тизимларининг жорий этилиши, бизнесга солиқ юкини пасайтирилиши ҳамда янги иқтисодий инструментлар жорий қилиниши, пировард натижада – тадбиркорлик субъектларининг фаоллигини ошиши ҳамда “яшовчанлиги” яхшиланишига замин яратди.

Таъкидлаш керакки, қўшилган қиймат солиғи солиқ тўловчилар зиммасидаги энг катта солиқ юки сифатида тушади, ушбу солиқ тури бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича тушумлар 2022 йилда 52,2 трлн.сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 13,8 трлн.сўмга ёки 35,8%га ошди.

2022 йилда ҚҚС бўйича давлат бюджетига солиқ органлари томонидан 32,8 трлн.сўм (2021 йилга нисбатан 28,3%га кўпроқ), божхона органлари томонидан 38,7 трлн.сўм (2021 йилга нисбатан 41,8%га кўпроқ) ундирилди. ҚҚСнинг 44 фоизи саноат тармоқларига, 18 фоизи қурилиш ташкилотларига, 13 фоизи улгуржи ва чакана савдо корхоналарига тўғри келмоқда.

2022 йил 1 апрелдан жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар (*бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спорт хизматлари бундан мустасно*) ҳамда банк муассасалари учун қиймати қатъий суммада белгиланган банк операциялари бўйича ҚҚСдан имтиёзлар бекор қилинди. Бунинг натижасида давлат бюджетига 2022 йилда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари томонидан 51,9 млрд.сўм ва тижорат банклари томонидан қатъий белгиланган суммада кўрсатиладиган банк операциялари бўйича 292 млрд.сўм ҚҚС тўланди.

ҚҚС суммасининг ҳисобланган солиқ суммасидан ошиши натижасида юзага келадиган солиқ ўрнини қоплаш тартиби ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда. ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 2022 йил давомида 6 509 та тадбиркорлик субъектларига 19,3 трлн.сўм миқдорида маблағлар қайтарили (ҚҚС тушумларига нисбатан 27%). Солишириш учун, 2021 йилда ушбу мақсадларда жами 14,4 трлн.сўм, 2020 йилда 9 трлн.сўм маблағлар солиқ тўловчиларга қайтарилиган. Қоплашнинг умумий суммасидан 11,2 трлн.сўм ёки 58,2%и 100 та тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келадики мазмунан олиб қаралганда манфий фарқнинг солиқ тўловчига қайтарилиши бошқа яхши фаолият кўрсатувчи корхоналар ҳисобидан бошқа корхоналарнинг фаолиятини яхшилаб мақсадида уларга солиқ юкини бирмунча бўлсада камайтириш бўлиб, аслини олганда бу солиқларнинг адолатлилик тамойилига унчалик тўғри келмайди. 2023 йилда мазкур солиқ бўйича солиқ ставкасининг 15 фоиздан 12 фоизга туширилиши солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини 14 трлн.сўмдан ортиқ миқдорга камайтирган бўлиб, бу миқдордаги

солиқ юкининг камайишига ҳисобига давлат бюджетининг молиявий йўқотилиши асосан айрим солиқ имтиёзларини бекор қилиш ва хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш орқали қопланиши режалаштирилган, демак, давлатнинг солиқ сиёсати орқали қайсиdir солиқ тури бўйича солиқ ставкасини камайтириш ёки солиқ имтиёзларини бериш асносидаги солиқ юкини оптималлаштириш бошқа солиқ турлари бўйича солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқишига ундейди.

Мутахассисларнинг фикрича, «ушбу солиқ товарлар/хизматлар нархига киритилгани сабабли ҚҚС номинал ставкасининг 15 фоиздан 12 фоизгача туширилиши иқтисодиётнинг реал секторида нархлар пасайишига олиб келади. “Харажатлар-ишлаб чиқариш” нарх моделидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, бундай пасайиш 0,81 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, нархлар умумий индексининг 0,8 фоиз пунктга пасайиши солиқ тушумлари бўйича йўқотишлар (ҚҚС тушумларининг 20 фоизга ёки бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳисобга олмаганда барча солиқ тушумларининг 4,7 фоизга камайиши) учун компенсация бўлади. Нархлар пасайишига қайта ишлаш саноати (39 фоиз), қурилиш (14 фоиз) ва улгуржи ва чакана савдо (10 фоиз) тармоқлари энг катта ҳисса қўшади, яъни ушбу учта тармоқ улушига умумий нархлар пасайишининг деярли 2/3 қисми тўғри келади. Солиқ солиши тизимидағи тез-тез ўзгариши оптимал эмас. Аммо ҚҚСнинг табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш масаласини кўриб чиқадиган бўлсак, у ўзини оқламаган солиқ имтиёзларининг аксариятини бекор қилган ҳолда амалга оширилиши зарур. Бунда тайёр маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши қанча юқори бўлса, ҚҚС ставкаси ҳам шунча паст бўлиши керак. Бу эса корхоналарга янги технологиялар ва инновацияларни жорий этиш, қўшилган қиймат улушкини ошириш ва тез ўсиб бораётган солиқ юки шаклида катта харажатларга йўл қўймасликда ёрдам беради»<sup>56</sup>.

---

<sup>56</sup> <https://m.kun.uz/news/2023/01/10/qqs-stavkasi-15-foizdan-12-foizga-pasaytirildi-bu-narxlarni-arzonlashtiradimi>

## 2.9-жадвал

### Солик тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятининг натижаларининг улар зиммасидаги солик юкига боғлиқлиги таҳлили<sup>57</sup> (млрд.сўм)

№	Солик тўловчи номи	Даромад			Харажат			Фойда солиги тўлангунга қадар фойда (зарар)			Тўланган солик миқдори			Солик юки (%)
		2020	2021	2022	2020	2021	2022	2020	2021	2022	2020	2021	2022	
1	"JIZZAX NEFT BAZA" MCHJ	166	285	137	182	328	149	-17	-43	-12	7,8	24,3	10	<b>7,2</b>
2	"YANGI ANGREN ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI" AJ	1 552	1 560	1 819	1 770	1 810	2 044	-218	-250	-225	60,4	65,7	54	<b>3,0</b>
3	"ERIELL OFSME DMCC - 0173" DM	123	322	439	111	265	536	13	57	-97	0,0	1,1	18	<b>16,2</b>
4	"ENTER ENGINEERING" SHGXK" DM	1 179	84	32	222	215	87	957	-131	-55	0,0	1,8	2	<b>6,2</b>
5	"ERIELL OFSME DMCC" DM	419	338	442	666	570	489	-247	-231	-47	0,0	3,8	4	<b>0,9</b>
6	"KO'PRIKQURILISHBUTLASH" UK	138	120	68	137	125	90	0	-6	-22	0,0	13,7	7	<b>10,2</b>
7	"ENTER ENGINEERING PTE.LTD." DM		0	1 209		78	1 217		-77	-7	0,0	0,0	35	<b>2,9</b>
8	"TBC BANK" ATB	10	61	384	31	198	505	-21	-136	-116	4,9	19,7	25,8	<b>6,7</b>
9	"DURABLE BETON" MCHJ	531	675	503	530	672	518	1	3	-16	22,6	23,4	15,1	<b>3,0</b>

Мазкур жадвал асосида шуни илмий жиҳатдан асослаш мумкинки, солик тўловчиларнинг фаолиятининг натижавий кўрсаткичлари бўлган фойда ёки зарари бу бир томондан давлат бюджети манфаатлари учун салбий ҳолат бўлиб кўринсада, юқорида таҳлил қилинаётган корхоналар мисолидагидек, улар 2020-2022 йилларда фаолияти зарар билан яқунланган бўлсада, унинг улар зиммасидаги солик юкига таъсири бюджет зарари ҳисобига паст бўлганлигини кўриш мумкин.

<sup>57</sup> Таҳлил қилинаётган "Олмалиқ КМК" АЖ нинг молиявий кўрсаткичлари ва Солик кўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бу ҳолат асосан фойда солиғида қўпроқ қўринади, сабаби фойда солигининг солиқ базаси солиққа тортилгунга қадар фойдадан бошланади ва унга чегирилмайдиган харажатларни қўшиш ҳамда солиқ имтиёзларини чегириш орқали аниқланади. Бошқа солиқлар масалан, ҚҚС эса реализациядан келиб чиқиб тўланадики, бу корхоналарда бўлгани каби фаолиятнинг зарар кўриши зарарни кейинги давларга ўтказиш хукуқидан фойдаланиш асосида улар зиммасидаги солиқ юки камайган бўлиши мумкин, аммо, кейинги йилларда эса, солиқ юки даражаси ошиши табиий, сабаби қўрилган зарарни қоплаш муддати келганда тегишли солиқни қўшиб тўлайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкига корхонанинг иқтисодий фаолияти муҳим саналади.

## 2.10-жадвал

### Солиқ тўловчилар кесимида солиқ юки даражасига солиқ имтиёзларининг таъсири таҳлили<sup>58</sup> (млрд.сўм)

№	Корхоналар	Имтиёзлар			Тўланган солиқлар		
		2020	2021	2022	2020	2021	2022
1	ТИФ "Узмиллий банк" АЖ	396, 4	350, 6	786, 2	192, 0	193, 2	348, 3
2	"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ	451, 6	797, 2	631, 3	13012,5	9 597,2	12 009,7
3	"Агробанк" АТБ	221, 4	357, 6	529, 0	75, 3	165, 0	226, 0
4	UZ-KOR GAS CHEMICAL"МЧЖ ҚҚ	582, 9	556, 4	407, 9	317, 8	532, 6	586, 5
5	"Узбекистон темир йўллари" АЖ	67, 5	15, 0	292, 6	9, 3	14, 6	97, 8
6	"Навоийазот" АЖ	1, 7	3, 1	73, 3	38, 4	168, 4	399, 0
7	"Узнефтгаз" АЖ	10, 599	55, 476	24, 257	2 289,0	3 265,0	4 321,0
8	"Кафолат суғурта компанияси" АЖ	2, 2	3, 4	15, 9	2, 8	1, 9	6, 5
9	"Қурилиш универсал компакт сервис" МЧЖ	36, 2	10, 8	12, 9	7, 8	18, 3	27, 2
10	"Максам-Чирчик" АЖ ҚҚ	124, 4	131, 5	165, 3	124, 4	131, 5	165, 3

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини таҳлил қилишда албатта уларга давлатнинг солиқ сиёсати орқали берилган солиқ имтиёзлари даражаси билан

<sup>58</sup> Таҳлил қилинаётган "Олмалиқ КМК" АЖ нинг молиявий кўрсаткичлари ва Далат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида хисоблаб чиқилган.

боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш лозим бўлади. Чунки, биринчидан, солик имтиёzlари гарчи соликларнинг рағбатлантириш хусусиятини ифодаласада, солик тўловчиларнинг иқтисодий манфаатларига мос келганлиги сабабли унга интилиш доимо юқори бўлади ва бу соликларнинг адолатлилик тамойилига зидликни келтириб чиқарали, иккинчидан, солик имтиёzlарига teng суммага бюджетда молиявий йўқотиш ҳисобига қайсиdir ижтимоий хизматлар молиялаштирилмай қолинишига олиб келади, учинчидан, бир тармоққа ёки танланган солик тўловчилар гурӯхига солик имтиёzlар берилиши, бошқа бир тармоқ ёки солик тўловчи зиммасидаги солик юкининг ошишига олиб келиши мумкин, тўртинчидан, солик имтиёzlаридан самарали фойдаланиш муаммоси жуда мавҳум бўлиб, агар, имтиёzlар самарали фойдаланилган ҳолда солик юкининг адолатли тақсимланганлигини ифодалайди, аксинча ҳолатда эса, икки томомлама салбий таъсирга: яъни, давлат бюджетига ҳамда бошқа бир солик тўловчининг манфаатларига зид ҳолат юзага келади, шу билан биргаликда эса, қайсиdir солик тўловчida боқимандаликни келтириб чиқаради, бешинчидан, солик имтиёzlари аксарият ҳолатларда солик тўловчиларда соликдан қочиш жараёнларини келтириб чиқшига муҳим омил бўлиб хизмат қиласди, бу ҳолатни эса, солик имтиёzlари ва солик юки ўртасидаги ўзаро коррелацион боғлиқни эътиборга олиб солик сиёsatини юритиш ва шу орқали солик юкини оптimal тақсимлашни таъминлаш мақсадга мувоғик бўлади.

Бу фикримизни юқорида келтирилган 2.10-жадвал маълумотлари асосида солик тўловчилар кесимида солик юки даражасига солик имтиёzlарининг таъсири таҳлилида ҳам кўриш мумкин. Масалан олайлик Ўзбекистон темир йўллари" АЖга 2020 йилда 67,5 млрд.сўмлик, 2021 йилда 15,0 млрд.сўмлик ва 2022 йилда 292,6 млрд.сўмлик солик имтиёzlари берилган ҳолда ушбу акционерлик жамият тарафидан 2020 йилда 9,3 млрд, сўмни 2021 йилда 14,6 млрд, сўмни 2022 йилда эса 87,8 млрд.сўмлик солик тўловлари тўланган, ваҳоланки, бу тармоққа берилган солик имтиёzlари эса тўланган соликларига нисбатан катта фарқни ташкил қиласди, бу эса, бу тармоққа

нисбатан солиқ юкининг даражаси оптималликдан узоқлашиб қолганлигини билдиради. Иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, соликларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ тизимиға замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва шу каби муҳим йўналишларни ўз ичига олган Ўзбекистон республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга хизмат қилди. Биз буни айрим солиқ тўловчиларнинг фаолияти мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз.

## 2.11-жадвал.

### **Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши натижасида фаолият тури ишлаб чиқариш товар айланмаси 1 млрд.сўмдан кам бўлган солиқ тўловчиларда солиқ юкининг ўзгариши таҳлили (Янгийўл туманида жойлашган “SHOXJAXON NUR” МЧЖ мисолида) (млн.сўм)<sup>59</sup>**

№	Солиқ турлари	Амалдаги ҳолат			Янги солиқ концепциясига мувофиқ			Фарқи (солиқ юкига таъсири)
		Солиқ солинадиган база	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси	Солиқ солинадиган база	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси	
1	Ягона ижтимоий тўлов	19,8	0,15	2,97	0	0	0	-2,97
2	Суғурта бадали	19,8	0,08	1,58	0	0	0	-1,58
3	Даромад солиғи	19,8	7,5%-23%	3,36	19,8	12	2,37	-0,99
4	Ягона солиқ тўлови	901,1	0,05	45,055	901,1	0,05	45,055	0
5	Жами солиқ юки	xxx	xxx	50,409	xxx	xxx	50,005	-5,54

Фаолият тури ишлаб чиқариш товар айланмаси 1 млрд.сўмдан кам бўлган Янгийўл туманида жойлашган “SHOXJAXON NUR” МЧЖ корхонаси

<sup>59</sup> Солиқ тўловчи солиқ ҳисоботлари асосида тузилган.

Ўзбекистон республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилинишидан кейинги амалда тўлаб келаётган солиқ турлари бўйича, жумладан, ягона ижтимоий тўлов бўйича--2,97 млн.сўм, суғурта бадали бўйича --1,58 млн.сўм, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича-0,99 млн.сўм солиқ юки камайган ҳолда умумий ҳолда -5,54 млн.сўмга солиқ юки камайганлигини кўриш мумкин. Бу жадвалдан яна бир нарсани кўриш мумкинки, мазкур солиқ тўловчи корхона 2017 йилгача тўлаб келган солиқ турлари бўйича умумий солиқ юки суммаси ва солиқ сиёсати концепциясининг қабул қилиниши натижасидаги солиқ юки сўммаси 5,54 млн.сўмган камайган ва бу аксарият солиқ тўловчи ҳисобланган корхоналарга камайиш ҳолатида таъсир қилган.

2.12-жадвал.

**Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши натижасида фаолият тури улгуржи савдо бўлган товар айланмаси 1 млрд.сўмдан кам бўлган солиқ тўловчиларда солиқ юкининг ўзгариши таҳлили (Юнусобод туманида жойлашган "KERUI PETROLEUM ENGINEERING AND EQUIPMENT" корхонаси мисолида) (млн.сўм)<sup>60</sup>**

№	Солиқ турлари	Амалдаги ҳолат (2019 йилгача)			Янги солиқ концепциясига мувофиқ			Фарқи (солиқ юкига таъсири)
		Солиқ солинадиган база	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси	Солиқ солинадиган база	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси	
1	Ягона ижтимоий тўлов	202,4	0,15	30,36	0	0	0	-30,36
2	Суғурта бадали	202,4	0,08	16,192	0	0	0	-16,192
3	Даромад солиғи	202,4	7,5%-23%	34,4	202,4	0,12	24,2	-10,2
4	Ягона солиқ тўлови	822,3	0,05	41,115	822,3	0,05	41,115	0
5	Жами солиқ юки	xxx	xxx	113,767	xxx	xxx	102,615	-56,7

Аввалги жадвалда (2.11-жадвалга қаранг) биз ишлаб чиқариш тармоғидаги корхона мисолида солиқ юкининг оптималлашувини таҳлил

<sup>60</sup> Солиқ тўловчи солиқ ҳисоботлари асосида тузилган.

қилган әдик. Келтирилаётган мазкур 2.12-жадвалда эса, улгуржи савдо корхонаси бўлган ва товар айланмаси 1 млрд.сўмдан кам бўлган Юнусобод туманида жойлашган “KERUI PETROLEUM ENGINEERING AND EQUIPMENT” корхонаси мисолида солиқ концепцияси қабул қилиниши ва унинг қабул қилиниши натижасида солиқ тўловчи фаолиятига солиқ юкининг ошганлиги ёки камайганлигини таҳлил қиласиган бўлсак, ушбу корхонада ҳам солиқ мажбурияти сифатида тўлаб келаётган айrim солиқлар масалан, ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари сифатидаги тўловларнинг бекор қилиниши ҳисобига солиқ тўловчининг солиқ юки 46,552 млн.сўмга (-30,36+-16,192) сўмга камайган ҳолда, умумий солиқ юкининг камайиши эса, -56,7 млн.сўмга teng бўлган.

Ушбу иккита корхона мисолида республикамиизда солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптмаллаштиришга қаратилган солиқ сиёсатидан асосий мақсад бу- солиқ юкини кескин қисқартириш, энг аввало, меҳнатга нисбатан ва солиққа тортишнинг умумий режими ўрнатилган корхоналарга нисбатан солиқ юкини камайтириш, кичик ва йирик бизнес ўртасидаги солиқ юки фарқларини барқарорлаштириш, солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибларини, шунингдек муддатларини соддалаштириш, солиқлар сонини қисқартириш, оборотдан олинадиган солиқлар, жумладан ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларни бекор қилиш, меҳнатга жорий этилган солиқларни битта солиққа бирлаштириш ва меҳнатга солиқ юкламасини камайтириш орқали солиқ юкини камайтириб боришга эришиш белгиланган.

**“SHAXLO BONU BARAKA” МЧЖ Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби<sup>61</sup> (млн.сўм). 2.13-жадвал**

Давр	Тайёр маҳсулотлар номи	Жами				Казиб олиш хажми, т.күб. М	Натурада ифодалантган сотиш хажми (т, куб. м)	Реализация хажми	Солик олиниади зан база	шу жумладан	Ставка %	Ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳисобланган солик суммаси
		сотиш учун	шумлада н	ўз эҳтиёжи учун	ўз эҳтиёжи учун							
2018 йил	Шағал	16585	16585		16 585	79046501	4 766	-	79 046 432	79 046 432	-	5,0 3 952 322
Жами		16 585	16585	-	16 585	79046501	4 766	-	79 046 432	79 046 432	-	<b>3 952 322</b>

2021 йил	Шағал	16 585	16585	-	16 585	580475 000	35 000	-	580475000	580 475 000	-	5,0 29023750
Жами		16 585	16 85	-	16 585	580475 000	35 000	-	580475000	580 475 000	-	<b>29023 750</b>

2021 йил	Шағал	Фарқи (+;-)			16 585	580475 000	35 000	-	580475000	580 475 000	-	5,0 29023750
Жами		-	-	-	-	501428 499	30 234	-	501428499	501 428 499	-	<b>25 714 28</b>

<sup>61</sup> Солик тўловчи солик ҳисоботлари асосида тузилган.

Қайд этиш жоизки, солиқ юкини оптималлашувини таҳлил қилиш асосида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини тўғри белгилаш давлат солиқ сиёсатининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида ҳам бу борадаги дастлабки муаммолардан бири сифатида “умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги”<sup>62</sup> га алоҳида эътибор қаратилган бўлса, шу билан бир қаторда “иктисодиётга солиқ юкиниң даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш”<sup>63</sup> масаласи ҳам бу борадаги муҳим устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Шу билан биргаликда солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини таҳлили шуни ҳам англатадики, солиқ концепцияси доирасида солиққа тортиш бир томондан солиқ юкини камайтиришга хизмат қилаётган бўлса, бошқа томондан солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятининг натижаларига қараб солиқ тўловчининг солиқ юкига таъсир қилишини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Юқорида 2.13-жадвалда келтирилаётган “SHAXLO BONU BARAKA” МЧЖ Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби шуни кўрсатмоқдаки, солиқ тўловчи бир турдаги (шагал) маҳсулотига нисбатан солиқ ставкаси ўзгармаган ҳолда солиқ тўловчининг бир бирлик маҳсулотни сотиш қийматининг ошириши ҳисобига 25 714 28 млн.сўмлик қўшимча солиқ суммасининг ошишига олиб келган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкиниң ошиши ҳамма вақт ҳам давлатнинг солиқ сиёсати билан боғлиқ бўлмайди.

<sup>62</sup>Ўзбекистон республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси. <https://lex.uz/docs/3802378>.

<sup>63</sup>Ўша манба.

Диссертацион тадқиқот иши мизнинг мазкур банди бўйича амалга оширган илмий таҳлилларимизга умумий хулоса сифатида тъкидлаш мумкинки, солик тўловчилар зими масидаги солик юки нафақат давлатнинг солик сиёсатининг тактик йўналишлари, шу билан биргаликда солик тўловчининг иқтисодий фаолияти ҳамда бошқа социал-иқтисодий муносабатлар ҳам таъсир қиласди. Фикримизча, солик юкига оид давлат сиёсатини шакллантиришда ана шу нарса эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

## **2-боб бўйича хулоса**

Солик юки молиявий юкни баҳолашга ёрдам беради. Шунингдек, у солик тизимишинг самарадорлигини таҳлил қилиш, солик сиёсатининг ижтимоий ва иқтисодий таъсирини баҳолаш ва турли солик тўловчилар гурухлари ёки мамлакатларидаги солик юкларини солиштириш учун фойдали бўлиши мумкин. Солик юкини аниқлаш ва уни баҳолаш билан боғлиқ бизгача бўлган амалга оширилган илмий тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб бир қатор илмий хулосалар қилишга имкон туғилди:

*биринчидан*, солик юкини аниқлашдаги дастлабки ёндошувлар асосан классик иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган бўлиб, бунда солик юкини аниқлаш давлатнинг солик сиёсатининг ўзагини, яъни солиқларни жорий қилиш ва уларнинг микдорини белгилаш билан бир қаторда ифодаланган;

*иккинчидан*, илмий тадқиқотларда солик юкини макро, мезо, микро даражада аниқлаш билан боғлиқ услубиётларга кенг эътибор берила бошланди, бунда ўзига хос услубиётлар ишлаб чиқила бошланди;

*учинчидан*, солик юкини солик турлари кесимида аниқлаш орқали унинг макро ва микро даражадаги ҳолати билан боғлиқ аниқлаш билан боғлиқ услубиётлар ҳам анчайин ривожланди;

*тўртинчидан*, солик юкининг ўзини ички моҳиятига кўра мутлоқ ва нисбий шаклда аниқлаш билан боғлиқ илмий услубиётлар пайдо бўлди ва кейинги тадқиқотларда бу борада кенгроқ эътибор берила бошланди;

бешинчидан, маҳаллий олимларимиз томонидан ҳам солиқ юкини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар кейинги вақтда анчайин қўпайиши билан бир қаторда асосий ургу солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини баҳолашга оид илмий тадқиқотлар устуворлик касб этмоқда. солиқ юкига бевосита таъсир этувчи молиявий-солиқ инструментлари сифатида солиқ ставкаси, солиқ имтиёzlари, солиқ преференциялари, солиқ обьекти ва солиқ базаси кабилар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу омилларнинг таъсирини белгилаш эса икки хил тартибда амалга оширилади. Яъни, биринчи учала омиллар: солиқ ставкаси, солиқ имтиёzlари, солиқ преференциялари давлатнинг молиявий-солиқ сиёсати орқали давлат томонидан белгиланади. Шунингдек, солиқ обьекти, солиқ базаси ва нарх омили бу асосан бозор қоидаларига ҳамда солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятига боғлиқ ҳолда солиқ юкига таъсир қиласди. Буларнинг орасида ҳам энг кўп ва таъсир доираси кенгроқ бўлган солиқ ставкалари солиқ юкига тез таъсир кўрсатади. Солиқ юкининг даражаси (ошиши ёки камайиши)га кўплаб омиллар таъсир қилиб боради, уларнинг таъсирини тўғри баҳолаш ва унга асосланган ҳолда давлатнинг солиқ сиёсатини белгилаб бориш илмий жиҳатдан ўз моҳиятига эга. Республикамизда солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкини камайтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг охирги етти йилликдаги ҳолатга бир эътибор берадиган бўлсак, республикамизда сўнги йилларда солиқ ислоҳотларига алоҳида эътибор қаратилиб, солиқ органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тенденцияси мунтазам амалга оширилиб келинмоқда. Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки нафақат давлатнинг солиқ сиёсатининг тактик йўналишлари, шу билан биргаликда солиқ тўловчининг иқтисодий фаолияти ҳамда бошқа социал-иктисодий муносабатлар ҳам таъсир қиласди. Фикримизча, солиқ юкига оид давлат сиёсатини шакллантиришда ана шу нарса эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

## **З-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ ТИЗИМИДА СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАР ЗИММАСИДАГИ СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **3.1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар асосида солик юкини**

#### **прогнозлаш масалалари**

Ўзбекистон Республикасида юрилик ва жисмоний шахсларни соликқа тортиш либерализация қилиб борилмоқда. Юрдик шахсларга бир қатор солик имтиёzlари тақдим этилмоқда. Солиқлар ва соликқа тортиш масалалари хукумат доирасида доимий равишда ўрганилиб ва тартибга солиш механизми сифатида алоҳида эътиборф этиб келинмоқда. Шу билан бирга солиқлар мамлакатимиз давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда асосий манба ҳисобланади. Солиқлар республикамизнинг асосий макроиқтисодий индикатори бўлган ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажмига ҳам бевосита ва билвосита таъсир қилиб келмоқда. Сўнгти йилларда республикамизда солик маъмурчилиги бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу билан бирга солик юки масаласи жиддий бўлиб, уни имкони борича камайтиришга оид чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Солик юкининг иқтисодий ўсишга, ЯИМ ҳажмига ва бошқа бир қатор макроиқтисодий индикаторларга таъсирини ўрганиш ва ушбу омиллар асосида солик юкини келгуси даврларга прогноз қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз диссертация тадқиқотимизда республика макроиқтисодий индикаторларининг солик юкига таъсирини эконометрик моделлаштириш масалаларини тадқиқ қиласиз. Мазкур тадқиқотда кўп омилли эконометрик модель тузамиз. Кўп омилли эконометрик моделда қатнашадиган натижавий омил бўлиб, солик юки - ( $Y$ ) ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар бўлиб эса – солик тўловчиларига берилган солик имтиёzlари (млрд. сўм) ( $X_1$ ), давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик суммаси (млрд. сўм) ( $X_2$ ), инфляция даражаси (фоизда) ( $X_3$ ), ўртача солик ставкаси (фоизда) ( $X_4$ ).

Солик юки ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик модель тузишдан аввал омиллар бўйича тавсиий статистика

ўтказамиз. Кўп омилли эконометрик моделга кирувчи омилларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлгани учун уларнинг барчасини логарифмлаймиз.

Куйидаги 1-жадвалда кўп омилли эконометрик моделга кирувчи омилларнинг тавсифий статистика натижалари келтирилган.

### 3.1-жадвал

Омиллар бўйича тавсифий статистика натижалари

	LNY	LNX1	LNX2	LNX3	LNX4
Mean	2.780602	9.547333	7.506545	2.185326	3.046199
Median	2.797151	9.493239	7.220886	2.028148	3.044522
Maximum	2.852449	11.19738	8.966063	2.721295	3.117950
Minimum	2.541960	7.822244	6.374343	1.722767	2.944439
Std. Dev.	0.083656	0.914603	0.860431	0.371508	0.043945
Skewness	-1.855334	-0.077698	0.490619	0.225104	-0.547110
Kurtosis	6.169462	2.473147	1.887399	1.499383	3.795405
Jarque-Bera	12.89955	8.163432	4.192051	5.329541	4.991242
Probability	0.001581	0.001533	0.020997	0.014392	0.011192
Sum	36.14783	124.1153	97.58509	28.40924	39.60058
SumSq. Dev.	0.083979	10.03798	8.884098	1.656214	0.023174
Observations	13	13	13	13	13


Жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) қийматларини кўриш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) - стандарт четланиш коэффициенти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

Skewness – асимметрия коэффициенти бўлиб, у нолга тенг бўлса нормал тақсимот эканлиги ҳамда тақсимотнинг симметриклигини билдиради. Агар бу коэффициент 0 дан анча фарқ қиласа, у ҳолда тақсимот асимметрик ҳисобланади (яъни, симметрик эмас). Агар асимметрия коэффициенти 0 дан катта, яъни мусбат бўлса, у ҳолда ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот

графиги ўнг томонга суралган бўлади. 0 дан кичик, яъни манфий бўлса, у ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги чап томонга суралган бўлади. Барча омилларнинг нормал тақсимот функциялари графиклари қуидаги 3.1-расмда келтирилган.

Нормал тақсимот функцияси қуидаги формула билан аниқланади:

$$p(x) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}\sigma} \cdot e^{\frac{-(x-a)^2}{2\sigma^2}}, \quad -\infty < x < \infty, \quad (1)$$



### 3.1-расм. Омилларнинг тақсимот зичлиги функциялари графиклари

3.1-расмдаги графиклардан шуни кўриш мумкинки, барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан. Ҳисобланган  $\ln Y$ ,  $\ln X_1$  ва  $\ln X_4$  омилларнинг асимметрия коэффициентлари манфий бўлганлиги сабабли улар графикларининг чап “думи” назарий нормал тақсимот графикларидан чапга суралган.  $\ln X_1$  ва  $\ln X_2$  омилларнинг асимметрия коэффициентлари мусбат бўлганлиги учун, мазкур омилларнинг тақсимот функциялари графикларининг ўнг “дўми” назарий нормал тақсимот графикларидан ўнгга суралган.

3.1-жадвал маълумотларида келтирилган ҳамда кўп омилли эконометрик моделга кирадиган барча омилларни нормал тақсимотга

бўйсунишини текшириш учун Жак-Бера мезонидан фойдаландик. Мазкур мезон статистик мезон бўлиб, кузатувлар хатоларини нормал тақсимот моментлари билан учинчи момент (асимметрия) ва тўртинчи моментини (эксцесс) нормал тақсимотга текширади ва  $S = 0$  ва  $K = 3$ .

Жак-Бера мезонида  $H_0: S \neq 0, K \neq 3$  гипотезага қарши  $H_0: S = 0, K = 3$  нолинчи гипотеза текширилади, бу ерда  $S$  - асимметрия коэффициенти,  $K$  - эксцесс коэффициенти.

Жак-Бера мезони қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$JB = n \left( \frac{S^2}{6} + \frac{(K-3)^2}{24} \right), \quad (2)$$

бу ерда  $S = \frac{\sum e_i^3}{n\hat{\sigma}_{ML}^3}$ ,  $K = \frac{\sum e_i^4}{n\hat{\sigma}_{ML}^4}$  ва  $e_i$  - модел қолдиқлари,  $n$  - кузатувлар сони,

$\hat{\sigma}_{ML}^2 = \frac{\sum e_i^2}{n}$ ,  $ML$  - максимал ҳақиқатга ўхшаш усулини белгиланиши. Ушбу статистиканиг озодлик даражаси хи-квадрат иккита озодлик даражаси билан тақсимотга эга, чунки  $S$  - асимметрия коэффициенти ва  $K$  - эксцесс коэффициенти асимптотик нормал, бундан унинг квадратлари ҳам асимптотик нормалдир.

3.1-расмдан шуни кўриш мумкинки, барча омиллар нормал тақсимотга бўйсунар экан. Бу ҳисобланган параметрлар ва мезонлар томонидан тасдиқланмоқда, яъни Жак-Бера ҳисобланган коэффициентларининг эҳтимоллиги (*Probability*=0,006279) 0,05 дан кичик.

Ўзбекистон Республикасида солиқ юки бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга кирувчи омилларни танлашда омиллар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказамиз. Бундай ҳисоб-китобларда омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари ҳисобланади. Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси қўйидаги 2-жадвалда келтирилган.

### 3.2-жадвал

## Омиллар ўртасида ҳисобланган корреляцион матрица

Covariance Analysis: Ordinary

Date: 10/05/23 Time: 23:56

Sample: 2010 2022

Included observations: 13

Correlation

t-Statistic

Probability	LNY	LNX1	LNX2	LNX3	LNX4
LNY	1.000000				
LNX1	-0.726341	1.000000			
	-3.770689	-----			
	0.0371	-----			
LNX2	0.826101	0.094116	1.000000		
	4.016597	0.621728	-----		
	0.0000	0.1354	-----		
LNX3	-0.708022	0.634860	0.614898	1.000000	
	-3.482255	1.725236	1.586059	-----	
	0.0363	0.0897	0.0913	-----	
LNX4	0.870862	0.398655	0.579697	0.072592	1.000000
	4.523589	2.001705	2.059549	0.241397	-----
	0.0000	0.0772	0.0708	0.8137	-----

Омиллар ўртасида ҳисобланган корреляция коэффициентлари жойлашган 3.2-жадвалдан күриш мумкинки, хусусий корреляция коэффициентлари - бу натижавий омил ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_i$ ) ўртасидаги боғланишлар зичлигини күрсатади. Демак, хусусий корреляция коэффициентлари натижавий омил (солиқ юки,  $\ln Y$ ) ва таъсир этувчи омиллар ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини күрсатмоқда, яъни хусусий корреляция коэффициентлари қиймати 0,7 дан катта. Масалан,

республикада солиқ юки ( $\ln Y$ ) ва солиқ түловчиларига берилган солиқ имтиёзлари ( $\ln X_1$ ) ўртасида ҳисобланган хусусий корреляция коэффициенти - 0,7263 га тенг. Бу мазкур омиллар ўртасида кучли тескари боғланиш мавжудлигини күрсатмоқда. Республикада солиқ юки ( $\ln Y$ ) ва давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик суммаси ( $\ln X_2$ ) ўртасида ҳисобланган хусусий корреляция коэффициенти 0,8261 га тенг. Мазкур омиллар орасида ҳам кучли боғланиш мавжуд экан. Республикада солиқ юки ( $\ln Y$ ) ва инфляция даражаси ( $\ln X_3$ ) ўртасида кучли тескари боғланиш мавжуд экан. Чунки, ушбу омиллар ўртасидаги ҳисобланган хусусий корреляция коэффициенти - 0,7080 га тенг. Ҳамда республикада солиқ юки ( $\ln Y$ ) ва ўртача солиқ ставкаси ( $\ln X_4$ ) ўртасида кучли боғланиш мавжуд экан.


Келтирилган 2-жадвалда жуфт корреляция коэффициентлари ҳам мавжуд бўлиб, улар таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_i, \ln X_j$ ) ўртасида боғланиш зичликларини кўрсатади. Бу ерда энг муҳим ҳолат бўлиб, таъсир этувчи омиллар бир-бири билан зич боғланмаслиги керак. Яъни, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлмаслиги лозим. Агар иккита таъсир этувчи омил ўртасида жуфт корреляция коэффициенти қиймати 0,7 дан катта бўлса, мультиколлинеарлик мавжуд дейилади. 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш зичликлари 0,7 дан катта эмас экан. Корреляцион матрицадаги жуфт корреляция коэффициентлари бўйича холоса қиласидиган бўлсак, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас.

Бундан ташқари, 2-жадвалда корреляция коэффициентларининг ишончлилиги ва эҳтимоллигини аниқлаш бўйича коэффициентлар ҳисобланган (ҳисоблаган корреляция коэффициентларининг пастида жойлашган қаторлардаги қийматлар). Ҳар бир корреляция коэффициентининг пастки қисмида унинг *t*-Стьюодент мезони ҳисобланган қиймати (*t-Statistic*) ва эҳтимоллиги (*Probability*) келтирилган. Омиллар ўртасида ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан катта бўлмаслик шарти қўйилади. Масалан, республикада солиқ юки ( $\ln Y$ ) ва давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик

суммаси ( $\ln X_2$ ) ўртасида хусусий корреляция коэффициенти  $r_{\ln Y, \ln X_1} = 0,8261$ ,  $t = 4,0166$  ва  $\text{prob.} = 0,0000$  га тенг. Бу эса мазкур икки омил ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини, хусусий корреляция коэффициенти ишончли эканлиги ва 95 фоиз аниқликда икки омил ўртасида мусбат боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, қўп омилли эконометрик моделга киритиладиган омиллар ўртасида корреляция коэффициентлари  $t$ -Стьюодент мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги бўйича қўйиладиган талабларга жавоб берар экан.

Юқорида омиллар ўртасида боғланиш зичликлари бўйича таҳлил асосида ушбу омилларнинг боғланишнинг визуал кўриниши қўйидаги 3.3-расмда келтирилган.



### 3.3-расм. Республикада солиқ юки кўрсаткичи ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_i$ ) ўртасида боғланиш шакллари

3.3-расмдаги графикларнинг визуал кўринишда ҳам шуни қайд этиш мумкинки, натижавий омил ( $\ln Y$ ) билан таъсир этувчи  $\ln X_1$  ва  $\ln X_3$  омиллар ўртасида тескари ва  $\ln X_2$  ва  $\ln X_4$  омиллар ўртасида тўғри боғланишлар мавжуд экан. Демак, республикада солиқ юки ( $\ln Y$ ) бўйича тузиладиган қўп омилли

эконометрик моделга киритиладиган омиллар ўртасида корреляция коэффициентлари Стьюдентнинг  $t$ -мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги бўйича қўйиладиган талабларга тўла жавоб берар экан.

Омиллар аниқлаб олингандан сўнг республикада солиқ юки ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича чизиқли кўп омилли эконометрик модель тузамиз. Умумий ҳолда чизиқли кўп омилли эконометрик модель қўйидаги кўринишга эга:

$$\ln y = \ln a_0 + a_1 \ln x_1 + a_2 \ln x_2 + \dots + a_n \ln x_n + \varepsilon, \quad (3)$$

бу ерда  $y$  – натижавий омил,  $x_i$  -таъсир этувчи омиллар,  $\varepsilon$  - тасодифий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (3) номаълум  $a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$  параметрларини аниқлашда “энг кичик квадратлар усули” дан фойдаланамиз.

Кўп омилли эконометрик моделнинг параметрларини аниқлаш учун эконометрик моделлаштириш дастури – Eviews дастуридан фойдаланамиз. Республикада солиқ юки ва унга таъсир этувчи омиллар асосида ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель бўйича натижалар қўйидаги 3-жадвалда келтирилган.

### 3.3-жадвал

Кўп омилли эконометрик моделнинг ҳисобланган параметрлари

Dependent Variable: LNY

Method: Least Squares

Date: 10/05/23 Time: 00:05

Sample: 2010 2022

Included observations: 13

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
lnX1	-0,090436	0,035148	-2,573006	0,0172***
lnX2	0,116122	0,022676	5,120921	0,0000***
lnX3	-0,116891	0,011188	-10,447891	0,0000***
lnX4	0,114871	0,029444	3,901338	0,0027***

C	2,677879	1,980020	1,352450	0.0851**
R-squared	0.842064	Mean dependent var		2.780602
Adjusted R-squared	0.813097	S.D. dependent var		0.083656
S.E. of regression	0.077788	Akaike info criterion		-2.100817
Sum squared resid	0.036306	Schwarz criterion		-1.883529
Log likelihood	13.90243	Hannan-Quinn criter.		-2.145480
F-statistic	325.2109	Durbin-Watson stat		2.024371
Prob(F-statistic)	0.000000			

Изоҳ: \*\*\* - 0,05 фоиз аниқлиқда, \*\* - 0,1 фоиз аниқлиқда

Ҳисобланган 3.3-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, республикада солиқ юки ( $\ln Y$ ) ҳамда унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эконометрик моделнинг аналитик кўринишини ифодалаймиз:

$$\ln \hat{Y} = 2,6778 - 0,0904 \ln X_1 + 0,1161 \ln X_2 - 0,1169 \ln X_3 + 0,1149 \ln X_4, \quad (4)$$

Республикада солиқ юки бўйича маълумотлар асосида ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель (4) шуни кўрсатадики, республикада солиқ тўловчиларига берилган солиқ имтиёзлари ( $\ln X_1$ ) ўртacha бир фоизга ортса, солиқ юки кўрсаткичи ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,0904 фоизга камаяр экан. Давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик суммаси ( $\ln X_2$ ) ўртacha бир фоизга ошса, солиқ юки ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,1161 фоизга ортар экан. Республикада инфляция даражаси ( $\ln X_3$ ) ўртacha бир фоизга ошса, солиқ юки ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,1169 фоизга камаяр экан. Республикада ўртacha солиқ ставкаси ( $\ln X_4$ ) ўртacha бир фоизга ошса, солиқ юки ( $\ln Y$ ) ўртacha 0,1149 фоизга орттар экан.

Республикада солиқ юкини аниқлаш бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (4) сифатини текшириш учун ҳисобланган детерминация коэффициенти қийматини кўриб чиқамиз. Ҳисобланган детерминация коэффициенти натижавий омил ( $\ln Y$ ) неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Бизнинг ҳолатда ҳисобланган детерминация коэффициенти ( $R^2$  - R-squared) 0,8420 га teng. Бу эса

республикада солиқ юки (*lny*) 84,20 фоизга (4) күп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини күрсатмоқда. Қолган 15,80 фоизи (1,0-0,8420) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

Күп омилли эконометрик моделдаги (4) омилларнинг стандарт хатоликларининг ҳам кичик қийматларни қабул қилғанлиги ҳисобланган моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Моделларни турли миқдордаги омиллар билан таққослаш имконияти бўлиши ва ушбу миқдордаги омиллар  $R^2$  статистикага таъсир этмаслиги учун одатда текисланган детерминация коэффициентидан фойдаланилади, яъни:

$$R_{\text{adj.}}^2 = 1 - \frac{s^2}{s_y^2} \quad (5)$$

Текисланган детерминация коэффициенти (Adjusted R-squared) 0,8130 га тенг бўлиши ва унинг  $R^2$  га яқинлиги, моделнинг таъсир этувчи омиллар сони ўзгариши атрофида қийматларни қабул қила олишини билдиради.

Ҳисобланган күп омилли эконометрик моделнинг (4) статистик аҳамиятлилигини ёки ўрганилаётган жараёнга адекватлигини (мос келишини) текширишда Фишернинг F-мезони қўлланилади. Фишернинг ҳисобланган F-мезони қиймати унинг жадвалдаги қиймати билан таққосланади. Агар  $F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$  бўлса, у ҳолда күп омилли эконометрик модель (4) статистик аҳамиятли дейилади ва ундан натижавий кўрсаткич –республикада солиқ юкини (*lny*) келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади.

Демак, (4) моделнинг статистик аҳамиятлилигини текшириш учун F-мезоннинг жадвал қийматини топамиз. Бунинг учун озодлик даражалари  $k_1 = m$  ва  $k_2 = n - m - 1$  ҳамда  $\alpha$  аҳамиятлик даражаси бўйича қийматларни ҳисоблаймиз. Аҳамиятлилик даражаси  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражалари  $k_1 = 4$  ва  $k_2 = 13 - 4 - 1 = 8$  дан келиб чиқиб, F-мезоннинг жадвал қиймати  $F_{\text{жадвал}} = 3,84$  га тенг. F-мезоннинг ҳисобланган қиймати  $F_{\text{хисоб}} = 325,2109$  ва жадвал қиймати  $F_{\text{жадвал}} = 3,84$  га тенг ва  $F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$  шарти бажарилғанлиги учун (4) күп омилли эконометрик моделни статистик аҳамиятли дейиш мумкин ҳамда ундан

республикада солик юкини ( $\ln Y$ ) келгуси давларга прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Кўп омилли эконометрик моделнинг (4) ҳисобланган параметрлари (регрессия коэффициентлари) ишончлилигини текширишда Стьюдентнинг  $t$ -мезонидан фойдаланилади. Стьюдентнинг  $t$ -мезонининг ҳисобланган ( $t_{\text{хисоб}}$ ) ва жадвал ( $t_{\text{жадвал}}$ ) қийматларини таққослаб,  $H_0$  гипотезани қабул қиласиз ёки рад этамиз. Бунинг учун  $t$ -мезоннинг жадвал қийматини танланган ишончлилик эҳтимоли ( $\alpha$ ) ва озодлик даражаси ( $d.f. = n - m - 1$ ) шартлар асосида топамиз. Бу ерда  $n$  - кузатувлар сони,  $m$  - омиллар сони.

Ишончлилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f. = 13 - 4 - 1 = 8$  бўлгандаги,  $t$ -мезоннинг жадвал қиймати  $t_{\text{жадвал}} = 2,3060$  га teng.

Ҳар бир омил бўйича  $t$ -мезоннинг ҳисобланган қийматлари  $\alpha = 0,05$  аниқликда жадвал қийматидан катта эканлигини кўриш мумкин (3-жадвал). Бу эса ушбу омилларнинг солик юки бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделда қатнашишларига имкон беради.

Демак, кўп омилли эконометрик модель (4) да барча таъсир этувчи омиллар моделда қолдирилади ва прогнозда фойдаланилади.

Кўп омилли эконометрик модель (4) бўйича натижавий омил қолдиқларида автокорреляцияни текшириш учун Дарбин-Уотсон ( $DW$ ) мезонидан фойдаланамиз.

Ҳисобланган  $DW$  қиймати жадвалдаги  $DW_L$  ва  $DW_U$  билан солиширилади. Агар  $DW_{\text{хисоб}} < DW_L$  дан кичик бўлса, қолдиқларда автокорреляция мавжуд дейилади.  $DW_{\text{хисоб}} > DW_U$  дан катта бўлса, қолдиқларда автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Дарбин-Уотсон мезонининг пастки чегараси қиймати  $DW_L = 0,69$  га teng ва юқори чегараси қиймати  $DW_U = 1,97$  га teng.  $DW_{\text{хисоб}} = 2,0244$  га teng. Демак,  $DW_{\text{хисоб}} > DW_U$  бўлгани учун натижавий омил (республикада солик юки ( $\ln Y$ )) қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас экан.

Натижавий омил қолдиқларида автокорреляциянинг мавжуд эмаслиги ҳам юқорида келтирилган (4) кўп омилли эконометрик моделдан прогнозда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Натижавий омил қолдиқларида автокорреляцияни текширишда ҳисобланган автокорреляция ва хусусий автокорреляция қийматлари текширилади. Агар ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобланган қийматлари камайиш тартиби билан жойлашган бўлса ҳамда уларнинг эҳтимолликлари (prob.)=0.05 дан кичик бўлса, автокорреляция мавжуд эмас дейилади ва автокорреляция ва хусусий автокорреляция бўйича диаграмма тузилади (4-расм).

Date: 10/05/23 Time: 00:20

Sample: 2010 2022

Included observations: 11


Autocorrelation	Partial Correlation	AC	PAC	Q-Stat	Prob
		1	-0.428	-0.428	2.6196 0.000
		2	-0.079	-0.321	2.7179 0.000
		3	-0.074	-0.348	2.8145 0.000
		4	0.088	-0.235	2.9722 0.000
		5	0.029	-0.151	2.9929 0.000
		6	-0.016	-0.110	2.9998 0.000
		7	-0.048	-0.131	3.0821 0.000
		8	0.012	-0.123	3.0889 0.000
		9	0.010	-0.124	3.0954 0.000
		10	0.005	-0.126	3.0988 0.000

### 3.5-расм. Автокорреляция ва хусусий автокорреляция

3.5-расмда келтирилган маълумотлардан шуни кўриш мумкини, юқорида келтирилган шартлар бажарилган, яъни кўрсаткичларнинг ҳисобланган қийматлари камайиш тартиби билан жойлашган ҳамда уларнинг эҳтимолликлари (prob.) 0.05 дан кичик (барчасининг қийматлари нолга teng).

Демак, республикада солик юки ( $\ln Y$ ) кўрсаткичи қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас экан.

Ҳисобланган кўп омилли (4) эконометрик моделнинг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) куйидаги 3.4-расмда келтирилган.



### 3.4-расм. Республикада солиқ юкининг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) графиги


3.4-расмдан кўриш мумкинки (4) кўп омилли эконометрик модель бўйича Республикада солиқ юкининг ҳисобланган қийматлар графиги унинг ҳақиқий қийматлари графиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги фарқлар ҳам унчалик катта эмас. Бу эса (4) кўп омилли эконометрик моделдан республикада солиқ юкини келгуси даврларга прогнозлашда фойдаланиш мумкинлигини яна бир исботи ҳисобланади.

Ҳисобланган (4) кўп омилли эконометрик моделдан келгуси даврларга натижавий кўрсаткични прогнозлашда MAPE (Mean absolute percent error – фоизлардаги ўртача абсолют хатолик) коэффициенти ҳисобланади ва у куйидаги формула ёрдамида топилади:

$$MAPE = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \frac{|y_i - \hat{y}_i|}{y_i} \cdot 100\%, \quad (6)$$

бу ерда  $y_i$  - натижавий омилнинг ҳақиқий қийматлари,  $\hat{y}_i$  - натижавий омилнинг ҳисобланган қийматлари.

Агар ҳисобланган MAPE коэффициенти қиймати 15,0 фоиздан кичик бўлса, моделдан натижавий омилни прогнозлашда фойдаланиш мумкин бўлади, акс ҳолда фойдаланиб бўлмайди. Республикада солиқ юки бўйича MAPE коэффициентининг қиймати 1,5129 фоизни ташкил этмоқда (3.6-расм).



### 3.6-расм. Хисобланган кўп омилли эконометрик моделдан прогнозда фойдаланиш кўрсаткичлари

Бу эса 15,0 фоиздан кичик ( $MAPE=1,5129$ ). Шунинг учун ҳам (4) кўп омилли эконометрик моделдан республикада солиқ юкини прогнозлашда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, республикада солиқ юки ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (4) бир қатор мезонлар ёрдамида текширилди ва ундан келгуси даврларда омилларни прогнозлашда фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Шунинг учун ҳам (4) кўп омилли эконометрик модель ёрдамида республикада солиқ юкини келгуси даврларга прогноз ҳисобларини амалга оширамиз.

Бунинг учун аввало ҳар бир таъсир этувчи омил бўйича тренд модель тузамиз. Тренд модель – бу таъсир этувчи омилнинг вақтга боғлиқ функциясидир ҳамда у умумий ҳолда қуидаги қўринишга эга:

$$X_i = \beta_0 + \beta_1 \cdot t + \varepsilon \quad (7)$$

Республикада солиқ тўловчиларига берилган солиқ имтиёзлари (млрд. сўм) ( $\ln X_1$ ) бўйича тренд модель қуидаги қўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_1 = 7,9423 + 0,2293 \cdot t \quad (8)$$

$$R^2 = 0,9532, F_{\text{хисоб}} = 224,007, t_{\text{хисоб}} = 14,967.$$

Давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик сўммаси (млрд. сўм) ( $\ln X_2$ ) бўйича тренд модель қўйидаги кўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_2 = 6,099 + 0,20099 \cdot t \quad (9)$$

$$R^2 = 0,8276, F_{\text{хисоб}} = 52,795, t_{\text{хисоб}} = 7,266.$$

Республикада инфляция даражаси (фоизда) ( $\ln X_3$ ) бўйича тренд модель қўйидаги кўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_3 = 1,7479 + 0,0625 \cdot t \quad (10)$$

$$R^2 = 0,4290, F_{\text{хисоб}} = 8,265, t_{\text{хисоб}} = 2,875.$$

Республикада ўртача солиқ ставкаси (фоизда) ( $\ln X_3$ ) бўйича тренд модель қўйидаги кўринишга эга:

$$\ln \hat{X}_4 = 3,0172 + 0,0041 \cdot t \quad (11)$$

$$R^2 = 0,5343, F_{\text{хисоб}} = 5,7076, t_{\text{хисоб}} = 1,3067.$$

Таъсир этувчи омиллар ва вақт омили ўртасида тузилган тренд моделлар таҳлили шуни кўрсатадики (8) – (11) тренд моделлардаги барча ҳисобланган коэффициентларнинг статистик аҳамиятлиги, параметрларининг ишончлилиги аниқланди.

Демак, (8) – (11) тренд моделларини ҳисоблаймиз ва уларнинг ҳисобланган қийматларини (4) кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, аввало таъсир этувчи омилларнинг прогноз қийматларини, кейин эса натижавий омилни прогноз қиласиз. Прогноз қилинган қийматларни логарифмдан озод этиш учун уларни потенцирлаймиз. Натижада республикада солиқ юкининг кўп омилли эконометрик моделга киритилган ўзгарувчиларининг прогноз давридаги қийматларига эга бўламиз (3.4-жадвал).

### 3.4-жадвал

Республикада солиқ юки ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2010-2022 йиллардаги динамикаси ва 2023-2030 йилларга прогноз қийматлари

Йиллар	Солиқ юки, Y	Солиқ тўловчиларига берилган солиқ имтиёзлари, млрд. сўм, X <sub>1</sub>	Давлат бюджетига солиқлар бўйича жорий қарздорлик суммаси, млрд. сўм, X <sub>2</sub>	Инфляция даражаси, фоиз, X <sub>3</sub>	Ўртча солиқ ставкаси, фоиз, X <sub>4</sub>
2010	17,23	2495,5	586,6	7,3	21,0
2011	17,28	5127,3	757,6	7,6	21,0
2012	16,93	6400,0	1005,6	7,0	21,0
2013	16,40	7636,0	2000,6	6,8	21,0
2014	16,04	10175,2	888,2	6,1	21,0
2015	16,02	13269,7	1014,6	5,6	21,0
2016	15,77	11776,7	1120,4	5,7	20,0
2017	15,15	15592,2	1367,7	14,4	19,0
2018	12,70	22707,5	2127,5	14,3	21,2
2019	15,64	31856,1	3468,5	15,2	20,8
2020	17,10	29857,2	5027,2	11,0	22,4
2021	17,33	32719,2	6697,0	10,0	21,7
2022	16,72	72939,2	7832,7	12,3	22,6
2023	15,89	69730,3	7431,4	10,5	21,7
2024	15,98	87700,2	9085,7	9,7	21,7
2025	16,00	110301,2	11108,3	9,5	21,8
2026	15,96	138726,5	13581,2	9,9	21,9
2027	15,92	174477,3	16604,5	9,7	22,0
2028	15,89	219441,3	20300,9	10,3	22,1
2029	15,87	275992,8	24820,1	9,6	22,2
2030	15,84	347118,0	30345,4	9,9	22,3

Куйидаги 3.7-жадвалда республикада солиқ юкиининг 2010-2022 йиллардаги динамикаси ва 2023-2030 йиллардаги прогноз қийматлари

келтирилган. Унинг натижалари Ўзбекистоннинг солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш каби устувор йўналишнинг мазмунига мос ҳолда охирги беш йилда (мақсадсиз фондларга нисбатан олганда) 15-16 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган фискал Стратегиясига мувофиқ, келгуси ўрта муддатли даврда фискал сиёsat ташқи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишга, макроиқтисодий ва фискал барқарорликни таъминлашга, инвестициявий жозибадорликни ошириш, аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-куватлаш, узоқ муддатли инклузив иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилади. Макроиқтисодий ва фискал барқарорликни таъминлаш мақсадида давлат қарзи барқарорлигини ҳалқаро меёрларга мувофиқ мўътадил даражада ушлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинадиган давлат қарзининг юқори чегарасини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиздан ошмаслигини таъминлаш лозим. Шундан келиб чиқиб, 2022 йил учун ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгиланиб, шундан жалб қилинадиган қарзларнинг асосий қисмини ёки 2,5 млрд АҚШ долларини Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун, қолган қисмини инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтириш белгилаб қуйилди.

Шунга қарамай даромадлар прогнози дастлабки макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан ва солиқ-божхона сиёсатидаги кўзда тутилаётган ўзгаришлардан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган: – инфляция даражаси 5 фоиз бўлган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг 6,6 фоизга ўсишини таъминловчи мамлакатнинг 2023 йил учун ижтимоийиқтисодий ривожланиш прогнози; – жаҳон бозорида олтин (1700 долл. / троя унция) ва мис нархини (8500 долл. / тн); – валюта курсининг кичик миқдордаги ўзгариши; – импорт ҳажмининг, айниқса акциз солигининг бекор қилиниши натижасида халқ истеъмол товарлари импорт ҳажмини кичик даражада ошиши; – энергия

ташувчиларининг тариф нархларини кичик даражадаги ошиши; – даромадларнинг салмоқли қисмини ташкил қилувчи асосий маҳсулотлар ва акциз солиғига тортиладиган товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши натижасида солиқ юкига таъсир этиши табиийдир.


### **3.2. Солиқ сиёсати тактикаларини солиқ юкини оптималлаштириш жиҳатидан ишлаб чиқиш йўналишлари**

Бизга маълумки солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптимал тақсимлаш солиқ сиёсатининг энг мураккаб ва нозик жиҳатларидан бири бўлиб, бунда солиққа тортишнингadolatлилик тамойилини қарор топтириш асосий муаммо ҳисобланади. Оптимал солиқ юкини белгилашда давлат иккита муҳим масаланинг ечимини ўзаро уйғун қараш лозим бўлади деб ҳисоблаймиз. Булар бир томондан давлатнинг функцияларини оптимал тарзда бажариши учун керак бўладиган молиявий маблағларни жалб қилиш имкониятини берувчи солиққа оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва юритиш, бошқа томондан солиқ тўловчиларниadolatли солиққа тортиш асосида уларнинг иқтисодий фаолиятини чеклаб қўймасликни таъминлайдиган мутадил солиқ сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Масаланинг биринчиси, бир қарашда оддийроқ туюлсада (масалан, солиқ ставкаларини ошириш, имтиёзларни камайтириш ва шу каби) аммо, бундай ёндошув маълум муддатдан сўнг ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши аниқ (Лаффер назарияси).

Айнан мана муаммонинг уйғунлашга ечими сифатида республикамизда солиқ юкини оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни қисқача изоҳлайдиган бўлсак, республикамизнинг Янги Ўзбекистон шароитидаги иқтисодий сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлган - солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва солиқ солиши тизимини соддалаштириш асосида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш қилиб белгилаб олинган эди. Бундаadolatли, шаффоф, узоққа мўлжалланган ва халқаро андозаларга жавоб бера оладиган солиқ тизимини яратишга қаратилган солиқ ислоҳотлари иқтисодий, хукуқий жиҳатдан ҳар томонлама

асосланган ҳамда солиқ тўловчилар учун қулай ва манфаатли эканлигини кўрсатмоқда. Биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар фаолиятини солиқ соҳасида кафолатлашнинг ҳукуқий асоси яратилиб, янги Солиқ концепцияси, Солиқ кодекси ва 150 дан ортиқ қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида 80 дан ортиқ турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди. Солиқ юкини кескин пасайтириш мақсадида Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Бироқ, бу каби ислоҳотлар амалга оширилишига қарамасдан, юқорида таъкидлаганимиздек, республикамиз солиқ тизимида оптимал солиқ юкини белгилаш (ўрнатиш) ва таъминлаш борасида айрим илмий-амалий характерга эга бўлган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Уларни визуал шаклда қўйидагича изоҳлаш мумкин.

(3.1-расм).



**3.1-расм. Солиқ тизимида оптимал солиқ юкини белгилаш (ўрнатиш) ва таъминлаш муаммолари<sup>64</sup>**

<sup>64</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Илмий тадқиқот методологиясининг тамойилларига қўра, юқоридаги 3.1-расмда келтирилган солиқ тизимида оптимал солиқ юкини белгилаш (ўрнатиш) ва таъминлаш муаммоларининг илмий моҳиятини бирмунча изоҳлашга ҳаракат қиласиз. Бошқа илмий тадқиқотлардан маълумки, давлат бюджети даромадларини режалаштиришда амалдаги солиқ қонунчилиги доирасида жорий қилинган солиқлар ва солиқсиз тўловлар бўйича ўрнатилган солиқ ставкалари, солиқ обьектлари ва имтиёзларидан келиб чиқкан ҳолда солиқ тушумларининг башорат кўрсаткичлари ишлаб чиқилади, бироқ, бу башорат кўрсаткичлари солиқ тўловчиларнинг реал солиқ тўлаш имкониятларига мос бўлиши керак бўлади.

Илмий таҳлиллар кўрсатишича давлат бюджети даромадларини режалаштиришдан кейинги яъни, ҳақиқий кўрсаткичлар аниқланганда эса, белгиланган солиқ тушумлари режа миқдори солиқ тўловчининг амалдаги солиқ салоҳиятига мос келмай қолади, бу эса солиқ юкининг оптимал тақсимланганмаганини ёки ўрнатилмаганини далолат берадики, бу бугунги кундаги солиқ юкини оптималлигини таъминлашдаги долзарб муаммолардан бири сифатида мавжуд бўлмоқда.

Солиқ юки ҳажмига нисбатан адолатли қарашнинг етарли эмаслиги солиқ юкини адолатли баҳолашга тўсқинлик қилаётган муаммолардан биридир. Буни биз ҚҚС мисолида тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Солиқ юкини аксарият иқтисодчилар ишлаб чиқариш соҳасидан давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари (жумладан давлат бюджетига) қанча маблағ мажбурий тартибда жалб қилинганлигини ифодалаб, уни миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан изоҳлаб боришади. Миқдор кўрсаткич қанча суммада ва сифат кўрсаткичи ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизи жалб қилинганлигини билдиради. Жаҳон хўжалигининг ҳолатини таҳлил қилиш, ундаги жараёнларни ифодаловчи иқтисодий индикаторларни тавсия қилувчи йирик молиявий институтларнинг тавсиясига қўра, умумий солиқ юки 30-35 фоиздан ошмаслик молиявий жиҳатдан нормал ҳолат деб баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур” деб белгилаб берган вазифаларнинг изчил амалга оширилаётганлигини ифодалайди. Агар, бунда солиқ тўловчиларга турли хил кўрсатилаётган давлат хизматлари, уларнинг ҳисоботларнинг соддалаштирилиши, фаолият билан шуғулланишлар учун рухсатномалар олиш ва уларга тўланадиган аксарият тўловларнинг бекор қилиниши, бир сўз билан айтганда бизнес юритиш харажатлари кескин камайган ҳолда давлат хизматлари сифатининг ошиши, иқтисодий жиҳатдан олган бу улар зиммасидаги солиқ юкининг амалий тарзда пасайтирилишини кўриш мумкин.

Бу ерда солиқ юки тушунчаси нисбий характерга эга эканлиги ва солиқларнинг адолатлилик тамойилинини ўзида ифодаланишини эътиборга олиш зарур бўлади. Айрим солиқ тўловчилар ўзларига нисбатан солиқ юкини даражасини жорий даврда тўлаган солиқ сўммалари билан ўтган йилда тўлаган солиқ сўммалари билан таққослаб, унинг миқдори ошишини солиқ юкининг ошганлиги билан изоҳлайди. Бу тўғримикан? Оддий мисол, корхона ўтган йилда шартли равишда 50 млн.сўмлик солиқ тўлаган ҳолда, дебиторлик ва кредиторлик қарзларга эга, ходимларига иш ҳақини ўз вақтида тўлай олмаган деб қарайлик. Айнан ушбу корхона жорий йилда маҳсулотига бўлган талабнинг ошиши ва уни қулай нархларда сотиши ҳисобига 100 млн.сўмлик солиқ тўлаган ҳолда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бартараф этган, ходимларига ўз вақтида иш ҳақларини тўлашга эришган бўлсин. Хўш бу ҳолда солиқ тўловчининг солиқ юки ошганми? Иқтисодиётнинг қонунлари ва мантиқан олиб қаралганда ушбу солиқ тўловчининг солиқ юки ошмаган, сабаби унинг фаолиятининг яхшиланиши ва маҳсулот сотиши ҳажмининг ошиши оқибатида бошқалар олдидаги қарзларини узган, ходимларига иш

ҳақини тўлаган, сотиш ҳажмининг ортиши объектив равища қўшилган қиймат солиғи ҳажмини ҳам оширган, қўшилган қиймат солиғининг ошиши унинг молиявий фаолиятига ҳеч қандай салбий таъсир қилмаган. Иккинчи ҳолатда ҳам солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятининг яхшиланганлиги ҳам бюджетга солиқ тушумлари ошганлигини кўриш мумкин, энди оддийгина иқтисодий ва мантикий жиҳатдан хулоса қилайлик, ушбу корхона ўтган йилга нисбатан 50 млн.сўмлик ортиқ тўлаган солиқ сўммаси солиқ юкини ошганлигини ифодалайдими? Бир жиҳатдан ошгандек бўлсада, умумий жиҳатдан ошмаган ҳисобланади.

Солиқ юкини оптимал белгилаш ва уни аниқлашдаги яна бир долзарб муаммолардан бири сифатида давлат солиқ сиёсатида солиқ юкини белгилашда ижтимоий инструментлардан кўра молиявий инструментларга устуворлик берилишини келтириб ўтиш мумкин. Биз бу ерда ижтимоий инструментлардан кўра молиявий инструментларга устуворлик берилиши деганда солиқ тушумларини оширишда ижтимоий инструментлар сифатида солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини ошириш, уларни солиқдан бўйин товлаш ҳиссёсини камайтиришга қаратилган сиёсатга кам урғу берилиши назарда тутмоқдамиз.

Маълумки, очик-ошкора ва адолатли солиқ тизими иқтисодиёт ривожининг энг муҳим асосидир. Лекин янги солиқ Концепциямиз қабул қилингунга қадар амал қилиб келинаётган солиқ маъмуриятчилигига кўплаб ноаниқликлар борлиги бизнес, тадбиркорлик, инвестиция соҳалари равнақига тўсиқ бўлиб, солиқ ставкаларнинг юқорилиги инсофли солиқ тўловчиларнинг иқтисодий манфаатларига тескари равища қарши ишлар эди, уларнинг рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришига тўскинлик қиласар эди. Буларнинг барчаси кўпгина солиқ тўловчиларда солиқларни тўламаслик кайфиятининг юзага келиши ва кучайишига, провардида эса солиқ маданияти даражасининг пасайишига олиб келди. Янги солиқ Концепциясига кўра фойда солиғи ставкасининг кескин туширилиши, тадбиркор фақат даромад олсагина тўланиши белгиланиши, иш ҳақидан олдинадиган

30 фоизгача даромад солиғи ўрнига ягона 12 фоизлик солиқ тури киритилиши ва 8 фоизлик суғурта бадали умуман бекор қилиниши, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳам 30 фоизга пасайтирилиши, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилиши норасмий фаолиятни легализация қилинишига, норасмий бандликни камайтиришга, қолаверса тадбиркорларнинг ҳалол ишлаши, кўпроқ иш ўринлари яратишига хизмат қилиб, ушбу енгилликлар Президентимиз айтганидек, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўли бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда солиқ тизимидағи долзарб муаммолардан бири бу фуқаролар томонидан солиқларни ўз вақтида тўлашдан манфаатдорлик туйғусини ошириш ва шу орқали солиқларни тўлашдан қочмасдан ўзларининг фаол фуқаролик позициясини чинаккам намоян этишига эришиш саналади.

Бундан кўзланган асосий мақсад эса, фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишлигини, инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш тизимини қўллаш орқали барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этишдан иборатдир. Янги солиқ Концепциясининг қабул қилинишига қадар солиқ маданияти масаласига фақатгина унга маънавий қадрият сифатида қаралиб, унга эришишнинг иқтисодий воситаларига деярли эътибор берилмади. Солиқ тўловчиларга фақатгина солиқ тўлашиши лозимлигини уқтириш, солиқ тўламаганлик учун молиявий жазо чораларини кўриш билан унинг даражасини ошириб бўлмаслигини гувоҳи бўлдик. Биз бу ерда бир нарсани унудикки, ҳар қайси олинган солиқ тўловчида ўзига хос “мен”и бўлади, яъни бу табиий-ижтимоий ва психологик ҳақиқат, аммо, ушбу “мен” жамият манфаатлари билан кесишуви бўлгандагина ижобий натижага эришиш мумкин. Солиқ юкининг номутаносиблиги, солиқларни ундирувчи органлар томонидан солиқ тўловчиларга нисбатан муносабатнинг етарли эмаслиги, энг муҳими баъзи солиқ турлари, масалан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси ва суғурта бадалларининг ҳадда зиёд юқорилиги

каби иқтисодий воситалар солиқ маданиятининг субъектив равища ошмаслигига хизмат қилиб келди.

Шу нарсани унутмаслик керакки, солиқ маданиятини оширувчи асосий субъект бу жисмоний шахс сифатида солиқ тўловчилар ҳисобланади, айнан юридик шахс сифатидаги солиқ тўловчиларнинг фаолиятини ҳам ахолининг алоҳида гуруҳлари юритади, демак, жисмоний шахсларнинг солиқ маданиятини оширишнинг иқтисодий дастакларини ишга солмас эканмиз, юридик шахс сифатидаги солиқ тўловчиларнинг маданиятини ошириш борасида сўз юритиш бироз мушкул ва мантиқий жиҳатдан унчалик тўғри эмас. 2019 йилдан бошлаб иш ҳақидан олдинадиган 30 фоизгача даромад солиги ўрнига ягона 12 фоизлик солиқ тури киритилиши ва 8 фоизлик суғурта бадали умуман бекор қилиниши шак шубҳасиз ахолининг солиқ маданиятининг ошишига хизмат қилди, чунки, солиқлар уларнинг даромадининг харид қобилиятини ошира бошлади, ортиқча мураккаб ҳисобкитоблардан халос этди.

Аслини олганда солиқ маданиятини умумий қилиб айтганда, солиқларни ундириш жараёнида солиқ тўловчиларнинг солиқларнинг объектив зарурлигини тўлиқ англаб етиши, уларнинг солиқлардан қочиши ёки тўлашдан бўйин товлашининг ўзининг тақдирига салбий таъсир қилишини, солиқлар давлат равнақининг молиявий асосларидан бири эканлиги, солиқларга фарз сифатида қараш каби ҳолатларнинг ўрни катта бўлиб, бу бевосита солиқ тўловчиларнинг психологияси билан боғлиқ бўлиб, у эса солиқ маданиятининг даражасини билдиради.

Аҳолининг давлат олдидаги ижтимоий қарзлари билан бирга солиқлар борасидаги қарзларининг муҳимлигини англаб етиши уларнинг иқтисодий маданиятининг даражасини белгиловчи асосий мезони ҳисобланади. Солиқларни тўламаслик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқ тўловчи сифатида рўйхатда турмаслик ва бошқа шу каби солиқ хуқуқбузарлик ҳамда солиққа оид жиноятлар эса солиқларнинг хуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлишини билдиради.

Бир томондан давлат томонидан оқилона солиқ сиёсатининг ташкил этилиши, бу ҳали бундай манфаатларни уйғулантира олмайди, бунинг учун солиқ тўловчиларда юқори даражадаги солиқ маданияти шаклланиши лозим бўлади. Солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни бериш билан бирга солиқ тўловчилар томонидан бундай имтиёз ва преференциялардан ўринли фойдалангандагина бундай енгилликлар самара беради, акс ҳолда эса бюджет манфаатларига путур етади.

Бугунги қунда республикамиз солиқ тизимида солиқ юкига таъсир этувчи омилларнинг етарлича баҳоланмаслиги ва унинг методологиясининг такомиллашмаганлиги ҳам бу борадаги долзарб илмий-амалий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Солиқ юкини оптималь ҳолатини таҳлил қилишда реал кўрсаткичларга асосланган методология тўлақонли самарали деб айтишга асос мавжуд эмас. Илмий тадқиқотларда солиқ юкини аниқлашни макро ва микро даражада амалга ошириш лозимлиги илмий асослашга ҳаракат қилинган бўлсада (масалан, Ш.Тураев, И.Ниязметов) аммо, солиқ юкини таҳлил қилиш кўрсаткичларидан услубий жиҳатдан самарали фойдаланиш йўллари ҳали кўрсатиб берилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз тизимида солиқ юкига таъсир этувчи омилларни баҳолашнинг муаллифлик ёндошувимизни илмий асослашга ҳаракат қиласиз. Бизга маълумки, солиқ юки таҳлилида асосий кўрсаткичлар сифатида макро даражада ЯИМ ва солиқ тушумлари кўрсаткичлари, микро даражада эса, ялпи тушум (даромад) ва тўланган солиқлар кўрсаткичига асосланади. Бизнингча, бундай ёндошув солиқ юкини таҳлил қилишда объектив илмий хulosалар чиқаришга имкон бермайди. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ юкини таҳлил қилишда қуйидаги услубиётга асосланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

*Макро даражадаги солиқ юки бўйича:* Асосий кўрсаткич бўлган ЯИМни номинал қийматларда эмас балки, таққослама нархларда олиш, солиқ тушумлари кўрсаткичларини олишда эса, бошқа солиқлар жумласига кирувчи жарималар ва божхона божлари ҳамда давлат мулкини сотишдан (ижрага


беришдан) тушган тушумларни алоҳида таҳлил қилиш, молиявий инструментлар сирасига киравчи нарх, инфляция кабиларнинг таъсирини ҳисоблаш, форс-мажор ҳолатларнинг солик юкига таъсирини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

*Микро дараҷадаги солик юки бўйича:* асосий кўрсаткичлар (ялпи тушум, жами даромад, солик тўлови) билан бир қаторда маҳсулот нархига таъсири этувчи омиллар (материал ва хом ашёнинг нархи ўзгариши, энергия сарфи нархи каби)нинг ўзгариши, кредиторлик қарзининг ошиб кетиши ҳисобига солик тушумига таъсири, солик қонунчилиги бўйича берилган солик имтиёзларининг самарали фойдаланганлик, солик қарздорлиги ва унинг ҳисобига тўланган молиявий жарималар, солик тўловчи учун контрагент солик тўловчилар ҳисобига қўшимча юзага келган солик юки суммаси, нарх ва инфляция омили, форс-мажор ҳолат каби омиллар ва кўрсаткичларга ҳам асосланиш лозим бўлади.

Дунё амалиётида амалга оширилиб келинаётган таҳлилларда солик юкини ўрганиш одатда солик тўловларининг даромад ёки бошқа иқтисодий кўрсаткичларга нисбатан нисбатини таҳлил қиласди. Ушбу тадқиқотлар соликларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг пул оқимларига қанчалик таъсири қилишини баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари соликлар жамиятдаги даромадлар тенглиги ва қашшоқликка қандай тенглик ва қашшоқликка таъсирини таҳлил қилиш, солик юкининг камбағалликни қисқартириш (ёки ошириш)га таъсирига оид илмий таҳлилларга кенг урғу берилмоқдаки, уларни амалга ошириш таҳлил назариясининг турлича усуллардан кенг фойдаланилади.

Умумий олганда солик юкини оптимал баҳолашни амалга ошириш учун юқоридаги ёндошувдан келиб чиққан ҳолда кенг маънодаги “Солик юкини оптимал таҳлил қилиш услубиёти”ни ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади ва уни амалга оширишда қуйидагиларга асосланиш лозим деган илмий ғоя илгари сурилади.

## Солиқ юкини оптимал таҳлил қилиш услубиёти



### 3.2-расм. Солиқ юкини оптимал таҳлил қилиш услубиёти<sup>65</sup>

Биз томонимиздан келтирилаётган ушбу услубиёт макро ва микро даражада солиқ юкини таҳлил қилишда муҳим услугбий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу услубиётнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда солиқ юки таҳлили макро ва микро даражада амалга оширилиб, унинг

<sup>65</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хulosалари ўзаро интегарциялашган ҳолда шакллантирилади, солик юкига таъсир этувчи омилларни мазмунан ва шаклан боғлиқликда икки гурухга ажратган (солик сиёсатидаги ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш ва солик маъмурчилиги билан боғлиқ бўлмаган омиллар ва солик маъмурчилиги билан боғлиқ омиллар)нинг таъсири таҳлил қилинган ҳолда илмий хulosалар олишга хизмат қиласди, шунингдек, услубиётга кўра, таҳлил жараёнида қайси тадқиқот (таҳлил) усулларидан фойдаланиш лозимлиги ҳамда хulosалар чиқаришнинг турлари кўрсатиб берилган. Умумий қилиб айтганда солик юкини оптимал таҳлил қилиш услубиёти солик тизимида макро ва микро даражада солик юкини оптималлаштиришга қаратилган давлатнинг солик сиёсатида тегишли қарорлар қабул қилиш ва илмий хulosалар тайёрлашда методологик асос сифатида солик юкини оптималлаштиришнинг илмий-амалий йўналишларини белгилашга хизмат қиласди.

Бундан ташқари фикримизча, солик юкини оптималлигини аниқлаш билан боғлиқ таҳлилларни амалга оширишда қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

### **1-гурух: Солик юкининг иқтисодий ўсишга таъсири**

Бунда: *солик юки ва бизнеснинг рақобатбардошлиги-юкининг юқори даражаси бизнеснинг рақобатбардошлиги ва инвестицияларига қандай таъсир қилиши;*

*мехнат таклифи ва солик юки- микроиктисодий таҳлил- даромад солиғи, ижтимоий сугурта ставкалари ва бошқа омилларнинг меҳнат фаолиятига таъсирини, солик юкидаги ўзгаришлар шахсларнинг меҳнат ва дам олиш ҳақидаги қарорларига қандай таъсир қилиши;*

*солик ислоҳоти ва иқтисодий ўсиш- мамлакат/минтақанинг эмпирик таҳлили- солик тизими ислоҳотларининг иқтисодий ўсиш ва ривожланишга таъсири таҳлили, инвестициялар, инновациялар ва бошқа жиҳатларга таъсири таҳлили;*

*солиқ юки ва миграция таҳлили-* солиқ юки одамлар ва компанияларнинг бир мамлакат ёки минтақадан бошқасига кўчиб ўтиш қарорларига қандай таъсир қилиши;

*солиқ юкининг тақсимланиши ва тенгсизлик*-солиқ юкининг турли аҳоли гурухлари бўйича қандай тақсимланиши ва бу даромад даражаси ва тенгсизликка қандай таъсир қилиши;

*мамлакатлар бўйлаб солиқ тизимларининг қиёсий таҳлили-* иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий тенглик нуқтаи назаридан уларнинг қучли ва заиф томонларини баҳолаши ва шу кабилар.

**2-гурух: Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва солиқ юки ўртасидаги боғлиқлик**

Бунда:

*солиқ юкининг ЯИМга таъсири* –юқори, нормал ва паст солиқ юкининг белгиланиши ва бозор қоидаларига кўра, уларнинг солиқ тўловчиларга нисбатан тақсимланиши, шунингдек, солиқ юкининг даражасининг ЯИМни рафбатлантириши ёки камайишига олиб келувчи омилларнинг ўзаро таъсири таҳлили;

*солиқ юки ва инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлик таҳлили-* миллий, ҳудудий ва алоҳида олинган солиқ тўловчиларга жалб қилинган инвестицияларнинг солиқ базасига таъсири орқали солиқ юкига ижобий таъсирини таҳлил қилиш, бунда инвестицияларнинг турлари доирасидаги жалб қилинган капитал ҳажмининг маҳсулот реализациясини ошишига таъсир қилиши натижасида солиқ тушумларининг кўпайиши таҳлил қилиш;

*солиқ эластиклиги ва ЯИМ ўзаро боғлиқлиги таҳлили-* ЯИМ ва солиқларнинг эгилувчанлиги ўртасидаги коррелацион боғлиқ орқали солиқ юкининг ошишига ёки камайишига таъсири таҳлил қилинади.

**3-гурух: Нархлар ва солиқ юки ўртасидаги боғлиқлик солиқларнинг товарлар ва хизматлар нархларига таъсири**

*маҳсулот таннархи ва солиқ юки ўртасидаги боғлиқлик-* солиқ тўловчилар томонидан маҳсулот таннархига олиб бориладиган харажатлар динамикасининг солиқ тўловчининг солиқ юкига таъсирини таҳлили;

*материал ва хом-ашёнинг нархи ўзгариши таҳлили-* маҳсулот ишлаб чиқариш жараённада материал харажатларининг нархи орқали солиқ тушумларига таъсирини таҳлил қилиш ва шу кабилар.

Таъкидлаш лозимки, солиқ юки инвестициялар ва инновацияларга таъсир қилиши мумкин. Даромад ёки капитал қўйилмаларга нисбатан юқори солиқлар компанияларнинг ривожланишга сармоя киритиш рағбатларини камайтириши ва умумий ишлаб чиқаришни камайтириши мумкин, бу эса нархларга таъсир қиласи, нархлар ва солиқ юки ўртасидаги муносабатлар мураккаб бўлиб, бир қанча омилларга боғлиқ. Солиқ юки, яъни фуқаролар ва корхоналар томонидан тўланадиган солиқларнинг умумий миқдори товарлар ва хизматлар нархига тўғридан-тўғри солиқлар ва нархлар, билвосита солиқлар ва нархлар: солиқ юки ва нархларнинг ўзгариши тарзида юз беради.

Солиқ юкининг умумий даражаси иқтисодий фаолият ва талабга таъсир қилиши мумкин. Агар солиқ юки жуда юқори бўлса, у истеъмолчиларнинг харид қобилиятини пасайтириши ва товар ва хизматларга бўлган умумий талабга таъсир қиласи, аммо шуни таъкидлаш керакки, солиқ юкининг нархларга таъсири ҳар доим ҳам тўғридан-тўғри эмас ва бозор рақобати, умумий инфляция, талаб ва таклифнинг ўзгариши, талаб ва таклифнинг эгилувчанлиги даражаси каби бошқа омиллар билан мураккаблашиши мумкин.

Солиқ юкини оптималлаштириш масаласи юқорида бир неча марта тақрорлаганимиздек, услубиёт билан боғлиқдир. Солиқ юкини аниқлаш услубиётига оид илмий таҳлилларни иккинчи бобнинг дастлабки бандларида келтириб ўтган эдик. Унда бу борада кўплаб илмий ёндошувлар, жумладан, республикамиз солиқ тизимида солиқ юкини аниқлашни такомиллаштириш бўйича ҳам таклифлар ишлаб чиқилганлигини келтириб ўтган эдик. Аммо, биз диссертацион тадқиқотларимиз доирасидаги таҳлилларимизга таянган ҳолда

шуни таъкидлаймизки, бугунги кунга қадар фойдаланиб келинаётган солик юкини аниқлаш ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан тавсия этилган илмий-услубий тавсияларни янада такомиллаштиришга эхтиёж мавжуддир. Шундан келиб чиқсан ҳолда бу борадаги муаллифлик илмий-услубий ёндошувимизни илмий асослашга ҳаракат қиласиз.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солик хавфини бошқариш, солик хавфи мавжуд солик тўловчиларни (солик агентларини) аниқлаш ва уларни солик хавфи даражаси бўйича тоифалаш тартиби тўғрисида НИЗОМ”да республикамиз солик тизимида солик юкини аниқлашнинг ушбу услубияти келтирилган бўлиб, бу расмий услубиёт ҳисобланади, яъни:

$$B = T \times 100\% / In$$

Бунда:

**B** — солик юки;

**T** — солик даври давомида тўланиши лозим бўлган соликлар суммаси;

**In** — солик даврида товарларни (хизматларни) сотишдан тушган даромад.

Мазкур солик юки кўрсаткичи иқтисодий фаолият турлари бўйича аниқланиши белгиланган бўлиб, Низомда келтирилганидек, иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha солик юки кўрсаткичи Давлат солик қўмитасининг расмий веб-сайтида ҳар йили эълон қилиниб борилиши лозим бўлади. Мазкур расмий услубиётнинг моҳиятига кўра, биринчидан иқтисодий фаолият турлари бўйича аниқлашга хизмат қилса, иккинчидан, бунда солик тўловчининг солик даврида тўлаши лозим бўлган соликлар суммаси эътиборга олинади, яъни, ҳакиқий тўланган соликлар эмас, балки солик даврида тўланиши лозим бўлган соликлар суммаси асос қилиб олинади.

Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, мазкур расмий услубиёт мутлоқ услубиёт ҳисобланади, умумий услубиёт қоидасига кўра, мутлоқ услубиёт ҳар доим ҳам қўйилган масаланинг моҳиятини тўлароқ очиб бера олмайди, шу боисдан ҳам нисбий услубиётдан фойдаланиш тақозо этилади. Солик юки

бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган кўпгина олимлар таъкидлаганидек (бу хақда диссертациямизнинг 2 бобида келтириб ўтилган), солик юкини нисбий тартибда ҳам аниқлаш лозим бўлади. Нисбий солик юкини аниқлаш бўйича айрим муаллифлар (масалан, М.Алимарданов, Ш.Тураев, И.Ниёзметов)нинг ёндошувидан фарқли равишда биз солик юкини аниқлашнинг миллий иқтисодиёт ҳамда солик тўловчи миқёсидаги нисбий солик юкини аниқлаш услугбиётимизни ишлаб чиқдик.

$$MI_{\text{исю}} = CT \cdot (IKX \cdot MZh \cdot MMK \cdot Й \cdot DB + CI + CK) / MD * 100 \quad (1)$$

Бу ерда:

MI<sub>исю</sub>-миллий иқтисодиёт доирасидаги нисбий солик юки

СТ-солик тўловлари

ИҚХ-давлат бюджетидан иқтисодиётга қилинган харажатлар

МЖ-молиявий жарималар

ММК-мусодара қилинган мол-мулклар қиймати

Й-турли хил йигимлар

ДБ-давлат божлари

СИ-солик имтиёзлари

СҚ-ундирилмай қолинган солик қарздорлиги

МД-Миллий даромад.

Миллий иқтисодиёт даражасида нисбий солик юкини аниқлашда биз томонимиздан таклиф этилаётган услубиётнинг моҳияти шундаки, реал солик юкини аниқлаш учун нисбий кўрсаткичлар асосида аниқлаш лозим бўлади. Фикримизча, умумий солик юки услубиётидаги каби жами тўланган соликлар суммасини барчасини солик юкини аниқлашда мутлоқ кўрсаткич қилиб олиш реал солик юкини ифода олмайди, шу боисдан, айрим кўрсактичларни, жумладан, давлат бюджетидан иқтисодиётга қилинган харажатларни чегириш аслида тўланган солик суммаси солик тўловчилар ихтиёрида янада қайтиб боришини англатади, молиявий жарималар ҳам солик тўловчиларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади, шу боисдан ушбу кўрсактични ҳам чегириш ўз моҳиятига эга бўлади, яъники, бу кўрсаткич мажбурий характерга эга эмас,

қачонки, солиқ қонунчилиги бузилсагина қўлланилади, мусодара қилинган мол-мулклар қиймати ва давлат божлари кўрсаткичлари ҳам молиявий жарималар сингари моҳиятга эга, солиқ имтиёzlари ҳамда ундирилмай қолинган солиқ қарздорлиги кўrсаткичларини эса, аксинча солиқ юки суммасига қўшиш мақсадга мувофиқ, сабаби бу кўrсаткичлар доирасидаги тегишлича солиқ суммалари давлат бюджетига келиб тушиши ва ҳақиқий солиқ юкини ифодалаши керак бўлади, шу боисдан ушбуларни солиқ юки кўrсаткичи сифатида олиш иқтисодий ва мантиқий жиҳатдан тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари ушбу кўrсаткичларни ЯИМга эмас, балки миллий даромад суммасига бўлиш лозим, сабаби ЯИМ ичида қилинган харажатлар ҳам бўлади, солиқ юкини аниқлашда ЯИМдан фойдаланиш пеал солиқ юкини кўrсатиб бера олмайди, шу сабабли қилинган харажатларни ўзида акс эттиrmайдиган ва миллий иқтисодиёт доирасидаги даромадни ифодалайдиган кўrсаткич-миллий даромад (МД)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Албатта миллий иқтисодиёт доирасидаги умумий ва нисбий солиқ юкини аниқлаш мамлакат миқёсидаги солиқ юкини аниқлашга ва бу борадаги давлатнинг солиқ сиёsatини ишлаб чиқишга хизмат қиласи, аммо, солиқ юки кимнинг гарданига тушади? Албатта солиқ тўловчининг зиммасида бўлади, шу боисдан фикримизча миллий иқтисодиёт даражасидаги солиқ юкининг нисбий шаклини солиқ тўловчилар кесимида ҳам аниқлаш услубий жиҳатдан тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз ва уни қуйидагича аниқлашни таклиф этамиз:

$$K_{\text{нсю}} = (TC\text{-СИМ-ТСК} + PTCC\text{-ТМЖ}) / ЖД * 100 \quad (2)$$

Бу ерда:

К<sub>нсю</sub> –корхонанинг нисбий солиқ юки

ТС-тўланган солиқлар

СИМ- самарасиз фойдаланилган солиқ имтиёзи суммаси

ТСК-тўланмаган солиқ қарздорлик суммаси

PTCC- базис даврига нисбатан маҳсулот реализацияси ҳисобига тўғри келадиган солиқ тушумининг ошиши


## ТМЖ -тўланган молиявий жарималар

### ЖД-жами даромад

Биз томонимиздан корхоналар миқёсидаги нисбий солиқ юкини аниқлашнинг ушбу услубиётининг моҳияти шундан иборатки, юқорида келтириб ўтилган миллий иқтисодиёт доирасидаги каби нисбий солиқ юки кўрсаткичи корхоналар зиммасидаги реал солиқ юкини тўлиқ ифодалашга хизмат қилади, чунки, корхонанинг қанча солиқ тўлаганлигини ўзи билан аниқлаш реал ҳолатни кўрсата олмайди. Масалан олайлик, самарасиз фойдаланилган солиқ имтиёзи суммаси, тўланмаган солиқ қарздорлик суммаси, тўланган молиявий жарималар кабилар аслида солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятига боғлиқ бўлади ва уларни солиқ юкини аниқлашда тўланган солиқ суммасидан чегириб ташлаган ҳолда аниқлаш керак бўлади, албатта бу кўрсаткичлар солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг пастроқ кўрсаткичларда бўлишини ифодалайди ва айрим солиқ тўловчилар даъво қиласиганидек, уларнинг зиммасидаги аниқ солиқ юкини кўрсатиб беради ва солиқларнинг адолатлилик тамойили қўлланилиши кўрсатиб туради.

Қайд этиш жоизки, солиқ юкини оптималлаштириш масаласида энг қийин ва нозик жиҳатлардан, қолаверса, аксарият давлатларидағи каби Ўзбекистон солиқ сиёсатида ҳам энг долзарб муаммолардан бири бу-солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзларини ўзаро тенг боғлиқликда кўриб чиқиш ва унинг оқибатида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптималлигини таъминлаш муаммосидир. Аслида бу ҳақда юқорида айтиб ўтилганидек, солиқ сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда бу борадаги айрим илмий таклифларимизни илмий асосини келтиришга ҳарақат қиласиз:

**Солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро коррелацион боғлиқлиги**



**3.3-расм. Солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро коррелацион боғлиқлиги<sup>66</sup>**

Юқорида келтирилаётган 3.3-расмдан кўриш мумкинки, солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро

<sup>66</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

корреляцион боғлиқлиги икки хил тартибда юзага чиқади. Бу иқтисодий ва маъмурӣ шаклда мавжуд бўладиган солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири солиқ ставкаси ва имтиёзларининг ўзаро кесишмаси тарзида юз беради. Мазкур корреляцион боғлиқ орқали давлат солиқ сиёсатидаги солиқ юки билан боғлиқ тактикаларнинг турли хил таъсири охир оқибатида солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири ижобий ва салбий тарзда бўлади. Мазкур боғлиқликнинг ҳолати шундан далолат берадики, давлат солиқ юкининг таъсири баҳолаб бориш орқали солиқ тизимидағи ислоҳотларнинг самарасини ўлчаш имконини беради ва уларнинг таъсири давлат бюджетиниadolатли солиқ тамойилини қўллаш орқали даромадларни максимал шакллантиришни таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлади, мана шу шарт бажарилган ҳолатдагина солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги тўғри респектда бўлади, буни эса давлатнинг солиқ сиёсатида ўз аксини топиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлат солиқ сиёсатида солиқ тўловчилар зиммасида солиқ юкини нотекис тақсимланишга олиб келаётган ва бу борада жуда кўплаб бахсларга сабаб бўлаётган ҚҚС бўйича солиқ ставкасини бир мунча (3 фоизга тушириш амалдаги ставкадан) ва у билан боғлиқ айрим солиқ имтиёзларини самаралиги жиҳатдан қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, 2023 йилги солиқ Концепциясида ҚҚС ставкасини амалдаги 15 %дан 12 %га пасайтириш ҳисобига солиқ юкини камайтиришга эришиш, шунингдек, нархларнинг барқарорлиги таъминлаш ҳамда аҳоли ва бизнес ихтиёрида қолиши мумкин бўлган 7 трлн.сўм маблағнинг уларнинг харид қилиш қобилиятининг ошишига олиб келишни таъминлашга эришиш мумкин. Бу ерда давлат бюджети доирасида ўртача 14 трлн.сўмлик молиявий йўқотиш ҳисобига солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг кескин камайишини айрим солиқ имтиёзларини бекор қилиш эвасига оптималлаштириш мумкин.

Яъни, 2023 йилги солиқ Концепциясида даромади 1 млрд.сўмдан ошган солиқ тўловчилар даромад ошган ойнинг кейинги ойидан бошлаб ҚҚС

тўлашга ўтади даган тартибни жами даромади 1 млрд.сўмдан ошган айланма амалга оширилган пайтдан бошлаб ҚҚС тўловига ўтишини белгилаш эвазига ўртacha ҳисобда 173 млрд.сўмлик; ҚҚС бўйича аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, ижтимоий қўмакга муҳтоҷ аҳоли қатлами ва бошқа ижтимоий реестрга киритилган шахслар учун “Cashback” механизми орқали товар ва хизматларни сотиб олишдаги ҚҚС суммасини қоплаб бериш амалиётини жорий этиш доирасида 1 364,6 млрд.сўмлик бюджет йўқотишини қоплаш; солиқ тўловчи томонидан 90 кун ичida ҚҚСни бюджетга тўланмаган тақдирда, ҳисобга олинадиган солиқ суммасига тузатиш киритиш ҳамда ҳисобга олишдан чиқариб ташлаш ҳисобига давлат бюджетига қўшимча 720 млрд.сўмлик молиявий маблағни жалб этиш (йўқотишини қоплаш); амалдаги Солиқ кодексига асосан ҚҚС тўловчилар фаолият тури билан боғлиқ ҳолда сотиб олинган автомобиллар, мотоцикллар, вертолётлар, моторли қайиқлар, ҳаво кемалари, шунингдек, бошқа турдаги автомото-транспорт воситаларининг ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга деган нормани ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эгаслиги нормасига алмаштириш ҳисобига давлат бюджетига 280 млрд.сўмлик қўшимча маблағ жалб этиш орқали солиқ ставкасини пасайтириш ва самарасиз солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш асосида солиқ юкини оптималлаштириш фикримизча солиқ тўловчилар ва истеъмолчилар зиммасидаги солиқ юкини оптимал белгилаш имкониятини беради.

Солиқ юкини оптимал белгилаш борасидаги яна бир муҳим муаммолар йўналиши бу солиқ обьектларига тортиладиган иқтисодий жараён ва ҳолатларни солиқларнинг адолатлилик тамойили асосида солиқ муносабатлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳисбланади. Тадқиқот ишимиз доирасида амалга оширган илмий таҳлилларимизнинг хulosалари ва айrim ҳисоб-китобларимизга асосан қўйидаги таклифларимизни ишлаб чиқдик.

**Биринчидан**, акциз солиғи ҳам солиқ юкини оптималлаштиришда муҳим роль ўйнайдиган солиқ турларидан бири бўлганлиги сабабли, ушбу

солиқ тури бүйича бензин ва дизель ёқилғисини охирги истеъмолчиларга сотадиган шахслар учун акциз солиғини бекор қилиб, уни тўлаш мажбуриятини ушбу нефт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга юклаш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, бензин ва дизель ёқилғиси ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган акциз солиғи ставкасини бензин учун 275 минг сўм ва дизель учун 264 минг сўм, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотнинг бир тоннаси учун 750 минг сўмгача ошириш (*ягона ставка*) мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Чунки, таклиф этилаётган тадбирлар акциз солиғи маъмурчилигини такомиллаштириш ва кичик бизнес субъектларининг солиқ мажбуриятларини бажариш харажатларини камайтиришга олиб келади.

Таклиф этилаётган тадбирларнинг қабул қилиниши акциз солиғи турларини бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатмасдан унификация қилиш имконини беради. 2022 йилнинг биринчи ярмида ёқилғи қўйиш шохобчаси томонидан тўланган акциз солиғи 1,5 трлн. сўм, нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар эса 255 млрд. сўмни ташкил қиласди, бу эса, давлат бюджетига қўшимча 63,0 млрд.сўмлик маблағ жалб этилиши ва солиқ тўловчилар зиммасига солиқ юкининг кескин ошишига олиб келмайди.

**Иккинчидан,** юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи доирасида солиқ кодексига асосан темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари, Ҳукумат консервация қилиш тўғрисидаги қарорига асосан кўчмас мулк обьектлари учун мол-мулк солиғи ставкаси 0,5 фоиз микдорида белгиланган бўлиб, фикримизча, мазкур обьектлар учун мол-мулк солиғи ставкасини 0,5% дан 0,8% гача ошириш солиқ юкини оптималлаштиришга хизмат қиласди. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкасини ушбу обьектлар учун индексация қилиш унинг ҳажмини йиллик инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда асосий ставка даражасига етказиш ва teng солиққа тортиш шартларини яратиш учун зарурдир, бунинг оқибатида давлат бюджетига қўшимча 149,7 млрд.сўмлик

маблағ жалб этилиши ва солиқ тұловчилар зымасига солиқ юкининг кескин ошишига олиб келмайды.

**Учинчидан**, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи доирасида солиқ юкини ҳам оптималлаштириш тақозо этилади. Таҳлилларимизнинг күрсатишича, бугунги кунда солиқ кодексига асосан қишлоқ хұжалиги ерлари учун ер солиғининг солиқ солинадиган базаси ернинг норматив қиймати ҳисобланади ва қишлоқ хұжалиги ерларининг солиқ ставкаси ер норматив қийматининг 0,95 фоизи миқдорида белгиланган. Таҳлиллар бу нормани бироз үзгартиришни тақозо этмоқда. Таклифимизча, солиқ ставкасини сақлаб қолиш, шу билан бирга қишлоқ хұжалиги ерларининг 1 гектарига ҳисобланган ер солиғи қуидаги миқдорлардан кам бўлмаслиги тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

- суғориладиган ерлар учун — 1 БҲМ (300 минг.сўм);
- суғорилмайдиган ерлар учун — БҲМнинг 1% (3 минг сўм).

Чунки, бугунги кунда 92,2 минг солиқ тұловчи қишлоқ хұжалиги ерлари учун ер солиғини тұлайди. Бундай солиқ тұловчиларнинг ҳисобланган солиқ суммаси 619,5 млрд.сўмни ёки ер солиғи бўйича жами ҳисобланган сумманинг 20 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, 1 га суғориладиган ерлар учун ҳисобланган солиқнинг ўртача миқдори 176,2 минг сўмни, суғорилмайдиганлар учун эса 1,3 минг сўмни ташкил этади. Мазкур таклифнинг жорий этилиши ҳисбларимизга кўра давлат бюджетига қўшимча 449,2 млрд.сўмлик маблағ жалб этилиши ва солиқ тұловчилар зымасига солиқ юкининг кескин ошишига олиб келмайды.

**Тўртинчидан**, айланмадан олинадиган солиқ (АОС) бўйича ҳам бугунги кунда солиқ юкининг тақсимланиши мазкур солиқ бўйича солиқ юкининг оптималлигини таъминлашга айрим тўсқинликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, солиқ кодексига асосан солиқ тұловчилар учун фаолият тури ва уни амалга ошириш жойига қараб 22 турдаги АОС ставкалари белгиланган. Мазкур солиқ ставкаларининг солиқ юкига таъсири юзасидан

таҳлилларимиздан келиб чиқиб уни белгилаш юзасидан 3 та вариантни таклиф этамиз.

*1-вариант.* АОСнинг ягона ставкасини 3 фоиз қилиб белгилаш. Шу билан бирга, мазкур унификация доирасида чекка худудларда фаолият кўрсатаётган АОС тўловчилар учун 1 фоизлик имтиёзли ставкани сақлаб қолиш.

*2-вариант.* АОСнинг ягона ставкасини 2 фоиз қилиб белгилаш. Шу билан бирга, ойига тўланадиган солик суммаси (*фермер хўжаликлари бундан мустасно*) Тошкент шаҳрида 3 БҲМ (900 минг) дан, Нукус ва вилоят марказларида – 2 БҲМ (600 минг), бошқа аҳоли яшаш пунктларида – 1 БҲМ (300 минг) кам бўлмаслигини белгилаш.

*3-вариант.* АОСнинг ягона ставкасини 3 фоиз қилиб белгилаш. Шу билан бирга, АОС тўловчиларга қатъий йиллик 30 млн.сўм тўлаш хуқуқини бериш. Бунда, улар томонидан товарларни кирим қилиниши бўйича битимларга солик назорати татбиқ этилмайди.

Шу билан бирга, ихтиёрий ёки мажбурий равишда ҚҚС тўлашга ўтишда бундай солик тўловчиларга қолдиқ товарлар бўйича ҚҚСни қоплаш хукуки берилмайди. АОС бўйича турли солик ставкаларининг мавжудлиги алоҳида ҳисоб юритиш зарурлиги туфайли вақт ва молиявий харажатларнинг ошишига олиб келади.

Шу билан бирга, таҳлилларга кўра, АОС 368,9 минг солик тўловчиidan 171,3 мингтаси ёки 46,4% ўз даромадларини солик ҳисботларида кўрсатмаслиги ва 23,2 мингтаси ёки 13,7% ойига солиқни 1 БҲМдан ошмайдиган миқдорда тўлашлари аниқланди. Хиндистон ва Латвия каби мамлакатларнинг тажрибасида ягона айланмадан олинадиган солик ставкаси 8% ва 9% мавжуд. Буюк Британия, Швейцария ва Сингапур каби мамлакатларда айланмадан олинадиган солик мавжуд эмас.

Бундан ташқари мазкур солик бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган миқдорда ёки декларация асосида тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини бекор қилиш мақсадга

мувофик, ушбу солик ўрнига якка тартибдаги тадбиркорлар айланма солиги ёки ҚҚС ва фойда солиқларини тўлашни танлашлари керак бўлади. Биз томонимиздан АОС бўйича солик ставкаларини оптималлаштириш ҳисобига солик тўловчилар зиммасидаги солик юкини 342 млрд.сўмга камайтиришга олиб келади ва солик юкини оптималлиги таъминланади.

Юқорида биз томонимиздан илмий таҳлилларга асосланган солик юкини оптималлаштиришга қаратилган илмий таклифларимиз бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий соҳада, жумладан, солик тизимидағи ислоҳотларнинг ижобий жиҳатдан амалга оширилишида ўзининг илмий-амалий аҳамиятига эга бўлиб, ушбу таклифларимиз 2023 йилги Ўзбекистоннинг бюджет-солик сиёсатини ишлаб чиқиша амалий жиҳатдан жорий этилганлиги билан аҳамиятлидир.

### **3-боб бўйича хulosса**

Тадқиқот ишимизнинг мазкур боби бўйича амалга оширган илмий тадқиқотларнинг умумий хulosалари сифатида қуидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

Оптимал солик юкини белгилашда давлат иккита муҳим масаланинг ечимини ўзаро уйғун қараш лозим. Булар бир томондан давлатнинг функцияларини оптимал тарзда бажариши учун керак бўладиган молиявий маблағларни жалб қилиш имкониятини берувчи солиқقا оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва юритиш, бошқа томондан солик тўловчиларни адолатли солиқса тортиш асносида уларнинг иқтисодий фаолиятини чеклаб қўймасликни таъминлайдиган мутадил солик сиёсатини амалга оширишни тақозо этади.

Солик юки ҳажмига нисбатан адолатли қарашнинг етарли эмаслиги солик юкини адолатли баҳолашга тўсқинлик қилаётган муаммолардан биридир. Бу ерда солик юки тушунчаси нисбий характерга эга эканлиги ва солиқларнинг адолатлилик тамойилинини ўзида ифодаланишини эътиборга олиш зарур бўлади.

Солик юкини оптимал белгилаш ва уни аниқлашдаги яна бир долзарб муаммолардан бири сифатида давлат солик сиёсатида солик юкини

белгилашда ижтимоий инструментлардан кўра молиявий инструментларга устуворлик берилишини келтириб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда республикамиз солиқ тизимида солиқ юкига таъсир этувчи омилларнинг етарлича баҳоланмаслиги ва унинг методологиясининг такомиллашмаганлиги ҳам бу борадаги долзарб илмий-амалий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот иши натижалари доирасида ишлаб чиқилган солиқ юкини оптимал таҳлил қилиш услубиёти солиқ тизимида макро ва микро даражада солиқ юкини оптималлаштиришга қаратилган давлатнинг солиқ сиёсатида тегишли қарорлар қабул қилиш ва илмий хulosалар тайёрлашда методологик асос сифатида солиқ юкини оптималлаштиришнинг илмий-амалий йўналишларини белгилашга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча миллий иқтисодиёт даражасида нисбий солиқ юкини аниқлашда биз томонимиздан таклиф этилаётган услубиётнинг моҳияти шундаки, реал солиқ юкини аниқлаш учун нисбий кўрсаткичлар асосида аниқлаш лозим бўлади. Фикримизча, умумий солиқ юки услубиётидаги каби жами тўланган соликлар суммасини барчасини солиқ юкини аниқлашда мутлоқ кўрсаткич қилиб олиш реал солиқ юкини ифода олмайди, шу боисдан, айрим кўрсактичларни, жумладан, давлат бюджетидан иқтисодиётга қилинган харажатларни чегириш аслида тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчилар ихтиёрида янада қайтиб боришини англатади, молиявий жарималар ҳам солиқ тўловчиларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади, шу боисдан ушбу кўрсактични ҳам чегириш ўз моҳиятига эга бўлади, яъники, бу кўрсаткич мажбурий характерга эга эмас, қачонки, солиқ қонунчилиги бузилсагина қўлланилади, мусодара қилинган мол-мулқлар қиймати ва давлат божлари кўрсаткичлари ҳам молиявий жарималар сингари моҳиятга эга, солиқ имтиёzlари ҳамда ундирилмай қолинган солиқ қарздорлиги кўрсаткичларини эса, аксинча солиқ юки суммасига қўшиш мақсадга мувофиқ, сабаби бу кўрсаткичлар доирасидаги тегишлича солиқ суммалари давлат бюджетига келиб тушиши ва ҳақиқий солиқ юкини ифодалаши керак бўлади, шу боисдан

ушбуларни солиқ юки кўрсаткичи сифатида олиш иқтисодий ва мантиқий жиҳатдан тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро коррелацион боғлиқлигининг ҳолати шундан далолат берадики, давлат солиқ юкининг таъсири баҳолаб бориш орқали солиқ тизимидағи ислоҳотларнинг самарасини ўлчаш имконини беради ва уларнинг таъсири давлат бюджетиниadolatли солиқ тамойилини қўллаш орқали даромадларни максимал шакллантиришни таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлади, мана шу шарт бажарилган ҳолатдагина солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро коррелацион боғлиқлиги тўғри респектда бўлади, буни эса давлатнинг солиқ сиёсатида ўз аксини топиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## ХУЛОСА

Тадқиқот ишимизни амалга ошириш якуни доирасида бир қатор илмий хулосалар чиқаришга ҳамда тадқиқот обьекти кесимида айрим муаммоларнинг ечимларига қаратилган айрим илмий таклифларни ишлаб чиқишига муваффақ бўлинди:

Солиқ юки биринчидан, жамият аъзолалари зиммасига юклатилган молиявий мажбуриятни англатади, иккинчидан, солиқ категориясининг ўзи моҳиятнан ҳам солиқ юкини ифодалайди, учинчидан, муаян давр мобайнида жамиятда яратилган қийматнинг жамият аъзолари ўртасида қайта тақсимланишини тавсифлайди, тўртинчидан, иқтисодий муносабатларда янгидан яратилган қийматнинг ижтимоийлашувини таъминлади, бешинчидан, солиқ юки аслида жамиятдаги ишлаб чиқариш субъектлари ва мулк ҳамда даромадга эга бўлган жисмоний шахсларнинг жамиятга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ва молиявий хизматларини молиялаштиришдаги улушини англатади, олтинчидан эса, давлатнинг ижтимоий ва молиявий хизматлари ким қанча фойдаланган бўлса, ана шу миқдорда (ҳажмда) молиявий мажбурият олмаслиги ёки тескари ҳолатда бўлишини кўрсатиб беради ва шу орқали ижтимоий-иктисодий қайта тақсимланишлар мавжудлигини кўрсатади.

Солиқ юки тақсимот муносабатлари билан корреляцияси тўғри-тўғри ва билвосита тарзида мавжуд бўлади. Тўғридан тўғри тарзида эса, ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмининг давлатнинг молиявий маблағларини шакллантириш мақсадида қайта тақсимланиши жараёни солиқ юкини юзага келтиради ва унинг миқдори давлатнинг солиқ сиёсатидан келиб чиқиб аниқланади. Билвосита боғлиқлиги эса, солиқ юкининг ўзи ичидаги ижтимоий хизматлари истеъмол этувчи соҳага йўналтирилган маблағлардан меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлари ҳам солиқ юки сифатида қаралади.

Умумий тарзда солиқ юкини аниқлаш деганда, аслида жамият аъзоларининг иқтисодий фаолиятида топган янгидан яратган қиймати (даромади)ни қанчасини давлат ихтиёрига жалб қилинишини ҳал қилиш

масаласи тушунилади. Аммо, давлатнинг молиявий маблағларга эҳтиёжи чексиз бу объектив-иктисодий қонуниятдир. Солиқ юки ҳам солиқлар сингари эквивалентсизликка эгадир, яъни, кимга қанча солиқ юки белгиланса, унинг эвазига шунча миқдорда давлатнинг ижтимоий манфаатлар олмаслиги ёки умуман солиқ юки тушмаган индивидлар давлатнинг аксинча, кўпроқ ижтимоий хизматларни истеъмол қилиши мумкин ва шу орқали солиқ юкининг ижтимоий хизматларга билан тўлиқ таъминланмаслиги рўй бериб туради ва бу жамиятни иқтисодий жиҳатдан бошқаришда муҳим дастак ҳам ҳисобланади.

Солиқ юкининг иқтисодиётга якуний таъсири солиқларнинг ҳажми, уларнинг тузилиши, маъмурий самарадорлиги, истеъмол, даромад ва мулк солиғи ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, давлатнинг умумий иқтисодий ва ижтимоий сиёсати каби кўплаб омилларга боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири ҳар хил турдаги солиқлар, уларнинг ставкалари, ундириш усуслари, умумий иқтисодий вазият ва бошқа кўплаб омилларнинг комбинациясига боғлиқ.

Илмий тадқиқот услубиётига асосланган ҳолда бизга қадар солиқ юки муаммосига бағишлиланган амалга оширилган тадқиқотлар қатори биз ҳам солиқ юкининг моҳиятига оид муаллифлик ёндошувимизни келтиришни лозим топдик. Шундан келиб чиқсан ҳолда, *солиқ юки бу- иқтисодий субъектларга тегишли бўлган даромад, фойда, мол-мулк, ер ва бошқа солиққа тортиладиган объектлар доирасида жамият манфаатлари учун уларнинг зиммасига юклатиладиган молиявий мажбуриятлар тушунилади*. Чунки, моҳиятига кўра, солиқ юки аслида молиявий мажбуриятдир.

Тадқиқот иши доирасида ишлаб чиқилган “Солиқ юкини оптимал таҳлил қилиш услубиёти” мақро ва микро даражада солиқ юкини таҳлил қилишда муҳим услугий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу услубиётнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда солиқ юки таҳлили мақро ва микро даражада амалга оширилиб, унинг хulosалари ўзаро интегарциялашган ҳолда шакллантирилади, солиқ юкига таъсир этувчи

омилларни мазмунан ва шаклан боғлиқликда икки гурӯҳга ажратган (солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш ва солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ бўлмаган омиллар ва солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ омиллар)нинг таъсири таҳлил қилинган ҳолда илмий хулосалар олишга хизмат қиласди, шунингдек, услубиётга кўра, таҳлил жараёнида қайси тадқиқот (таҳлил) усулларидан фойдаланиш лозимлиги ҳамда хулосалар чиқаришга имкон беради.

Миллий иқтисодиёт даражасида нисбий солиқ юкини аниқлашда биз томонимиздан таклиф этилаётган услубиётнинг моҳияти шундаки, реал солиқ юкини аниқлаш учун нисбий кўрсаткичлар асосида аниқлаш лозим бўлади. Фикримизча, умумий солиқ юки услубиётидаги каби жами тўланган солиқлар суммасини барчасини солиқ юкини аниқлашда мутлоқ кўрсаткич қилиб олиш реал солиқ юкини ифода олмайди, шу боисдан, айрим кўрсактичларни, жумладан, давлат бюджетидан иқтисодиётга қилинган харажатлар, молиявий жарималарни солиқ тушумларидан чегириш, солиқ имтиёzlари ҳамда ундирилмай қолинган солиқ қарздорлиги кўрсаткичларини эса, аксинча солиқ юки суммасига қўшиш мақсадга мувофик, сабаби бу кўрсаткичлар доирасидаги тегишлича солиқ суммалари давлат бюджетига келиб тушиши ва ҳақиқий солиқ юкини ифодалashi керак бўлади.

Миллий иқтисодиёт даражасидаги солиқ юкининг нисбий шаклини солиқ тўловчилар кесимида ҳам аниқлаш услубий жиҳатдан тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқилган корхонанинг нисбий солиқ юки услубиёти корхоналар зиммасидаги реал солиқ юкини тўлиқ ифодалашга хизмат қиласди, чунки, корхонанинг қанча солиқ тўлаганлигини ўзи билан аниқлаш реал ҳолатни кўрсата олмайди. Чунки, самарасиз фойдаланилган солиқ имтиёзи суммаси, тўланмаган солиқ қарздорлик суммаси, тўланган молиявий жарималар кабилар аслида солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятига боғлиқ бўлади ва уларни солиқ юкини аниқлашда тўланган солиқ суммасидан чегириб ташлаган ҳолда аниқлаш керак бўлади, албатта бу кўрсаткичлар солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг пастроқ кўрсаткичларда бўлишини

ифодалайди ва айрим солиқ тўловчилар даъво қиласиганидек, уларнинг зиммасидаги аниқ солиқ юкини кўрсатиб беради ва соликларнингadolatлилик тамойили қўлланилиши кўрсатиб туради.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро коррелацион боғлиқлигининг ҳолати шундан далолат берадики, давлат солиқ юкининг таъсири баҳолаб бориш орқали солиқ тизимидағи ислоҳотларнинг самарасини ўлчаш имконини беради ва уларнинг таъсири давлат бюджетиниadolatли солиқ тамойилини қўллаш орқали даромадларни максимал шакллантиришни таъминлашга хизмат қилиши лозим бўлади, мана шу шарт бажарилган ҳолатдагина солиқ юкига таъсир этувчи ва солиқ юкининг иқтисодиётга таъсири омилларининг ўзаро коррелацион боғлиқлиги тўғри респектда бўлади, буни эса давлатнинг солиқ сиёсатида ўз аксини топиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлат солиқ сиёсатида солиқ тўловчилар зиммасида солиқ юкини нотекис тақсимланишга олиб келаётган ва бу борада жуда кўплаб бахсларга сабаб бўлаётган ҚҚС бўйича солиқ ставкасини бир мунча (3 фоизга тушириш амалдаги ставкадан) ва у билан боғлиқ айрим солиқ имтиёзларини самаралиги жиҳатдан қайтадан қўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Яъни, 2023 йилги солиқ Концепциясида ҚҚС ставкасини амалдаги 15 %дан 12 %га пасайтириш ҳисобига солиқ юкини камайтиришга эришиш, шунингдек, нархларнинг барқарорлиги таъминлаш ҳамда аҳоли ва бизнес ихтиёрида қолиши мумкин бўлган 7 трлн.сўм маблағнинг уларнинг харид қилиш қобилиятининг ошишига олиб келишни таъминлашга эришиш мумкин. Бу ерда давлат бюджети доирасида ўртача 14 трлн.сўмлик молиявий йўқотиш ҳисобига солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкининг кескин камайишини айрим солиқ имтиёзларини бекор қилиш эвасига оптималлаштиришга имкон беради.

Акциз солиги ҳам солиқ юкини оптималлаштиришда муҳим роль ўйнайдиган солиқ турларидан бири бўлиб, мазкур солиқ бўйича таклиф этилаётган тадбирларнинг қабул қилиниши акциз солиги турларини бюджет

даромадларига салбий таъсир кўрсатмасдан унификация қилиш имконини беради. 2022 йилнинг биринчи ярмида ёқилғи қўйиш шоҳобчаси томонидан тўланган акциз солиғи 1,5 трлн. сўм, нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар эса 255 млрд. сўмни ташкил қиласди, бу эса, давлат бюджетига қўшимча 63,0 млрд.сўмлик маблағ жалб этилиши ва солик тўловчилар зиммасига солик юкининг кескин ошишига олиб келмайди.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи доирасида солик кодексига асосан темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари, Ҳукумат консервация қилиш тўғрисидаги қарорига асосан кўчмас мулк обьектлари учун мол-мулк солиғи ставкаси 0,5 фоиз микдорида белгиланган бўлиб, фикримизча, мазкур обьектлар учун мол-мулк солиғи ставкасини 0,5% дан 0,8% гача ошириш солик юкини оптималлаштиришга хизмат қиласди. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкасини ушбу обьектлар учун индексация қилиш унинг ҳажмини йиллик инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда асосий ставка даражасига етказиш ва тенг соликقا тортиш шартларини яратиш учун зарурдир, бунинг оқибатида давлат бюджетига қўшимча 149,7 млрд.сўмлик маблағ жалб этилиши ва солик тўловчилар зиммасига солик юкининг кескин ошишига олиб келмайди.

Айланмадан олинадиган солик (АОС) бўйича ҳам бугунги кунда солик юкининг тақсимланиши мазкур солик бўйича солик юкининг оптималлигини таъминлашга айrim тўскىнликларни келтириб чиқармокда. Мазкур солик бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган микдорда ёки декларация асосида тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бекор қилиш мақсадга мувофиқ, ушбу солик ўрнига якка тартибдаги тадбиркорлар айланма солиғи ёки ҚҚС ва фойда соликларини тўлашни танлашлари керак бўлади. Биз томонимиздан АОС бўйича солик ставкаларини оптималлаштириш ҳисобига солик тўловчилар зиммасидаги солик юкини 342 млрд.сўмга камайтиришга олиб келади ва солик юкини оптималлиги таъминланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик наширлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Конуни билан тасдиқланган.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ 360 сон Конуни билан тасдиқланган.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 30-декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812-сон Конуни.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон фармони.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-73-сон қарори.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сонли “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш,

савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий

макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Қарори.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

1.20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон «Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Қарори.

1.21. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон Қарори билан тасдиқланган.

1.22. Кўчмас мулк обьектларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сонли Қарори билан тасдиқланган.

1.23. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Хулосаси.

1.24. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисида”ги ҳисобот бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Хуносаси.

1. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар
- 2.1. Agrawal, A, C Rosell and T Simcoe (2020), “Tax Credits and Small Firm R&D Spending”, American Economic Journal: Economic Policy 12(2): 1-21;
- 2.2. Silvia Appelt, Matej Bajgar, Chiara Criscuolo, Fernando Galindo-Rueda. “Effectiveness of R&D tax incentives in OECD economies” 14 October 2020;
- 2.3. Appelt, S, M Bajgar, C Criscuolo and F Galindo-Rueda (2020), “The effects of R&D tax incentives and their role in the innovation policy mix: Findings from the OECD microBeRD project, 2016-19”,
- 2.4. OECD Science, Technology and Industry Policy Papers, No. 92, OECD Publishing, Paris.,
- 2.5. Куликова Татьяна Вениаминовна. Инструменты планирования налоговой нагрузки хозяйствующих субъектов. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново 2004. С. 20.,
- 2.6. Гофтман Анна Павловна. Методика оценки налоговой нагрузки предприятий малого бизнеса в границах «налогового коридора». Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново-2008. С.24.,
- 2.7. Усовецкий Артем Анатольевич. Методы оптимизации налоговой нагрузки предприятий (на примере налога на добавленную стоимость). Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2003. С. 11.,
- 2.8. Лазутина Дарья Васильевна. Налоговая нагрузка и методы её расчета. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Тюмень – 2005. 25. С.,
- 2.9. Комарова Елена Ивановна. Налоговая нагрузка на экономику региона в условиях развития налоговой системы Российской Федерации.

Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Оренбург-2007. 11с.

2.10. Рогожин Антон Николаевич. Налоговая нагрузка в системе налоговой политики государства и организаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов – 2012. с 12.,

2.11. Балацкий Е. Лафферовы эффекты и финансовые критерии экономической деятельности//МЭиМО.-М.: 1997.- №11.стр.31-43.,

2.12. Мэнкью Н.Г.Принципы экономики.– СПб.: Питер Ком,1999., - с.356.,

2.13. Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. – М.: Ось-89, 1997., - с.346.,

2.14. Рикардо Д. Начала политической экономии и налоговогообложения. Сочинения, том I. Государственное издательство политической литературы.,

2.15. Белостоцкая В.А. Системный подход к измерению налоговой нагрузки//–М.: Финансы.,2003. – №3.-с.36-37.,

2.16. Кирова Е.А. Методология определения налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты//–М.: Финансы. 1998., №9.–с.30-32.,

2.17. Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия//–М.: Финансы. 2006.-№2.-с.42-46.,

2.18. Черник Д.Г., Налоги.4ое издание – М.: Финансы и статистика, 2000., - с. 430.

2.19. Маликов Т. “Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари”. Т.: Академия нашри. 2002 й.,

2.20. Адизов Санжар Рашидович. Солик юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири моделлаштириш. 08.00.06-Эконометрика ва статистика ихтисослиги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd)илмий автореферати. Тошкент-2018. 25 б.,

2.21. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.-Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003 й. 19-б.,

2.22. Гайбуллаев Орзумурад Зиядуллаевич. Солиқ юкини баҳолашни тақомиллаштириш. 08.00.07-молия, пул мұомаласи ва кредит ихтисослиги бүйіча іқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилған диссертация автореферати. Тошкент-2004. 24.б.,

2.23. Тураев Ш.Ш. “Иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштириш йұналишлари”. и.ф.д. учун ёзилған диссертация автореферати. Тошкент.: -2021 й,

2.24. Хотамов К.Р. “Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини тақомиллаштириш” диссертация и.ф.д., Т.: 2016 й.136 б.,

2.25. Санақулова Б.Р. “Кичик табдиркорлық субъектларини солиққа тортиш механизмини тақомиллаштириш орқали иқтисодий үсишини таъминлаш” д.д. Т.:2016 й. 120 б.,

2.26. Санақулова Б.Р., Бозоров Қ.Т., Адизов С.Р. Солиқ юки таҳлили. Үқув қўлланма. Тошкент. Иқтисодиёт нашриёти. 2017-323.б.,

2.27. Юлдашев О.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини тақомиллаштириш йұналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 бет.,

2.28. Қурбонов З.Н. “Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари” дис. И.ф.д. Тошкент:. БМА, 2008. 272 б.,

2.29. Исроилов Б.И. “Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилиниң методологик асослари ”. Диссертация и.ф.д., Самарқанд-2006.,

2.30. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили: назария ва амалиёт. Монография. Т.: “IQTISODIYOT”. 2022 йил. 150 бет.,

2.31. Нормурзаев У.Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Дисс. автореферати. – Т., 2022. - 22 б.

2.32. Раджапов У. “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини тақомиллаштириш” и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзилған дисс. Автореферати.-Т:-2006. 9-б.

2.33. Куликова Татьяна Вениаминовна. Инструменты планирования налоговой нагрузки хозяйствующих субъектов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново 2004. С. 20.

2.34. Гофтман Анна Павловна. Методика оценки налоговой нагрузки предприятий малого бизнеса в границах «налогового коридора». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново-2008. С.24.

2.35. Лазутина Дарья Васильевна. Налоговая нагрузка и методы её расчета. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Тюмень – 2005. 25. С.

2.36. Тұхсанов Қудратилло Нозимович. Корхоналар фаолиятини ривожлантиришни солиқ механизми орқали рағбатлантириш масалалари. "IQTISODIYOT VA TURIZM" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnalı №6(8) 2022.

2.37. Султанова Соня Махмудовна. GOSPODARKA I INNOWACJE. Volume: 22|2022. Корхона молиявий барқарорликкасолиқ юкининг таъсири. ISSN: 2545-0573.

2.38. Джамалов Хасан Нуманжанович. Корхоналар солиқ мажбуриятларининг шаклланиш модели хусусида. "PEDAGOGS" international research journal. Volume-32, Issue-1, April - 2023 ISSN: 2181-4027\_SJIF: 4.995.

2.39. С.Чепель. Бюджет соҳасини тартибга солишнинг макроиктисодий тенденциялари ва иқтисодиёт учун унинг оқибатлари: эконометрик ёндашув. Ўзбекистон иқтисодиёти журнали, 2006 й, №3.

2.30. Ниязметов Исламбек Машарипович. Солиқقا тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент-2018, 70 б.

2.31. Кетова Татьяна Викторовна. Внутрихозяйственный анализ налоговой нагрузки в системе налогового анализа и контроля бизнес.

Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2022. С.14.

2.32. Юрченко Вера Романовна. Регулирование налоговой нагрузки как фактора развития производства. Специальность 08 00 10 - финансы, денежное обращение и кредит Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2007. С. 15

2.33. Алимардонов М.И. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. И.ф.д. автореферати 23-бет, Т-2004.

2.34. Ваҳобов А., А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009.

2.35. Ашуррова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси. – Т., 2018. - 247 б.

2.36. Жамолов И.З. Хуфиёна иқтисодиётни бартараф этишда солиқ механизмининг таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2005. – 30-б

2.37. Д.Р.Қурбанов Ўзбекистон республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2020. -38 б.

2.38. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. – Т., 2008. - 37 б.

2.39. Жўраев, А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари: Монография. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.

2.40. Лукова, Л.Н., Букина, И.С. Налоговые системы зарубежных стран: учебник для бакалавриата и магистратуры. Юрайт. 2017. –428 с.

2.41. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009. 556 б.

2.42. Нормурзаев У.Х. Солик имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Дисс. автореферати. – Т., 2022. – 20. Б`

2.43. Ниязметов, И.М. Соликқа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солик тизими барқарорлигини таъминлаш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2018. – 40 б.

2.44. Рахмонов А., Сафаров У. Комплаенс и административные проблемы механизма НДС Узбекистана / Общество и инновации. 2, 7/S (авг. 2021).

2.45. Тошматов, Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 204 б.

2.46. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиги. Монография. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004. - 160 б.

2.47. Тошмурадова, Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 128 б.

2.48. Эргашев Рустам Ражабович. Солик сиёсатининг норасмий иқтисодиёт кўламини қисқартиришга қаратилган механизмларини такомиллаштириш иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати 2022й. 30 б.

3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитасининг ахборотномаси.

3.2. <http://www.Soloq.uz>-(Давлат солқи қўмитаси сайти)

3.3. <http://www.mf.uz>- (Молия вазирлиги сайти)

3.4. <http://www.stat.uz>-(Давлат статистика қўмитаси сайти)

3.5. <https://www.sciencedirect.com>

3.6. <http://www.doingbusiness.org> – (Doingbusiness – бизнес юритиш лойихаси).

3.7. <https://www.indexmundi.com> – (IndexMundi – бир нечта манбалардан тузилган батафсил мамлакат статистикаси, диаграммалар ва хариталарни ўз ичига олган сайт).

3.8. <https://taxfoundation.org> – (Солик фонди – Вашингтондаги таҳлил маркази).

3.9. <https://www.nalog.gov.ru> – (Россия Федерациясининг Федерал солик хизмати).

3.10. <https://davreestr.uz> – (Кўчмас мулк объектларига бўлган хукуқларнинг давлат реестри).

3.11. <https://kadastr.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги сайти).

3.12. <http://www.gov.uz> - (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий сайти).

3.13. <http://www.lex.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

3.14. <http://elibrary-data.imf.org>